<sup>2</sup> Schumpeter, J. (1934). The Theory of Economic Development. Cambridge, MA: Harvard University Press.

томонидан тасвириланган инновацияларни қандай ишлаб чиқариш жараёни<sup>3</sup> муҳим аҳамият касб этади. Айниқса Брокхофф томонидан ғоянинг вужудга келиши, ихтиронинг ўзи ва сотишга тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни шакллантириш жараёнларини ажратиб кўрсатилиши аҳамиятлидир.

Корхонанинг иқтисодий ҳаётй цикли инновацион салоҳиятни баҳолашда ва унинг рақобатбардошлигини аниқлашда муҳим таркибий қисм сифатида қаралади ва мавжуд иқтисодий салоҳиятдан фойдаланилганлик натижаси, уни янада ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади.

Илмий адабиётларда «иқтисодий салоҳият» тушунчасининг бир қанча талқинлари мавжуд. Иқтисодий адабиётларда кўрсатилишича, «инновацион салоҳият» атамаси биринчи марта К.Фримен томонидан қўлланилган. Олим салоҳиятни маълум бир шароитда аник айрим мақсадлар учун сафарбар қилишини маълум қилингган.<sup>4</sup> Шунингдек, муаллифлар иқтисодий салоҳиятнинг «инновацион салоҳият» каби категория билан ўзаро алоқаларига турлича қарайди.

Ҳар қандай тизимнинг инновацион фаолияти унинг рентабеллигини, ривожланишини юқори суръатларда амалга ошишини ва рақобатбардошлигини таъминловчи асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Бир қатор илмий ишларда турли олимлар томонидан инновацион салоҳият тушунчаси корхона, соҳа, минтақа ва давлат томонидан инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган ресурсларнинг умумлашган хусусиятларини қайд этиш мақсадида қўлланилади (1-жадвалга қаранг).

### **1-жадвал**

**Турли олимлар томонидан «инновацион салоҳият» тушунчасининг айрим талқинлари вариантлари<sup>5</sup>**

<b>Муаллифлар</b>	<b>Таъриф</b>
Абрамешин Воронина Молчанова Тихонова Е.А., Шленов Ю.В.	А.Е., Т.П., О.П., Инновацион фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган моддий, молиявий, интеллектуал, илмий-техник ва бошқа ресурсларнинг йигиндиси
Ковалев Г.Д.	Ишлаб чиқаришда янгиликлар яратишга йўналтирилган янги ва такомиллашган маҳсулотларни олиш технологияларини жорий қилишга зарур бўлган ўз ичига интеллектуал, моддий ва молиявий ресурсларни қамраб олган инновацион ресурслар мажмуи
Царев В.В., Канторович Черныш В.В.	А.А., Корхона олдида турган илмий-техник ривожланиш муаммоларини ҳал қилишга мўлжалланган кадрлар, моддий-техник ва ахборот ресурсларининг йигиндисидир
Мазин А.	Корхонанинг инновацион фаолиятини амалга ошириш имкониятларини ифодаловчи кўрсаткич

<sup>3</sup> Brockhoff, K (1997) Forschung und Entwicklung. Planung und Kontrolle. München: Oldenbourg.

<sup>4</sup> Freeman C. The National system of innovation historical perspectives. Camrige Journal of Economics, 1995.vol.19.№1

<sup>5</sup> Муаллиф томонидан тизимлаштирилган ва ишлаб чиқилган

Лисин Б.К., Фридлянов В.Н.		Инновацияларни жорий қилиш ва янгиликларни киритишни таъминлаш бўйича илмий-техник, технологик, инфратузилмавий, молиявий, хуқуқий, ижтимоий-маданий ва бошқа имкониятлариридир
Гунин В.Н., Баранчеев В.П., Фатхутдинов Горфинкель Чернышев Поршнев А.Г.	Р.А., В.Я., Б.Н.,	Корхонанинг инновацион мақсадларига эришиш учун инновацион лойиҳа ёки инновацион ўзгаришлар дастурини амалга ошириш бўйича тайёргарлиги ўлчови
Бовин А.А., Чередникова Л.Е., Якимович В.Я.		Корхонани ҳам ўзининг (ИТТКИ бўлимларида ўз кучи билан яратилган) ҳам бироннинг (патент, лицензия, ноу-хау кўринишида сотиб олинган) лойиҳасини амалга оширишга тайёргарлик даражаси
Жиц Г.И.		Нафақат янгиликларни яратиш, балки уларни самарали қўллаш бўйича ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тайёргарлик даражаси
Шляхто И.В.		Нафақат янгиликларни яратиш имконияти, балки уларни изчиллик билан жаҳон андозалари даражасида самарали қўллашга тайёргарлик имконияти
Базилевич А.И.		Ишлаб чиқариш, бошқарув, маркетинг, молиявий ва бошқа фаолият соҳаларида инновацияларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий қилиш қобилияти
Кочетков С.В.		Амалда мавжуд ресурслар доирасида қўйилган инновацион мақсадларга эришиш қобилияти

Инновацион салоҳият тушунчаси турли ишланмалар ва тадқиқотларни амалга оширувчи ташкилотларнинг сони, фаолияти унумдорлиги, самарадорлиги, интеллектуал мулк обьектлари, инновация соҳасидаги мутахассислар, олимлар, кадрлар сони, молиялаштириш ва моддий ишлаб чиқариш базаси, мамлакатда ва шу жумладан хорижда ҳам илмий ахборотлар, инновация ва инновацион фаолият ахборотлари, илмий мактаблар ва уларнинг миллий, дунё илм-фанида тутган ўрни кабиларни ўз ичига қамраб оловчи инновацион фаолият ресурсидир<sup>6</sup>.

Ўзбекистон республикасида бугунги кунда давлатимиз томонидан саноат корхоналарини инновацион ривожланиш асосида замонавий бошқариш механизmlарини қўллаш долзарб масалага айланганлиги муносабати билан биз қўйидаги таърифни таклиф этдик.

Фикримизча, корхонада **инновацион салоҳият** - корхона ёки ташкилотнинг ёхуд умуман олганда қайси тармоқ, соҳада фаолият кўрсатишидан, мулкчилик шаклидан, ташкилий-хуқуқий мақоми, ўлчамларидан қатъи назар исталган бир хўжалик юритувчи субъектнинг янги ишланмаларини ишлаб чиқиш, кашфиётлар ёки ихтиrolарни, фойдали моделларни яратиш, уларни жорий

<sup>6</sup> Ерина, А. Е. Управление научно-исследовательскими и опытно-конструкторскими работами // Современное общество, образование и наука; сборник научных трудов по материалам Международной научно-практической конференции 31 июля 2013 г.: в 5 частях. Часть 1; М-во обр. и науки РФ. - Тамбов: Изд-во ТРОО «Бизнес-Наука-Общество», 2013. – С. 59-62.

фаолиятида самарали қўллаш бўйича мавжуд барча интеллектуал, молиявий, кадрлар, ахборот, моддий-техник ва бошқа ресурслари ҳамда имкониятлари йиғиндишидир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтишимиз мумкинки, инновацион салоҳият иқтисодий салоҳиятнинг энг муҳим таркибий қисмларидан бири саналади ва илмий адабиётларда инновацион салоҳият тушунчаси кенг тарқалган илмий-техник салоҳият тушунчаси билан ҳам бир қаторда қўлланилади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Бабашкина А.М. Государственное регулирование национальной экономики. - М.: Финансы и статистика, 2003. - 480 с.
- 2.Базаров Ю.Т. Управление персоналом в условиях кризиса / Ю.Т. Базаров, П.В. Малиновский // Теория и практика антикризисного управления. - М.: ЮНИТИ, 1996. - 376 с.
- 3.Балабанов И.Т. Основы финансового менеджмента. - М.: Финансы и статистика, 2001. - 528 с.
- 4.Батлер У.Э. Основные черты российского открытого акционерного общества и американской корпорации. // Государство и право. 1998. № 7.
- 5.Беркинов Б.Б. Корпоративные структуры (Основы создания и управления). – Т.: Издательство Нац. Б-ки Узбекистана им. Алишера Навои, 2005. - 132 с.

**Шатохина С. Ю.**

*Ташкентский архитектурно-строительный институт  
старший преподаватель*

## **ПРОБЛЕМЫ И ПУТИ РЕАЛИЗАЦИИ ЦИФРОВИЗАЦИИ РЕГИОНАЛЬНОЙ ЭКОНОМИКИ В УЗБЕКИСТАНЕ**

**Аннотация:** Рассмотрены основные понятия цифровой экономики на уровне регионов. Проведен анализ программ, способствующих цифровизации отдельных регионов. Выявлены основные проблемы, способствующие замедлению цифровой трансформации регионального рынка. При помощи анализа изучен процесс применения цифровых платформ регионами Узбекистана.

**Ключевые слова:** региональная цифровая экономика, цифровая экономика, цифровая трансформация рынка, производственный потенциал, цифровая платформа.

**Annotation:** The basic concepts of the digital economy at the regional level are considered. The analysis of programs that contribute to the digitalization of individual regions is carried out. The main problems contributing to the slowdown of the digital transformation of the regional market are identified. With the help of the analysis, the process of using digital platforms by the regions of Uzbekistan is studied.

**Keywords:** regional digital economy, digital economy, digital transformation of the market, production potential, digital platform.

В настоящее время применение цифровых платформ для социально-экономического развития регионов становится все более актуальным. Экономики регионов разнятся между собой, у них различные производственный и ресурсный потенциалы, которые соответственно и влияют на социально-экономическое развитие каждого из них.

В Узбекистане разработана Стратегия под названием «Цифровой Узбекистан – 2030» по инициативе президента Шавката Мирзиёева в 2020 году. "Главы регионов и отраслей обязаны осознать, что без цифровизации не будет результата, не будет развития. Руководители всех уровней должны определить этот вопрос как свою повседневную задачу, глубоко изучить сферу цифровизации с самых азов", – отмечает Шавкат Мирзиёев.

Для эффективного внедрения и использования цифровой экономики в Узбекистане необходимо, в первую очередь определить перечень основных категорий, которые позволяют всем участникам понимать друг друга; во-вторых, разработать методы и пути цифровой трансформации экономики в целом, а также отдельно по регионам и отраслям.

**Цифровая экономика** – это экономика, характерной особенностью которой является максимальное удовлетворение потребностей всех ее участников за счет использования информации, в том числе персональной. Это становится возможным благодаря развитию информационно-коммуникационных и финансовых технологий, а также доступности инфраструктуры, вместе обеспечивающих возможность полноценного взаимодействия в гибридном мире всех участников экономической деятельности: субъектов и объектов процесса создания, распределения, обмена и потребления товаров и услуг [3,12].

Экономика любого государства, представляет собой результат, получаемый регионами и отдельными отраслями. Поэтому необходимо подробно изучить понятия, характеризующие цифровую экономику с точки зрения региона и отдельного предприятия, но это сделать не так просто, так как, в настоящее время нет четких разграничений между цифровизацией страны и отдельного региона. Например, если в регионе население пользуется интернетом или оплачивает платежи через любую платежную систему, это еще не говорит о том, что данный регион достиг цифровизации своей экономики.

Главным фактором развития цифровой экономики регионов, является создание эффективной цифровой платформы. Существует множество определений, появившихся в последнее время, которые отличаются тем, что могут относиться к регионам, предприятиям или отраслям отдельно.

Платформа «Цифровой» экономики – это цифровая среда (программноаппаратный комплекс) с набором функций и сервисов, обеспечивающая потребности потребителей и производителей, а также реализующая возможности прямого взаимодействия между ними [3, с.13].

Для того чтобы цифровизация проходила успешно, необходимо создать единую информационную среду, которая будет способствовать снижению трансакционных издержек. Данное снижение можно достичь, если применять новые технологически-усовершенствованные пакеты предоставления интернет услуг. Также за счет сокращения времени на подключение и регистрацию, и конечно расширяя штат сотрудников, которые будут грамотно консультировать о всех возможностях интернет-пакетов, тем самым расширяя информационный потенциал населения. Можно сказать, что, набирая дополнительных сотрудников, будут и расти затраты на оплату их труда. Но если подсчитать это в совокупности с тем доходом, который может быть получен, от привлечения и вовлечения новых клиентов, то конечно данные затраты будут настолько малы в долевом участии, что экономическая выгода будет очевидна.

Ключевым моментом здесь является, то, что надо донести до населения плюсы от применения цифровых технологий в повседневной жизни, и тогда можно с уверенностью сказать, что трансформация экономики за счет цифровизации началась. Но появляются и отрицательные моменты от внедрения цифровых процессов и механизмов.

Если рассматривать отдельный регион, то можно констатировать, что у населения и хозяйствующих субъектов не такой уж большой выбор платформы цифровой экономики. Чаще всего создателями данных платформ являются отдельные компании или это может быть заинтересованная отрасль, а может и сама администрация региона. Каждый из этих субъектов преследует свою частную цель, извлечь выгоду от продвижения именно своей цифровой платформы, и неважно будет ли это затрагивать отдельные предприятия или в целом весь регион. Но факт монополизации и ведомости потребителей в данной ситуации ярко выражен, они оказываются ограниченны в своем выборе.

Платформа для цифровой экономике в нашей стране чаще всего реализуется по заниженным ценам, а как известно пользователей всегда будут привлекать именно низкие цены, но о качестве потребитель вспоминает уже в процессе эксплуатации той или иной платформы, которые чаще всего оказываются лишь «демо-версиями». При работе на таких платформах происходит сбой в системе, базе данных, что влечет негативные последствия при налаживании отношений с домашними хозяйствами, как основными потребителями данного вида услуг.

Рассматривая процесс формирования добавленной стоимости, можно увидеть, что практически все его цепочки попадают под влияние цифровой платформы, так как платформа включает в себя всю информационную базу, соответственно контролирует все взаимоотношения участников рынка и сам рынок.

Таким образом, необходимо обратить внимание на изучение «экосистемы региональной экономики», которая оказывается под влиянием платформы цифровой экономики.

Заслуживают внимания вопросы мотивации персонала. [5, с.297].

Также можно использовать мейнстрим региональной экономики, представляющий собой течение экономической деятельности, экономического образа мышления на определенном отрезке времени [4, с.99-102].

В Узбекистане на 1 января 2021 года составляющие цифровой экономики включают систему электронного правительства, платформу для электронной коммерции, внедрение «умных» технологий в производственные процессы, сферах услуг, создание систем «Умный город» и «Безопасный город», а также широкое использование технологий «интернета вещей» (приложений).

Следовательно, цифровая трансформация региональных рынков носит больше революционный характер, чем эволюционный. Потенциал у регионов достаточный для его использования при цифровизации его экономики.

### **Использованная литература:**

1. О государственной программе по реализации стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах в «год активных инвестиций и социального развития». УП-5635 от 17.01.2019//Национальная база данных законодательства, 18.01.2019 г., № 06/19/5635/2502
2. Указ Президента РУз 6079 от 05.10.2020г Об утверждении Стратегии «Цифровой Узбекистан 2030»
3. Введение в «Цифровую» экономику/ А.В. Кешелава В.Г. Буданов, В.Ю. Румянцев и др.; под общ. ред. А.В. Кешелава; гл. «цифр.» конс. И.А. Зимненко. – ВНИИГеосистем, 2017. – 28 с. (На пороге «цифрового будущего». Книга первая).
4. Овсянникова, Т.А. Экономический механизм обеспечения устойчивого развития региона / Т.А. Овсянникова // Новые технологии. - 2014. - №2. - С. 99.
5. Musaevna U. Z. To Improve The Approaches Of The Personnel Management Mechanism In The Light Industry //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. – 2021. – Т. 24. – №. 1. – С. 296-299.

**Турғунов М. М.**  
*Фарғона политехника институти  
“Иқтисодиёт” кафедраси асистенти*

## **СОЛИҚ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШДА РАҶАМЛАШТИРИШНИНГ ЎРНИ**

**Аннотация:** Уибұ тезисда солиқ тизимини рақамлаштириши, рақамлаштириши натижасида эришиладиган самарадорлик ҳамда рақамлаштирилган миллий иқтисодиёт истиқболларини шылаб чиқишида рақамлы технологиялар.

**Калит сўзлар:** солиқ тизими, «Электрон ҳукумат», Ягона интерактив давлат хизматлари портали.

**Annotation:** In this thesis, the digitization of the tax system, the efficiency

*achieved as a result of digitization, and digital technologies in the development of the prospects of the digitalized national economy.*

**Keywords:** tax system, "E-government", Single interactive public services portal.

Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш, макроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, солиқ тизимини ислоҳ қилиш, хорижий инвестицияларни жадал жалб қилиш, саноатни модернизациялаш ҳамда замонавий юқори технологияли ишлаб чиқаришни барпо этиш мақсадида қатор чора тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июнь кунги ПФ-5468-сон “Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси тўғрисида” фармонига асосан солиқ тизимини самарали такомиллаштиришда ҳозирги глобал иқтисодиётда кўпроқ маълумотларни алмашишда электронлаштириш муҳим ҳисобланади. Бунда, солиқ ва молиявий ҳисботларнинг тўлиқ электрон шаклда тақдим этилишига ўтилганлиги тадбиркорларнинг кўп вақтларини сарфлаб навбатда туришларини олдини олиш билан бир қаторда уларнинг қўшимча харажатларини яъни маблағларини иқтисод қилишда жуда катта ёрдам бўлмоқда.

Ушбу рақамлаштириш натижасида давлат бюджетига тўланадиган маблағлар бўйича маълумотларни тезкор таҳлил қилиш имконини яратилмоқда. Шунингдек, солиқ тўловчи бўлган юридик шахслар интернетдаги “Шахсий кабинет”лари орқали солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ҳам онлайн шаклда тўлаш имкониятига эга бўлиб келишмоқда. Бу эса қўшимча иш ва оворагарчиликларнинг олдини олмоқда. Умуман олганда, Ўзбекистонда олиб борилаётган солиқ сиёсатининг асосий мақсади – бюджетга тўланадиган тўловларнинг тўғрилиги, шаффофлиги, очиқлиги ҳамда тақдим этилган электрон маълумотларни қайта ишлаб жўнатиш имконияти мавжудлиги ҳам муҳим бўлиб ҳисобланади. Бу эса солиқ маъмурчилигини модернизациялаш ва ислоҳ қилишда солиқ-бюджет муносабатларини оптималлаштиришга, солиқ тўловчиларнинг мустақил даромад топишларига, солиқ текширувларининг самарадорлигини оширишга, солиқ тўловчилар фаолиятига асосиз аралашув ва текширувларнинг олдини олишга, фаолият юритмаган ҳисбот даврлари учун ноўрин қўшимча солиқ тўловларни мажбурий тарзда тўламасдан харажатларини янада камайтириш каби кўплаб имкониятларни яратиб бера олади деб ҳисблаймиз.

“Blockchain” термини инглиз тилидан кириб келган бўлиб, “занжирли механизм” маъносини англатади. Бошқача айтганда, блокчейн технологияси маълум бир электрон тизим доирасида амалга оширилган битимлар ёки бошқа рақамили ҳодисалар мажмуини ўзида акс эттирган маълумотлар базасидир. Блокчейн технологияси асосида сақланадиган маълумотлар хавфсиз ва шаффоф бўлиб, уларни ўзgartириш имконсизdir. Маълумотлар алмашинуви марказлашган серверларга қараганда анча тез ишлаши каби имкониятлари блокчейн технологиясини интернет оламида оламшумул янгилик даражасига олиб чиқди. Шу сабабдан ҳам ушбу технологияни зандирли механизмга асосланган ҚҚС маъмурчилигига қўллаш бугунги кунда жуда долзарбди.

Солиқ тизимини рақамлаштириш биринчи навбатда солиқ тўловчиларнинг эҳтиёж ва имкониятларига қаратилган бўлиши лозим. Механизм қанчалик қулай ва содда бўлса, фуқароларга давлат олдидаги барча солиқ мажбуриятларини ўз вақтида бажариш шунчалик осон бўлади. Бугунги кунда жаҳонда кенг тарқалиб бораётган блокчейн технологиясини солиқ маъмурчилиги, жумладан, қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) механизмига жорий этиш солиқ назорати тизимини соддалаштириш, бухгалтерия ҳисоби, тўловлар ва активларни ўтказиш ҳамда ҳисобга олиш жараёнини автоматлаштиришда катта имкониятларни яратади. Мазкур технологиядан нафақат тараққий этган мамлакатларда, балки ривожланаётган мамлакатларда, шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам қўплаб соҳаларда (иктисодиёт, молия, давлат кадастри ва картография, пул ўтказмалари, соғлиқни сақлаш ва х.к.) фойдаланиш имкониятлари ўрганилмоқда.

Хулоса ўрнида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон солиқ тизимини рақамлаштириш жараёнини тезлаштиришда блокчейн технологияларидан фойдаланиш амалиётига тўлиқ ўтилиши лозим. Шунингдек:

1. Рақамлаштириш жараёнида янги информацион технологиялардан фойдаланиш тезлигини ошириш мақсадида хорижий мутахассисларни жалб этиш орқали маҳаллий кадрлар салоҳиятини қисқа муддатларда оширишга еришиш;

2. IT-мутахассислари учун маҳсус тренинглар ўтказиш даврийлигини йўлга қўйиш ҳамда миллий иқтисодиётнинг ўзига хос йўналишларини ҳисобга олган ҳолда дастурий маҳсулотларни соҳаларга адаптация қилиш жараёнини тезлаштиришга эриши;

3. Соҳага венчур ва акселерацион дастурий маҳсулотларни етказиб берувчи контентни, ивент-холларни, коворкинг марказларида фаолият юритиши мумкин бўлган мутахассисларни, дата-центрлар фаолиятини назорат қилиши мумкин бўлган кадрларни тайёрловчи, қайта тайёрловчи ва малакасини доимий ошириб борувчи таълим хизматини кўрсатиши мумкин бўлган IT академиясини очиш.

4. Ушбу қулай бўлган тизимдан асосий фойдаланувчилар бўлган тадбиркорларни ҳам босқичма-босчиқ тизимдан фойдаланиш маҳоратини ошириб бориши учун видео-дарслик ва қулланмалар ишлаб чиқибб уларга етказиб бериш.

Юқоридаги таклифлардан келиб чиқиб, солиқ тизимини самарали такомиллаштириш ва уни жадаллаштириш мумкин деб хисоблаймиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Гулямов С.С., Аюпов Р.Ҳ., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р.. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019 й.

2. Бекмуродов Т.Ф. Исследования по компьютерной технике и информатике в Узбекистане: история и перспективы.|Сб. научных трудов НПО “Кибернетика” АН Руз - Ташкент,2004.-с.78-84

3. <https://lex.uz/docs/3802378>

4. <https://strategy.uz/index.php?news=275&lang=uz2>

**СЕКЦИЯ №2**  
**САНОАТ ТАРМОҚЛАРИДА РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР**  
**АСОСИДАГИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ**

**Рахимова М.А.**

*Фарғона политехника институти*

*магистрант*

**САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА РИСКЛАРНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ**  
**АСОСИДА ФАОЛИЯТ САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ**

**Аннотация:** Мақолада саноат корхоналарида рискларни бошқариши тизими асосида саноат корхоналари фаолияти самарадорлигини ошириши масалалари тадқиқ қилинган.

**Калим сўзлар:** риск, саноат корхоналари, бошқаув, салбий рисклар, ижобий рисклар, риск кўрсаткичлари

**Аннотация:** В статье исследованы вопросы повышения эффективности деятельности промышленных предприятий на основе системы управления рисками на промышленных предприятиях

**Ключевые слова:** риск, промышленные предприятия, управление, негативные риски, позитивные риски, показатели риска

**Annotation:** The article examines the issues of improving the efficiency of industrial enterprises on the basis of a risk management system at industrial enterprises

**Keywords:** risk, industrial enterprises, management, negative risks, positive risks, risk indicators

Ўзбекистон Республикасининг географик жойлашуви, ижтимоий-иктисодий салоҳияти ва инсон ресурслари саноат корхоналарини ривожлантириш учун муҳим шарт-шароит етарли эканлигини кўрсатади. Саноат корхоналарининг ривожланиб бориши макроиктисодий барқарорликни таъминлаб қолмасдан, ахолининг яшаш фаровонлигини оширади. Саноатнинг барқарор ривожланишини таъминлаш эса бозор иқтисодиёти шароитида раҷамлар орқали ҳисоб-китоб қилинадиган таҳлиллар асосида макро даражадаги қарорларни қабул қилишни талаб қиласидиган жараёндир[1].

Саноат корхоналарида рискларни бошқариш деганда ташқи ва ички омилларнинг таъсирини, аниқланган рискларнинг ҳар бири билан ишлашнинг юқори самарали усусларини амалга оширишга қаратилган бошқарув қарорларини ҳисобга олган ҳолда ваколатли ва аниқ шароитларга мос ҳолда ишлаб чиқиш ва асослашга қаратилган мураккаб узлуксиз жараён тушунилади[2].

Баъзи бир иқтисодчилар рискни «хатар», «хавф-хатар» деб ифодалайдилар, жумладан, профессор А.Ўлмасов «Фирманинг ўз фойдаси ва ҳатто капиталидан ажralиб қолиш эҳтимоли тадбиркорлик хатари дейилади»[3] деб таъриф бериб ўтса, Ё.Абдуллаев, Т.Бобоқуловлар ўзининг

тадқиқот ишида «Фоиз хавф-хатари деганда, фоиз ставкаларининг даражаси ва ҳаракатининг ўзгариши натижасида зарап кўриш хавфи»[4] деб бериб ўтилган таърифида рискни хавф-хатар ибораси билан талқин қилишга ҳаракат қилишган.

Илмий адабиётларда рискларни аниқлаш муаммосига мавжуд ёндашувларни таҳлил қилиш одатда рискни тўлиқ ёки қисман ноаниқлик шароитида қарор қабул қилишда қўшимча даромад, фойда ёки даромад шаклида ижобий натижа олиш имконияти, шунингдек, муайян вазиятларни, ташқи ва ички омилларнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда режалаштирилган натижага нисбатан заарлар шаклидаги салбий натижа сифатида кўриб чиқишга имкон беради. Юзага келиши мумкин бўлган барча рискларни иккита катта гуруҳга бўлиш мумкин[5]:

1. Салбий рисклар – юзага келиши орқали салбий ёки нейтрал оқибатларга олиб келувчи хатарлар.

2. Ижобий рисклар – салбий ва нейтрал оқибатлардан ташқари ҳар қандай қўшимча фойда олиш мумкинлигини назарда тутувчи тасодифий ўзгаришларни акс эттирувчи хатарлар, уларнинг салоҳияти ўзининг ижобий таъсири билан характерланади.

Саноат корхоналарининг фаолияти объектив равишда ноаниқлик ва таваккалчиликнинг сезиларли улушини ўз ичига олади. Бу риск субъектив ва объектив омилларнинг корхона хўжалик фаолиятига тасодифий таъсири билан боғлиқ. Ҳар бир ишлаб чиқариш ва иқтисодий тизим ўз фаолияти давомида ўз ҳаёт циклининг бир қатор босқичларидан ўтади ва табиийки, уларнинг ҳар бири маълум даражада ноаниқлик билан тавсифланади. Шунга асосланиб, саноат корхонасини самарали бошқариш учун ўзгарувчан мухитда уни бошқариш ўз ички мухити (холислик, ишлаб чиқариш ва умумий харажатлар микдори, рентабеллик, янги технологик ускуналарни сотиб олиш имкониятлари ва бошқалар) ҳақида энг ишончли маълумотга эга бўлиши керак[6].

Хатарлар саноат корхонасининг режалаштирилганидан ташқари қўшимча харажатларни амалга ошириши ёки ҳақиқий даромадлар салбий ҳодисалар (ташқи ёки ички мухитда) натижасида режалаштирилганидан паст бўлиши кўринишида юзага келади. Саноат корхоналарида рисклар билан боғлиқ йўқотишлилар меҳнат, молиявий, моддий, вақтинчалик ва маҳсус йўқотишлиларга бўлинади. Бу йўқотишиларнинг қийматини баҳолаш логарифмик, интеграл, занжирли алмаштиришлилар ва бошқа усулларни ўз ичига олган омилли таҳлил ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Хизмат кўрсатиш корхоналари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда рискларни баҳолашда логарифмик ва интеграл баҳолаш усуллардан фойдаланиш энг мақбул усулдир. Чунки ушбу омилли баҳолаш моделлари, одатда, кенг қамровли кўрсаткичларига эга ва бу таҳлил қилинаётган корхона фаолиятига ҳар томонлама баҳо бериш имконини беради.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, юқорида кўрсатиб ўтилган муаммоларни ҳал этиш, Ўзбекистонда риск ва ноаниқлик мухитида саноат корхоналарини ривожланишини таъминлаш учун қуйидагиларни амалга ошириш мақсадга мувофик:

- санаот корхоналарида риск ва ноаниқлик мұхитида ривожланиш стратегиясими мүкаммал ишлаб чиқиши ва у бүйича таҳлил тадбирларини амалға ошириш тизимини йўлга қўйиш;
- санаот корхоналарини бошқариш жараёнларида риск даражасини бошқариш имкониятлари таҳлили, рискдан қочиши ёки олдини олиш йўлларини ўйлаш, риск омиллари таъсирида юзага келадиган салбий оқибатларни олдини олиш ва бартараф этиш;
- риск пайдо бўлишининг асосий йўналишларини аниқлаш, ҳодисалар салбий ривожланишининг юзага келиш сабабларини таҳлил қилиш, риск омиллари таъсирида юзага келадиган иқтисодий оқибатларни олдиндан баҳолаш ва риск омилларининг юзага келиш эҳтимолини ҳисобга олиш асосида бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ахборот базани яратиши.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Қамбаров Ж.Х. Ишлаб чиқариш рискларининг бошқаришнинг санаот ривожланишига таъсири масалалари. Иқтисод ва молия / экономика и финансы 2019, 9(129). -48-56-б.
2. Вяцкова Н. А., Хрусталёв Б. Б. Особенности формирования эффективной системы управления рисками на предприятиях строительного комплекса / Н.А.Вяцкова, Б.Б.Хрусталёв // Экономика и предпринимательство. – 2015, № 1 (54) –С. 404-413.
3. Ўлмасов А. Иқтисодиёт асослари. - Т.: «Мехнат», 1997 й. 165 бет.
4. Абдуллаев Ё, Бобоқулов Кредит: 100 саволга 100 жавоб.- Т.: «Мехнат», 1996 й. 80 бет.
5. “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali. № 3, may-iyun, 2020 yil.
6. Вяцкова Н.А. Организационно-экономические ситуации функционирования и развития предприятий в условиях риска / Н.А.Вяцкова // Вопросы экономики и управления. - 2017. - № 3. - С.15-24.

**Эгамов Р. М.**

*Самарқанд Давлат архитектура-қурилиши институти  
Докторант*

## **ҚУРИЛИШ ИНДУСТРИЯСИ КОРХОНАЛАРИДА МАҲСУЛОТ РАҶОБАТБАРДОШЛИГИНИ ОШИРИШДА ИННОВАЦИОН ТАДБИРЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Аннотация.** В статье раскрываются теоретические и практические аспекты некоторых факторов с помощью инновационных мер по обеспечению конкурентоспособности продукции на предприятиях строительной индустрии.

**Ключевые слова:** строительная индустрия, инновационное мероприятие, инновационная идея, инновационный проект, конкурентоспособность.

**Abstract.** The article reveals the theoretical and practical aspects of some factors with the help of innovative measures to ensure the competitiveness of products at the enterprises of the construction industry.

**Key words:** Construction industry, innovation, innovative event, innovative idea, innovative project, competitiveness.

Бугунги кунда иқтисодиётининг ривожланишига улкан ҳисса қўшиб келаётган соҳалардан бири қурилишdir. Қурилиш индустряси корхоналарида инновацион тадбирлар асосида аҳоли эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва рақобатбардошлигининг ошиши таъминланади. Қурилиш корхоналарини модернизациялаш ва диверсификация қилиш борасидаги туб ислоҳотларимизнинг амалга оширилиши қурилиш маҳсулотларининг рақобатбардошлигини оширишда иқтисодий, техник ва молиявий имкониятларидан самарали фойдаланган ҳолда аҳоли турмуш даражасини оширишни талаб этади. Маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш учун инновацион тадбирлар асосида илмий-асосланган таклиф ва тавсиялар бериш бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири деган фикрдамиз.

Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан ушбу долзарб масаланинг ташкилий жиҳатлардан ҳал қилиш ва инновацион тадбирларнинг хуқуқий асосларини яратиш бўйича қатор ҳужҷатлар қабул қилинган. Булар қаторига 2018 йил 21 сентябрдаги “2019 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сон Фармони, 2018 йил 20 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида илғор технологиялар марказини ташкил қилиш тўғрисида”ги ПҚ-3674 Қарори, 2020 йил 27 ноябрдаги ПФ-6119-сонли “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонларни киритишимиз мумкин. Ушбу фармон ва қарорларнинг асосий мақсади иқтисодиётнинг юқори технологик тармоқларини шакллантириш ва фаол ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ва буюртмачиларига қўшимча имтиёзлар бериш орқали инновацион тадбирлар билан ишлаб чиқариш ўртасидаги интеграциялашувни янада такомиллаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспорти орқали рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга эришиш, хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантириш мақсадларида жорий этиш тизимини шакллантиришдан иборат деб ҳисоблаймиз.

Қурилиш индустряси корхоналарида маҳсулот рақобатбардошлигини таъминлашнинг асосий йўналишларидан яна бири фан-техника тараққиётини жадаллаштириш орқали инновацион тадбирларни жорий қилишdir.

Давлат томонидан илмий тадқиқот ишларини олиб боришининг зарурати фан ва инновация жараёнларининг иқтисодий ўсиш ва қурилиш индустрияси корхоналарининг рақобатбардошлигини таъминлашнинг асосий омили эканлиги, ҳамда янги ишчи ўринлари яратиш манбаига эришишнинг асоси эканлиги билан ажралиб туради.

Демак, давлат инновацион тадбирлар орқали маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш бугунги кунда айнан улар қурилиш тараққиёти истиқболини белгилаётганлиги эътиборга олиб, албатта бу инновацион тадбирларни кенг миқёсида оммалаштириш лозим.

Ушбу мақолада бизлар қурилиш индустрияси корхоналарида инновацион тадбирларнинг ажралмас қисми бўлмиш инновацион салоҳият тўғрисида фикр юритмоқчимиз. Адабиётларда инновацион салоҳият атамаси турли талқинларга эгадир. Уларда инновацияларни оммалаштириш ғояси олдинга сурилади, шу билан биргаликда ушбу жараённинг техник, хукуқий ва тижорат томонларини ёритишга ҳаракат қилинади. Корхонанинг иқтисодий ҳаётий цикли инновацион салоҳиятни баҳолашда ва унинг рақобатбардошлигини аниқлашда муҳим таркибий қисм сифатида қаралади ва мавжуд иқтисодий салоҳиятдан фойдаланганлик натижаси, уни янада ривожлантиришнинг асоси ҳисобланади. Шу билан биргаликда мавжуд атама қурилиш корхоналаридаги ҳусусиятларни тўла акс эттиргмаган. Соҳада тижорат асосида инновацияларни тарқатишга қизиқиш етарли эмас. Лойиха-қурилиш маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва рақобатбардошлигини оширишда ўзининг қатъий технологик талаблари ҳамда анъанавий жараёнларнинг устуворлиги билан инновациялар оммалашига алоҳида эътибор қаратиш билан ажралиб туради.

Бу жараённи амалга ошириш учун аваллам бор “Қурилиш индустрияси корхоналарида инновацион салоҳиятнинг муваффақият даражасини яхшилаш учун одатдаги чора-тадбирлар”ни ўрганиш зарурдир, бу босқичларни “Қурилиш индустриясида инновацион тадбирларни амалга ошириш орқали маҳсулот рақобатбардошлигини яхшилаш тўғрисидаги чора-тадбирлари” бўйича қўйидагича тасвирлаш мумкин.

Воқеалар йўналиши	Тақлиф етилган тадбирлар
<b>1</b>	<b>2</b>
Қурилиш маҳсулотларининг рақобатбардошлигини яхшилашда инновацион тадбирлар қўллаш	<ol style="list-style-type: none"> <li>Маҳсулот сифатини яхшилаш; талабларга асосланган янгилик, истеъмолчилар.</li> <li>Нархларни пасайтириш.</li> <li>Қурилиш компаниясининг мақсадларига асосланган инновацияларни модификациялаш.</li> </ol>
Қурилиш индустрияси корхоналарининг инновацияларга тайёрлигини ошириш	<ol style="list-style-type: none"> <li>Янги техника воситалари билан ишчилар ва мутахассисларни ўқитиш, янги механизмлар билан ишлаш кўнимларини ошириш;</li> <li>Техник ускуналарнинг юқори даражасига ўтиш билан асосий воситаларни янгилаш:</li> </ol>

	<p>3. Қурилиш индустрияси корхоналарини бошқариш тизимини такомиллаштириш.</p> <p>4. Ишчилар малакасини ошириш;</p> <p>5. Менеджерлар ўртасида ишончли муносабатларни ривожлантириш, инновацияларни жорий қилиш ва ходимларни жалб қилиш.</p> <p>6. Таşқи инвесторларни жалб қилиш</p> <p>7. Инновацион сиёсат учун масъул бўлган структуравий бўлинма ёки постларни яратиш (агар мавжуд бўлмаса).</p>
Инновацияларни бозорга қабул қилишини кучайтириш	<p>1. Ташқи бозорда истеъмолчиларни қидириш.</p> <p>2. Рақобатчиларни таҳлил қилиш асосида бозорнинг янги сегментини танлаш.</p> <p>3. Қурилиш корхонасида инновацион салоҳиятни ошириш.</p>

Қурилиш маҳсулотларининг рақобатбардошлигини таъминлашда инновацион тадбирларнинг муваффақият даражасини яхшилаш учун чора-тадбирлар<sup>7</sup>

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, қурилиш индустрияси корхоналарида инновацион тадбирлар маҳсулот рақобатбардошлигини оширишда муҳим омил бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнида янги технологияларидан кенг фойдаланиш орқали барқарор ривожланишини таъминлайди, шунингдек, корхонага рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариб, тармоқда мустаҳкам ўрин эгаллашида ва маҳсулотларининг жаҳон бозорларига чиқишига албатта ёрдам беради деган фикрдамиз.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон республикаси президентининг қарори “2016 — 2020 йилларда қурилиш индустриясини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида” Тошкент ш.,28 сентябрь.
2. Ўзбекистон республикаси президентининг фармони “Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2020 йил 27 ноябрь
3. Дж.О.Шонесси, Конкурентный маркетинг: Стратегический подход, СПб.: Питер, 2002.
4. Фатхутдинов Р.А. Конкурентоспособность: экономика, стратегия, управление. Серия "Высшее образование"- М.: ИНФРА-М, 2000. - 312с.

**Илёсов А.А.**

*Фарғона политехника институти*

<sup>7</sup> Муаллиф ишланмаси

## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ФАРГОНА ВИЛОЯТИ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИНИНГ ҲУДУДИЙ РАҶОБАТ УСТУНЛИКЛАРИ ТАҲЛИЛИ

**Аннотация.** Рақамли иқтисодиёт бугунги кунда ҳаётимизнинг барча жабхаларига шиддат билан кириб бормоқда. Ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида саноат маҳсулотлари экспортининг ҳудудий рақобат устунликларини таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига асосан айрим тавсиялар ишилаб чиқилган.

**Калим сўзлар.** Портернинг рақобат устунликлари ромби, талаф ҳолати, турдош ва қўллаб-қувватловчи тармоқлар, фирма стратегияси, ҳудудий рақобат.

**Аннотация.** Цифровая экономика на сегодняшний день динамично проникает во все аспекты нашей жизни. В статье анализируются региональные конкурентные преимущества промышленного экспорта в цифровой экономике. По результатам анализа были разработаны некоторые рекомендации.


**Ключевые слова.** Ромб конкурентного преимущества Портера, условия местного спроса, родственные и поддерживающие отрасли, стратегия фирмы, региональная конкуренция.

**Annotation.** The digital economy today is dynamically penetrating all aspects of our life. The article analyzes the regional competitive advantages of industrial exports in the digital economy. Based on the results of the analysis, some recommendations were developed.

**Keywords.** Porter's rhombus of competitive advantage, local demand conditions, related and supporting industries, firm strategy, regional competition.

Рақамли иқтисодиётда бозор муносабатларининг тараққий этиб бориши саноат маҳсулотлари экспортида рақобат мухитининг кучайиб боришини тақозо қиласди. Айниқса, ҳудудлар даражасида рақобат имкониятларини муттасил таҳлил қилиш, заиф томонларини бартараф этиш юзасидан чора-тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳудуднинг рақобат устунликларини баҳолашда Портернинг рақобат устунликлари ромби мухим ўрин эгаллайди [1, р.2]. У қуйидаги тўртта асосий элементларни қамраб олади (1-расм):



**1-расм. Портернинг рақобат устунликлари ромби.**

**Омиллар билан таъминланганлик.** Ишлаб чиқариш омиллари классик назарияга мувофиқ – меҳнат, ер, табиий ресурслар, капитал, инфратузилма – товарлар оқими йўналишини белгилаб беради. Мамлакатлар ўз ишлаб чиқаришида ортиқча омиллар билан таъминланган товарларни ишлаб чиқаради ва экспорт қиласи [2, р.3]. Адам Смит ва Девид Рикардодан бошланган ва классик иқтисодий назарияга киритилган ушбу таълимот, энг яхши ҳолатда тўлиқ эмас, ёмон ҳолатда нотўғри<sup>8</sup>.

Ҳар қандай ривожланган иқтисодиётнинг негизини ташкил этадиган мураккаб тармоқлар юқори малакали ишчи кучи ва ишлаб чиқариш илмий-техник базасининг асосларини яратади. Бундан ташқари, маълум бир вақтда мамлакатда мавжуд бўлган омиллар мажмуаси уларни яратиш ва янгилашнинг тезлиги ҳамда самарадорлиги, шунингдек, муайян соҳаларда қўлланилишидан кўра камроқ аҳамиятга эга бўлиб чиқади.

Энг муҳими узоқ муддатли ва катта ҳажмдаги инвестицияларни жалб қиласидан ихтисослашган ишлаб чиқариш омиллариdir. Ишчи кучи ёки табиий ресурслар каби базавий омиллар илмталаб саноат тармоқларида афзалликларни таъминламайди.

**Фирма стратегияси, рақобат.** Ҳудудий рақобатбардошлик даражаси бевосита рақобат муҳити, унинг хусусиятларига боғлиқ. Корхоналарнинг ишлаб чиқариш стратегиясининг ҳар томонлама мукаммал ва замонавий бўлиши ҳам зарур [3, р.2]. Ички бозорларда ҳам рақобатнинг мавжудлиги корхоналарни ўз фаолиятини такомиллаштириб, модернизация ва диверсификация қилишга ундейди ва бу орқали ҳудуд иқтисодиётининг ҳам рақобатбардош бўлиши кузатилади.

<sup>8</sup> Портер, Майкл, Э. Конкуренция.: Пер. с англ. — М.: Издательский дом "Вильямс", 2005. — 608 с.: ил. — Парал. тит. англ. ISBN 5-8459-0794-2 (рус.) стр.228.

**Талаб ҳолати.** Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга ички ва ташки бозорлардаги талаб ҳажми, унинг таркиби ва ўзгариб бориши худуд иқтисодиётининг рақобатбардошлиқ даражасига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Ушбу маҳсулотларга бўлган талаб ҳажмининг ортиб бориши худудий иқтисодиётнинг рақобатбардош бўлишига ёрдам бериши мумкин.

**Турдош ва қўллаб-қувватловчи тармоқлар.** Худуддаги маълум бир тармоқка яқин ва бир-бирини тўлдириб борадиган ҳамкор тармоқларнинг мавжудлиги мураккаб маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйишида, ишлаб чиқаришда замонавий илм-фан ютуқларидан фойдаланишини мувофиқлаштиришда кўмаклашиш имкониятини яратиб беради [4, р.3]. Шунинг учун ҳам бир-бирига яқин ва хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг мавжудлиги ижобий аҳамият касб этади.

Фарғона вилоятининг мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ўрнини қўйидаги жадвал асосида баҳолаш мумкин (1-жадвал).

### **Фарғона вилоятининг 2020 йил Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги ўрни**

#### **1-жадвал**

Кўрсаткичлар	Ўсиш суръати, %	Мамлакатимизда тутган ўрни
Ялпи худудий маҳсулот (ЯҲМ)	3,0	6
Аҳоли жон бошига ЯҲМ	1,1	12
Саноат маҳсулотлари	1,7	6
Истеъмол товарлари	0,1	5
Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари	4,8	4
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	16,4	10
Экспорт	-3,3	3
Қурилиш ишлари	7,2	6
Чакана савдо айланмаси	0,3	3
Хизматлар	2,8	4

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Фарғона вилояти Республикаимизда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш бўйича умумий 6-ўринни қайд этмоқда. Экспорт ва чакана савдо айланмаси кўрсаткичларида эса етакчи уч худуддан бири ҳисобланади. Вилоятимиз аҳоли сони бўйича иккинчи ўринда эканлиги ва инвестициялар хажмининг озлиги аҳоли жон бошига ЯҲМнинг мамлакат микёсида энг паст кўрсаткичлардан бирини эгаллашига сабаб бўлмоқда дейиш мумкин.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- Muminova, E., Honkeldiyeva, G., Kurrayanidi, K., Akhunova, S., & Hamdamova, S. (2020). Features of Introducing Blockchain Technology in Digital

Economy Developing Conditions in Uzbekistan. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 159, p. 04023). EDP Sciences.

2. Ilyosov, A. (2020). Some problems in digital production and export of industrial products in the digital economy. *Economics and finance*, (3), 175.
3. Ilyosov, A. A. (2020). Analysis of the structure of export of industrial products and changes in trends in the export process of the fergana region. Государственное регулирование социально-экономических процессов в условиях глобального кризиса (pp. 4-10).
4. Kurpayanidi, K., Abdullaev, A., Ashurov, M., Tukhtasinova, M., & Shakirova, Y. (2020). The issue of a competitive national innovative system formation in Uzbekistan. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 159, p. 04024). EDP Sciences.

**Жўраева Н. Қ.**

Фаргона политехника институти  
PhD, илмий даражали асистент

## **УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ СОҲАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ҲОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ**

**Аннотация:** Мақолада уй-жой коммунал соҳаси фаолиятини ташкил этиши ва ривожлантириши бўйича ҳориж мамлакатларидағи тажрибалар ўрганилиб, тажрибаларини ўрганиши асосида мамлакатимизда ушбу соҳани бозор муносабатлари ва миллий хусусиятларни эътиборга олган ҳолда бир қатор йўналишиларда ислоҳотларни амалга ошириши тавсия этилади.

**Калим сўзлар:** уй-жой фонди, уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси, уй-жой коммунал харажатлари, уй-жой коммунал хизматлари Уй-жой мулкдорлари ширкатлари, кооперативлар.

**Abstract:** The article examines the experience of foreign countries in the organization and development of housing and communal services, and on the basis of studying their experience, it is recommended to implement reforms in a number of areas in our country, taking into account market relations and national characteristics.

**Keywords:** housing fund, housing and communal services sector, housing and communal services, housing and communal services Housing owners' companies, cooperatives.

Жаҳон иқтисодиётига интеграциялашув жараёнида барча мамлакатлар тармоқ ва соҳалардаги таркибий ўзгаришларни мавжуд имкониятлар ва салоҳиятни ҳисобга олиб, илғор тажрибаларни маҳаллий шароитларга мослаштирган ҳолда амалга ошириши тараққиётни таъминлашда синалган усул сифатида қаралмоқда.

Уй-жой коммунал хизматлари учун харажатлар оилалар бюджетининг озиқовқат харажатларидан кейинги иккинчи ўринга чиқиб қолди. Масалан, уй-жой коммунал харажатлари Болгарияда оилалар харажатларининг 1/3 қисмини, Венгрия ва Чехияда  $\frac{1}{4}$  қисмини ташкил этди. Ушбу ҳолатни маълум даражада

енгиллаштириш мақсадида давлатлар томонидан молиявий ёрдамни қўзда тутган коммунал дотациялар кўринишидаги давлат дастурлари амалга оширила бошланди.

Фарбий Евropa ва АҚШда уй-жой мулкдорлари уюшмаси ташкил этилувчи (хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига ўхшаш) тураг-жой бинолари – хонадонларнинг биргаликда эгалик қилиш модели кенг тарқалган. Масалан, Чехия ва Словакияда кондоминиум аъзолари коммунал хизматлар учун қарзини тўламагунча мулк эгасига хонадонни сотиш хуқукини таъқиқлаши мумкин ёки мулкдордан ким ошди савдоси, яъни аукцион орқали хонадонни сотиш ва қарзни маблағ эвазига тўлаш талаб қилиниши мумкин [1].

Бугунги кунда уй-жой мулкдорлари бошқарувининг хорижий моделлари тураг жойларни сотиб олиш, эгалик қилиш ва улардан фойдаланишнинг хуқукий ва иқтисодий жиҳатлари юқори даражада тартибга солинади. Бунда, биринчи навбатда, фуқароларнинг манфаатларини ҳисобга олинади [2]. Масалан, АҚШнинг кўплаб уй-жой фондлари хусусий сектор субъектларига тегишли ва бир тураг жой биносида мулкнинг турли шакллари деярли мавжуд эмас [3].

Уй-жой коммунал хўжалигини бошқаришнинг илгор тажрибаларидан бири бу Германия Федератив Республикасида тўпланган тажриба ҳисобланади.

Шарқий ва Фарбий Германия бирлашиши арафасида Шарқий Германияда уй-жой кооперативлари 20% ни, хусусий уй-жойлар 40%ни ва давлат уйлари 40%ни ташкил қиласи эди. Бугунги кунда эса мулкдорлар 80%, тижорат эгалари 15%, коммунал уй-жой мулкдорлари ширкатлари эса 5% ни ташкил этади. Бундан ташқари, хусусий мулкдорларнинг 80%и уй-жой кооперативи ва ижарага берилга уйларга эгалик қиласи.

Бугунги кунда Германияда уй-жой коммунал хўжалиги корхоналарининг учта турдаги эгалик шакли мавжуд:

1. Муниципалитет вакиллари иштирокида тузилган кузатув кенгаши томонидан бошқариладиган очиқ акциядорлик жамиятлари сифатида мавжуд бўлган коммунал хизматлар кўрсатувчи корхоналар.

2. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари (МЧЖ шаклида).

3. Хусусий корхоналар ходимларининг шахсий уйлари.

Уй-жой мулкдорлари ширкатлари Ўзбекистондаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларидан фарқ қиласи, бунда шерикчиликнинг ҳар бир аъзоси бир овозга эга ва бунда ҳамкорлик бекор этилган тақдирда икки йилдан кейин қайтариладиган аъзолик бадалини тўлаш ҳам мажбурий ҳисобланади.

Польшада эса уй-жой фондини бошқариш ширкатлар, уй-жой истеъмолчилари жамиятлари, кооперативлар ва жамоат қурилиш ширкатлари мулки асосида фаолият олиб боради. Бу мамлакатда уй-жой фондини бошқаришнинг кооператив шакли ўтган асрнинг 70-йилларида пайдо бўлган бўлиб, давлат ер участкаларини кооперативларга 99 йилга ижарага берган. Бунда фуқаролар кооператив иштирокида хонадоннинг 50 фоизига пул тўлаган бўлишса, давлат хонадон қийматининг 50% и миқдорида кредитлар берган. Ушбу модельнинг энг асосий хусусияти кооперативлар тижорат кўчмас мулкни

(кафе, дўкон, автопарклар) қуриш ва уни ижарага олиш хуқуқига эга эканлигидаги кўринади.

Европа Иттифоқининг яна бир мамлакати Финляндияда уй ёки квартирани бошқариш уй-жой ёки хонадонли акционерлик жамиятлари орқали тартибга солинади, яъни квартиранинг эгаси яшайдиган уйга эгалик қилиш хуқуқини берувчи компания акцияларига эга бўлиб, уй-жой мулкдорлари ширкати бутун уй учун масъул ҳисобланади. Ушбу мамалакатда янги эгалик шакли бу – яшаш хуқуқига эга бўлган квартирадир. Мулк хуқуқини олиш учун ижарави кўчиб келиши билан квартира қийматининг дастлабки 15 фоизини тўлайди, аммо уй-жой мулкдорлари ширкатига баландроқ ижара ҳақини тўлайди. Ижарадан чиқиш вақтида, ижарави квартирага кўчиб ўтишда қўшилган пул миқдорини қайтариб олади [4].

Дунёнинг ривожланган мамлакатларидан бири бўлган Франциянинг уй-жой коммунал хизматлар тизими сиёсати уй-жой коммунал хизматларининг арzonлиги эвазига уй-жой мулкдорлари томонидан уй-жой ва қўшни худудларни ободонлаштириш ва таъмирлаш учун қўшимча маблағлар ажратилишини таъминлашга қаратилган. Францияда уй-жой фондини бошқариш бўйича қонуний мақомга эга бўлган синдикатлар мавжуд бўлиб, улар ўзида уй-жой фонди ахолисини бирлаштиради. 1965 йилдан буён Францияда мулк эгаларининг мулкни бошқариш хуқуқи, шакллари, усувлари, шунингдек, биргаликда мулкчиликни юритиш мақоми қонуний ҳужжат билан мустаҳкамланган [5].

Уй-жой коммунал хизматлари соҳаси ўзига хос хусусиятларга эга ривожланган мамлакатлардан яна бири Швеция бўлиб, ушбу мамлакатнинг бу соҳадаги ўзига хос хусусияти уй-жой фондининг 40 фоизга яқини ижаравий уй-жой эканлиги ва бу фоизнинг ярмидан ортиқроғи шаҳар муниципалитетига тегишли уйлардан иборатлигидир [6]. Мамлакатда кўп сонли ижаравчилар уюшмаси мавжуд бўлиб, бир уюшма таркибига кирувчи оиласарнинг сони 20 тадан 20 мингтагача бўлиши мумкин. Ушбу уюшмалар билан давлат орасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилганлиги сабабли ҳозиргacha якка тартибдаги уйларни хусусийлаштириш таъқиқланган бўлиб, уюшмалар, одатда, ижаравчиларнинг умумий йигилишида сайланадиган 5-9 киши томонидан бошқарилади.

Соҳа бўйича илғор тажрибалардан бири Буюк Британияда кузатилиб, бунда уй-жой ва коммунал соҳадаги ислоҳотлар 15 йил давом этди. Мамлакатда сув ва электр таъминоти хусусий компаниялар тасаррufига ўтган. Ушбу соҳада хусусийлаштириш амалга оширилгандан сўнг коммунал хизматлар нархлари сезиларли даражада пасайган, лекин кейинчалик тарифлар ошиб борди. Бугунги кунда газ ва электр учун тўловлар ҳар йили 6-10 фоизга ўсиб бормоқда.

Россия Федерациясида уй-жой коммунал хизматлар тизимининг шаклланиш ва ривожланиш ҳолати кўпчилик МДҲ мамлакатларидаги жараён билан ўхшаёт.

Жаҳон мамлакатларининг уй-жой коммунал хизматлар соҳасини шакллантириш ва ривожланиши тажрибаларини ўрганиш асосида мамлакатимизда ушбу соҳани бозор муносабатлари ва миллий хусусиятларни

эътиборга олган ҳолда қуидаги йўналишларда ислоҳотларни амалга ошириш лозим:

1. Уй-жой коммунал хизматлари соҳасида табиий монополия даражасини қисқартириш ҳамда соҳада давлат-хусусий шерикчилик механизмини кенг жорий этиш асосида соҳада бозор муносабатларининг чуқурлашишига шароит яратиш.

2. Соҳада кўрсатилаётган хизматлар ва етказиб берилаётган коммунал ресурслар учун ягона тарифлар тизимини ишлаб чиқиш ҳамда тарифларнинг ўрта ва узоқ муддатли келажак учун мақсадли чегараларини белгилаш.

3. Соҳада фаолият кўрсатаётган корхоналарда хўжалик юритиш механизмини қайта кўриб чиқиш ва самарали бошқарув механизmlарини жорий этиш.

4. Амалдаги ҳуқуқий-меъёрий нормаларнинг устуворлигини ошириш асосида соҳадаги коррупция ва иқтисодий қонунбузарликлар даражасини пасайтириш.

5. Уй-жой коммунал хизматлар соҳасида истеъмолчилар ва етказиб берувчи субъектлар ўртасидаги алоқаларни ахборот технологиялари воситасида амалга оширишни таъминлаш орқали фаолият жадаллигини ошириш.

Республикамизда жаҳон мамлакатларида самарадорлиги билан синовдан ўтган уй-жой коммунал хизматларини кўрсатиш, самарали бошқариш механизmlари асосида мавжуд имкониятлар ва салоҳиятни, миллий менталитетни, аҳоли пунктлари жойлашган ҳудудларнинг табиий-иклим шароити ҳамда аҳолининг ушбу йўналишлардаги эҳтиёжлари хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тизимда таркибий ўзгаришларни амалга оширилиши орқали тизимни энг самарали ҳолатда шакллантириш ва ривожлантириш мумкин бўлади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Прокофьев К.Ю., Моисеев В.А., Егорова Ю.А. Отечественный и зарубежный опыт управления многоквартирными домами // Жилищные стратегии. – 2015. – Т. 2, № 4. – С. 303–318.
2. Нуримбетов Р.И., Султанов А.С. Уй-жой фондини бошқаришнинг хорижий тажрибаларидан республикамизда фойдаланиш истиқболлари // Xorazm Ma'mun akademiyasi axborotnomasi. – 2019. Урганч: №3. -17-бет.
3. Гончаров А.М., Лысых А.В., Платонов А.М. Управление жилищным фондом: монография. –Екатеринбург: АМБ, 2012. – 240 с.
- Проваленова Н.В. Зарубежный опыт управления объектами в сфере предоставления жилищно-коммунальных услуг // Вестник Нижегород. гос. инж.-экон. ин-та. – 2011. – № 6. – С. 170–183.
4. Проваленова Н.В. Зарубежный опыт управления объектами в сфере предоставления жилищно-коммунальных услуг // Вестник Нижегород. гос. инж.- экон. ин-та. – 2011. – № 6. – С. 170–183.
5. Иваненко Л.В. Зарубежный опыт эффективного управления многоквартирными домами // Вестник Уфим. гос. нефт. техн. ун-та. – 2014. – № 7. – С. 146–150.

6. Акунина О.М. Зарубежный опыт государственного регулирования воспроизводства жилищного фонда// Политика, государство и право. – 2015. – № 3. -С.76-77.

**Умидова Ф. И.**

*Тошкент давлат иқтисодиёт университети  
докторант*

## **ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШ ШАРОИТИДА ТҮҚИМАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИ МАРКЕТИНГИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

**Аннотация:** Ушбу мақолада инновацион ривожланиши шароитида түқимачилик маҳсулотлари маркетингининг назарий жиҳатлари очиб беришга харакат қилинган

**Калит сўзлар:** маркетинг стратегияси, услуг, товар, нарх, маркетинг тадқиқотлари, рақобат.

**Abstract:** This article attempts to reveal the theoretical aspects of textile products marketing in the conditions of innovative development

**Keywords:** marketing strategy, brand, price, marketing Research, Competition.

Жаҳон бозорларида рақобат муҳити кескинлашган ва инновациялар кенг жорий қилинаётган шароитда түқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарда маркетинг стратегиясини такомиллаштириш, интернет маркетинг ва холистик маркетингнинг услубий ёндашувларини тармоқ корхоналари фаолиятига жорий этишга оид кенг қамровли илмий изланишларга катта эътибор берилмоқда. Ҳозирги кунда, туқимачилик маҳсулотлари бозорини сегментлаш, дифференциялаш, позициялаш, нархлаш, истеъмолчиларга қўшилган қиймати юқори бўлган арzon ва сифатли туқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш мақсадида маркетинг фани методологиясини такомиллаштириш бўйича устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Инновациялар шароитида корхоналар рақобат курашида омон қолишлари учун мақсадли сегментларини аниқ билишлари, мунтазам, тизимли тарзда маркетинг тадқиқотларини олиб боришлари, рақобат устунлигига эга бўлишлари даркордир. Бундай натижага, корхоналар самарали маркетинг фаолиятини ташкил этиш орқали эришиша оладилар. Таъкидлаш зарурки, корхоналар ўз маркетинг фаолиятларини олиб боришида, маркетинг дастурларини ишлаб чиқишида рақобат омилига эътибор беришлари лозимdir.

Бу эса ўз навбатида, истеъмолчиларнинг хулқ-авторини тадқиқ этиш истеъмолчиларининг хатти-ҳаракатини ва харидни амалга ошириш қарорини қабул қилиш жараёнига доир илмий тадқиқотларнинг назарий-услубий асосларини чуқур ўрганишни ва унга таянишни талаб этади.

Жаҳонда ижтимоий-иқтисодий ҳолатларни ўзгариши, илм-фан, техника ва технология тараққий этиши, эҳтиёжларнинг чексизлиги, ресурсларнинг эса чекланганлигини ҳамда экологик муаммоларга катта эътибор қаратилаётганлиги

маркетинг концепциясини турли йўналишлар бўйича ривожланишига сабаб бўлди. Бундай ҳолат ижтимоий-маъсулитли ёки ижтимоий-этик маркетинг тамойилини шакланишини тақозо этди.

Эндиликда, корхоналар ўз фаолиятиларини, жумладан, маркетинг фаолиятларини олиб боришларида экологик муаммоларни ҳисобга олишлари зарурлигини талаб этди. Бу эса, корхоналар рақобат курашига дош боришлари учун истеъмолчиларнинг ишончини ўз маъсулитларини, инсонлар саломатлигини ва атроф-мухитни ҳимоя қилишга бўлган муносабатини фаолиятлари билан кўрсатиш орқали қозонишини талаб этди. Ҳозирги кунда, ривожланган замонавий компаниялар ўз маркетинг фаолиятларини ижтимоий-маъсулит маркетинги қўллаш асосида олиб боришади.

Маркетинг фаолияти иқтисодий мақсадларга эга ва истеъмолчи ҳамда ишлаб чиқарувчилар манфаатлари мувозанатини сақлаб қолишга интилади. Атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва бизнес этикаси компаниянинг маркетинг менежмент концепциясининг ажралмас қисмига айланмоқда, шу сабабдан, мазкур соҳадаги замонавий тенденциялар ва стандартлар фирма маркетинг сиёсатининг асосини ташкил этиши даркор[.

Истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатини тушуниш ва аввалдан кўра билиш, харид қилиш жараёнига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ўта мураккаб ва серқирра жаранёндир. Ҳозирги кунда, маркетологлар мазкур жараённи амалга оширишда алоҳида маркетинг ёки психологияяга асосланиши мумкин эмаслигини тушуниб етганлар. Улар тадқиқ қилинаётган истеъмолчиларнинг харид қилаётган маҳсулотининг ўзига хос хусусиятларини, истеъмолчилар хаёт тарзи, маданияти, урф-одати, анъаналарини ҳисобга олган ҳолда маркетинг, психологияяга, социология ва иқтисодиётнинг бир катор йўналишларида олиб борилган ва олиб борилаётган илмий тадқиқот ишларга таянган ҳолда истеъмолчиларнинг хатти-ҳаракатини ўрганиш ва муқобиллаштирилган моделини ишлаб чиқишига эътибор қаратмоқдалар.

Рақобатнинг кескинлашуви, техника-технологиянинг тараққиёти бозорларнинг ўта тўйинганлиги, истеъмолчиларнинг дидларни ўзгарувчан-лиги, товар ва хизматларни юқори дифференциациялашуви, брендлар урушларининг кучайиши нафақат ишлаб чиқариш жараёни такомил-лаштиришни, балки, бошқарув тизимини ҳам ривожлантиришни тақозо этди ва бренд менежментини ривожланишига сабаб бўлди.

Маркетинг тадқиқотларини олиб бориша, бир томондан, истеъмолчиларнинг хулқ-атворини ўрганишда анъанавий усуллар билан бирга интернет тармоғидан кенг фойдаланган ҳолда on-line маркетинг тадқиқотлари қўлланса, иккинчи томондан, замонавий маркетологлар истеъмолчиларнинг маркетинг ҳаракатларга реакциясини нейро илм-фанининг сўнгги ютуқларига асосланган ҳолда янада аниқроқ аниқлаш мақсадида янги услублардан фойдаланиб, маркетинг тадқиқотларини самарали олиб бориб бошладилар. Айрим адабиётларда маркетингни тезлаштиришнинг янги босқичи, яъни ижтимоий-мобиъ маркетинг тамойили деб номланишини таклиф этсалар, яна

бошқа адабиётларда холистик маркетинг тамойилидан кейин бренд бошқарув уни ўрнини олди деб таъкидлашади.

Аммо холистик маркетинг тамойилини ҳар томонлама ўрганиб чиқадиган бўлсак, ижтимоий-мобилъ маркетинг тамойили хусусиятларидан бири сифатида кўрсатилган м-тижорат (мобилъ-тижорат)ни, электрон тиҷорат ва инсонларни ижтимоий тармоклардан кўп фойдаланиши холистик маркетинг тамойилида интеграцион маркетинги ҳамда муносбатлар маркетингида ва бренд бошқаруви эса натижалар маркетингида кўриб ўтилади.

Рақобат ва инновациялар таъсири кучайган, ривожланишдаги конвергенция ва истеъмолчи қаршилигини бартараф этиш, чакана савдо трасмиссиясига жавобан стратегия шакллантириш керак бўлади. Шунингдек, корхоналарнинг менежмент тизимини ташкил этишда янгича, маркетинг тамойилларига асосланган бошқарув тизимини жорий этиш заруриятини келтириб чиқаради. Корхонанинг маркетинг тузилмасини ташкил этишда мақсадлар яқдиллиги, тузилманинг соддалиги, ахборотларни аниқ узатилишини таъминлайдиган бўлинмалараро алоқанинг самарали тизимни яратиш, ягона раҳбарга бўйсуниш тамойилларига амал қилиш муҳимдир.

Таъкидлаш жоизки, глобаллашув ва рақобат муҳитининг кескинлашуви ишлаб чиқарувчилардан бозорда омон қолиш учун тўхтовсиз инновацияларни яратишни, ахборот технологияларини кенг қўллашни талаб этмоқда. Бу омиллар таъсирида истеъмолчиларнинг бозордаги мавқеи ошди, интернет орқали ахборот олиши туфайли нарх ва бозор конъюнктурса тўғрисида ахборотга эга бўлмоқдалар, бозордаги товар ва хизматларнинг турлари ва миқдори ошмоқда, бозор ҳақидаги ахборотни йиғиш ва уни ишлаш, буюртма олиш, харидорлар билан мулоқот қилиш ва сотиш имкониятлари жойлаштиришнинг осонлашди, маҳсулотлар ва хизматлардаги нархларни харидорлар таққослаши учун имконият яратилди. Буларнинг ҳаммаси маркетинг услублари ва тамойилларини такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Бекмуродов А. Ш. ва бошқалар. Стратегик маркетинг. Ўкув қўлланма. Т.: ТДИУ, 2010.;
2. Берман Б., Дильтль Е., Хершген Х. Основы маркетинга. –М., 1996. -320 с.
3. Котлер Ф. Маркетинг менеджмент (пер. с англ. Железниченко А., Жильцова С.) Изд. 11-е. – СПб.: Питер, 2003. - 800с.
4. Фатхутдинов Р.А. Стратегический маркетинг: Учебник для вузов. – СПб.: Питер, 2003с.

**Хонкелдиева К.Р.**

*Фарғона политехника институти  
докторант*

**САНОАТ ТАРМОҚЛАРИДА КЛАСТЕРЛАРДАН САМАРАЛИ  
ФОЙДАЛАНИШНИНГ ХОРИЖИЙ ТАЖРИБАСИ**

**Аннотация:** Мақолада саноат тармоқларида кластерлардан самарали фойдаланишининг хорижий тажрибаси ва оптимал йўллари ёритиб берилган.

**Калим сўзлар:** Саноат, самара, кластер, инвестиция, инновацион кластер.

**Annotation:** the article highlights the foreign experience and optimal ways of effective use of clusters in industrial sectors.

**Keywords:** industry, samara, cluster, Investment, Innovation Cluster.

Саноат тармоқларида инновацион кластерлар ривожланган инновацион жамланма –инновацион инфратузилма, шу жумладан технопарк ёки инновацион-технологик парк, сертификатлаштириш, лицензиялаш, маркетинг марказлари ва бошқалар мавжудлиги билан фарқланиб, улар илмий тадқиқотлар, ишланмалар, таълим хизматлари ва уларнинг технологик трансферларининг натижаларини тиҷоратлаштиришни таъминлайди. ИКни шакллантириш илмий муассасалар ва олий ўқув юртларининг саноат ва ижтимоий соҳа интеграцияси учун шароитларни яратиш ҳамда жтимоий-иктисодий ривожланишда интеграциядан синергетик самара олишга имкон беради.

Дастлаб фирмалараро ҳамкорликдаги унификацион ёндашув 1989-1990 йилларда **Данияда** ишлаб чиқилган. Биринчи босқичда тўртта тармоқлар бўйича саноат мажмуалари тадқиқ этилган: қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик, ишлаб чиқариш, офис жиҳозлари ва атроф муҳитни химоялаш воситаларини тайёрлаш. Сўнг учта тармоқларда билим ва технологияларни етказиб бериш механизмлари таҳлил қилинган: электр тиббиёт ускуналари, мебел, фармацевтика. Данияда агросаноат мажмуаси ишлаб чиқариш ҳажмлари бўйича иқтисодиётнинг қолган барча тармоқларидан (уларни бирга қўшган ҳолда ҳам) ошиб кетади ҳамда истеъмол бозори ва инвестицион салоҳияти нуктаи назардан энг муҳим ҳисобланади. Унда сутни қайта ишлашдан то технология ва ускуналарни етказиб бериш жараёнигacha тузилмани ўз ичига қамраб олган “сутли вертикал” асосий рол ўйнайди. Бизнесни ривожлантириш бўйича Дания Кенгаши (у кластерлаштириш концепциясини ишлаб чиқиб бўйича ҳукumat олдида жавоб беради) ушбу соҳада бир қатор янги ишланмалар бўйича ташаббускорлик кўрсатган. Тадқиқотга Бизнес ва саноат вазирлиги, Тадқиқотлар вазирлиги, Таълим вазирлиги, Мехнат вазирлиги ва бошқа вазирлик ҳамда идоралар киритилган. 1992 йилда кластерларда мамлакатда фаолият кўрсатаётган барча фирмаларнинг 40 % иштирок этиб, улар 60 % экспортни таъминлаган. Тадқиқотда фирма, ташкилот, институт, вазирликлардан 513 та таҳлилчилар иштирок этиб, улар аниқ бир тармоқлар бўйича ихтисослаштирилган 35 та ишчи гурухларга бирлашган. Улар 1522 та таклифлар берган бўлиб, шулардан 66 таси аллақачон тадбиқ этилган. Қонунчиликда, маъмурий бошқарув тузилмасида, вазирликлар ажратган бюджет пул маблағлари таркибига ўзгаришларни талаб этди. Бир неча йиллар ичida олиб борилган ишлар натижасида Данияни иқтисодиётни кластерлаштириш бўйича жаҳонда етакчилар қаторига чиқарди. Унда 29 та етакчи кластерлар фаолият кўрсатган.

Ривожланган давлатлар (Германия, АҚШ, Япония)да ва Лотин Америкаси, Осиё, Африкадаги ривожланаётган давлатларда кластерларнинг муваффақият билан ривожланаётганлигига қўплаб мисоллар келтириш мумкин.

**АҚШда** (бу ерда олимлар бошқа давлат олимларига нисбатан минтақа иқтисодиётини ривожлантириш тамойилларини эртароқ үргана бошлаган, М.Портер эса кластер моделининг илк ишлаб чиқарувчиси бўлган) саноат кластерлари катта шухрат қозонган. Аризона, Калифорния, Коннектикут, Флорида, Миннесота ва бошқа штатлар ушбу жараённинг бошида туриб, тегишли дастурларни қабул қилган. Юзлаб шаҳар ва худудлар ўз кластер стратегиясини ишлаб чиқкан. Кластернинг ёрқин мисоли “Силикон водийси” ҳисобланади. Калифорнияда “Силикон водийси” деб номланган худуд мавжуд, унда компьютер, дастурий таъминот ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқарувчи кўплаб компаниялар жойлашган. “Силикон водийси” Стэнфорд университети (Сан-Франциско) ва Калифорния университети (Беркли) яқинида жойлашган. Шуни айтиб ўтиш жоизки, бу уйғунлашган ҳолда ташкил этилган кластердир. Штатларда кластерларни ташкил этиш учун ташаббус қўрсатиш бўйича комиссиялар шаклланмоқда. Илмий марказ ва университетлар таҳлилий ишларни олиб боради. Комиссия иштирокчилар улушкини тақсимлайди, турли хил қийинчиликларни бартараф этишга кўмаклашади, дастлабки сармоя штат томонидан ажратилади, сўнг хусусий компаниялар маблағлари жалб қилинади.

**Япония** ҳам инновацияларни ишлаб чиқиши ва сотиб олиш соҳасида етакчи ҳисобланади. Японияда давлатни ривожлантиришнинг илмий-техник режасига асосан Япония фани учун муҳим аҳамиятга эга бўлган муайян худудларда минтақавий “интеллектуал кластерлар” ташкил этилган.

**Италия** – классик кичик бизнес ривож топган давлат бўлиб, унда 4 миллион фирмалар орасида факатгина 2 % йирик ҳисобланади, уларда 1000 дан ортиқ ишчилар ишлайди. Умуман олганда Италияде 200 та саноат мажмуалари фаолият қўрсатиб, улар 60 мингта корхонани ўзида жамлайди, банд бўлганлар сони эса 600 минг нафарни ташкил этади, ишлаб чиқариш кооперациясининг саноат мажмуалари (СО)да ўзаро муносабатларни ҳисобга олган ҳолда эса 1 млн.дан зиёд кичик ва ўрта корхоналар фаолият қўрсатмоқда, улар 4-6 млн. нафар одамни иш билан таъминламоқда.

**Австрия** иқтисодиёти ҳам кескин суръатлар билан ривож топмоқда, унда Германия, Италия, Швейцария, Венгрия билан трансчегаравий кластерлар фаолият қўрсата бошлади, Франция ва Буюк Британия билан алоқалар фаоллашди. Австрия иқтисодий сиёсатга ўз ёндашувини ишлаб чиқиб, унда кластер ёндашуви муҳим ўринни эгаллади. Илмий-тадқиқот институтлари ва саноат тармоқлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришни рағбатлантириш, инновацион дастурларда тартибга солувчи тўсиқларни камайтириш, кластерларнинг ихтисослашуви ва рақобатбардошлик марказларини шакллантириш бўйича сиёсати муҳим омилга айланди.

**Буюк Британияда** ҳам минтақавий интеграция ривожланмоқда. 1990 йиллар ўртасида саноат сиёсатининг устувор йўналишлари қайта кўриб чиқилган, натижада прогнозли технологик деб ном олган дастур шаклланган, унинг асосига жаҳон бозорида доимий равишда ўсиб борувчи рақобат туфайли унга аралаш секторли-кластерли ёндашув қўлланилган. 10 йилдан зиёдки Шотландия, Уэлс, Шимолий Ирландия ва Шимолий-Гарбий Англия автомобиль,

электроника, кимёвий маҳсулотларни ишлаб чиқаришда ҳамда озиқ-овқат, ичимлик, кийим-кечаклар ва тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш каби айрим янада анаъанавий соҳаларда муваффақиятли минтақавий жўшқин ривожланишни намойиш этади. Уэлс дастурлари ўз-ўзини қоплайдиган бўлган, ички салоҳиятини оширишга қаратилган, улар маҳаллий фирмалар томонидан қўллаб-қувватлана бошланган.

**Германияда** ҳудудларни ривожлантириш учун федерал тузилма кўмак бериб, унга кўра ерлар ниҳоятда катта эркинликка эга ва улар ўз маблағлари ҳисобига ўз ривожлантириш дастурларини амалга оширади. Давлат ушбу йўналишда юқори технологиялар асосида ривожланиш сари йўли билан бормоқда ва бу жараёнда саноат ҳамда илмий марказларнинг ҳаракатлари мужассамланмоқда.

**Франция** янги хўжалик юритиши шаклларига бошқа давлатлардан кўра қийинчилик билан ўтиб борган, чунки бу ерда анаънага кўра кучли марказлашган давлат сектори шаклланган бўлиб, унда 25 % иш кучи ишлаган, 30 % маҳсулот ишлаб чиқарилган ҳамда тўртдан бир қисми экспорт қилинган. 1995 йилда ҳудудларни ободонлаштириш ва ривожлантириш бўйича дастур қабул қилинган. Ҳудудларни ривожлантиришни бошқариш бўйича ташкилот ва уни ободонлаштириш учун жамғарма ташкил этилган. Дастурлар лойихаси ва ишлаб чиқариш кластерлар тизими билан бирлашган минтақаларни ривожлантириш бўйича 99 та лойихалар тасдиқланган. Ушбу фаолият чоғида 4,3 мингта корхоналар тизими таркибга кирган. 30 та йирик компаниялар атрофида корхона бирлашмалари тўпланган. Лойихалар мутаносиб равишда тақсимланмоқда, аммо бир қатор ҳудудлар янада жўшқин ривожланмоқда, улар қуидагилар: Пириней жануби, Рона-Альп, Фран-Конте, Овернь, Шампань, Арденни; Париж, Тулуз, Марсель, Сен-Этьен шаҳарлари. Анъанавий санаот тармоқларида (машинасозлик, тўқимачилик, ёғоч-тахта тайёрлаш, мебель) техник янгиликлар жорий этилмоқда: автоматлаштириш, бирлаштириш, қадоқлаш, кадрларни тайёрлаш. Янги ишлаб чиқаришлар мультимедия, микроэлектроника, биотехнологиялар соҳасида кескин ривожланмоқда. Корхоналар “Тизим – бу уни ташкил этувчи унсурларнинг йиғиндисидан кўра олийдир” деган шиор билан ўзаро муносабатда бўлмоқда.

Шундай қилиб, олиб борилган таҳлилдан турли давлатларда кластер концепциясини қўллаш уларнинг минтақавий ривожланишига таъсир кўрсатаётганлиги аниқланган. Кўплаб Европа давлатлари қўллаган ёндашувлардаги фарқларга қарамай ўзи учун у ёки бу кластерли стратегияси қўлланган. Ушбу стратегияни яққол амалга оширган давлатлар сифатида Дания, Нидерландия, Бельгиянинг фламанд ҳудудлари, Квебек (Канада), Финляндия ҳамда Жанубий Африка (янги хукумат раҳбарлигига), Франция ва Италия давлатларини кўрсатиш мумкин. Демак, амалиётда кластерли концепцияларни қўллаш учун кластерларнинг моҳияти ва мазмуни, тури ва уларнинг хусусиятларини кўриб чиқиш лозим, чунки кластерлар назариясининг ривожланиши минтақа ва бутун давлат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини

ошириш ҳамда инновациялар ва иқтисодий ўсишни рағбатлантиришга хизмат қиласи.

### **Фойдаланилган адабиётлар руйҳати**

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-3698-сон қарори.

2.Отажонов Ш.И. Инновацион кластерларни ривожлантириш асосида ҳудудий иқтисодиёт тармоқлари инновацион фаоллигини оширишнинг методологик жиҳатлари // Иқтисодиёт ва таълим. –Т.: 2017. №5. –Б. 90-95. .

**Ханкелдиева Г.Ш.**  
*Фаргона политехника институти,  
и.ф.д., профессор*

## **САНОАТ КОРХОНАЛАРИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ**

**Аннотация:** Уибу мақолада саноат корхоналарида ижтимоий-иқтисодий самарадорликни оширишининг айрим жиҳатлари очиб берилган бўлиб, .

**Калим сўзлар:** саноат, самарадорлик, ижтимоий самара, иқтисодий самара, омиллар, ишлаб чиқарии.

**Abstract:** This article describes some aspects of increasing socio-economic efficiency in industrial enterprises.

**Keywords:** industry, efficiency, social efficiency, economic efficiency, factors, production.

Ҳозирги вактда жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида замонавий саноатнинг ривожланиши юқори даражадаги ихтисослашиш билан тавсифланмоқда. Натижада ижтимоий меҳнат тақсимотининг чуқурлашиб бориши саноат таркибида кўпчилик ишлаб чиқариш буғинлари шаклланишини кенгайиб боришни намоён этмоқда. 2020 йилда жаҳон ЯИМда саноатнинг улуши 25,0 %ни, мазкур тармоқда банд бўлганлар ҳиссаси эса 23,0 %ни ташкил этди<sup>9</sup>. Жаҳон ЯИМнинг умумий ҳажмида саноатнинг улуши яхлит ҳолда Яқин Шарқ, Шарқий Осиё ва Жанубий Африка мамлакатларида энг юқори бўлиб, Жаҳон банкининг маълумотларига кўра, саноат ишлаб чиқариши ва иш билан бандлик ҳар бир мамлакатнинг иқтисодиётига юқори даражада таъсир кўрсатмоқда.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, жаҳонда индустрисал тармоқларни ривожлантириш борасидаги тажрибалар негизида саноат корхоналарида

<sup>9</sup> <https://bcs-express.ru/novosti-i-analitika/kakoi-vklad-vnosit-promyshlennost-v-ekonomiku-otdel-nykh-stran-mira>

ижтимоий-иқтисодий самарадорликни ошириш ва шу асосда маҳсулотлар рақобатбардошлигини таъминлаш, ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигига таъсир этувчи омилларни таснифлаш, корхоналар ва фирмаларнинг инновацион ривожланиши йўлларини аниқлаш ва уларни бошқариш самарадорлигини баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичларини ишлаб чиқиш, меҳнат унумдорлигини ошириш каби йўналишлардаги илмий муаммоларни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида саноат корхоналари фаолияти самарадорлигини оширишнинг муҳим йўналишларини аниқлаб берувчи воситалардан бири корхонанинг ижтимоий-иқтисодий самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини тадқиқ этишдан иборатdir. Шундай экан, саноат корхоналари фаолиятида ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштиришнинг асосий шарт-шароити бўлиб, ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиши асосида ишлаб чиқаришнинг ижтимоий ва иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳисобланади.

Корхоналарда ижтимоий-иқтисодий самарадорликни ошириш тамойиллари иқтисодий қонунлар таъсирини акс эттирадиган ва улар фаолиятини турли йўналишларини ифодаловчи вазифаларни тўлиқроқ амалга оширилишига йўналтирилган объектив, илмий асосланган қоидалардир. Саноат корхоналарида ижтимоий-иқтисодий самарадорликни ошириш соҳасида стратегик вазифаларни муваффакиятли бажариш учун ижтимоий ва иқтисодий кўрсаткичларни баҳолаш ва ишлаб чиқариш жараёнини режалаштириш ҳамда таҳлил қилишнинг илмий асосланган базасини такомиллаштириш, ресурслардан тўлиқ фойдаланишга таъсир этувчи омилларни ўрганиш биринчи даражали аҳамиятга эгадир[1].

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан боғлиқ ташкилий, иқтисодий, психологик муаммоларни ҳисобга олган ҳолда, саноат корхоналарининг барқарор ривожланишига таъсир қилувчи тизимни шакллантирувчи омилларнинг таснифи ишлаб чиқилди. Улар йўналишига кўра, ресурс таъминоти, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий, сиёсий ва ҳуқуқий омиллар гурухлари бўйича таснифлади. Бу омилларнинг барчаси органик алоқада бўлиб, мажбурий экологик талаблар билан илмий-техника тараққиётига эришишни ўзлаштириш механизми орқали корхона фаолияти натижаларига таъсир қиласи[2].

Саноат тармоқлари корхоналарини барқарор ривожлантириш бошқариш тизимининг мақбул бўғинлари ва функцияларини шакллантириш, кооперация ва интеграцияни ривожлантириш, моддий-техник базани шакллантириш, ресурсларни тежайдиган, иқтисодий жиҳатдан хавфсиз янги технологияларни яратиш ва асослаб бериш, хомашё ва моддий-техника ресурслари бозорини шакллантиришни оптималлаштириш, ташки иқтисодий алоқаларни тартибга солиш каби тамойилларга асосланиши зарур[3].

Хозирги шароитда корхоналарда ижтимоий-иқтисодий самарадорликни комплекс баҳолашда ягона хulosага келингани йўқ. Шу сабабли ижтимоий-иқтисодий самарадорликни комплекс баҳолаш услубиятини ишлаб чиқиш долзарб муаммолардан бири ҳисобланади[4]. Ижтимоий-иқтисодий самарадорликни комплекс баҳолаш услубиётини ишлаб чиқишида уни аниқлаш мезони ва кўрсаткичларига эътиборни қаратиш зарур. Саноат корхоналарида ишлаб чиқаришнинг интенсив ривожланишини

таъминлаш ва корхона рентабеллигини оширишга йўналтирилган иқтисодий ҳамда ишлаб чиқариш талабини қондирилиши, ишлаб чиқариш вақти қисқариши, замонавий ишлаб чиқариш шароитларининг яхшиланишини тавсифловчи ижтимоий самарадорлик кўрсаткичлари тизими таснифланди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Avazov A.J. “The ways of increasing the efficiency of personnel in industrial enterprises”. European Scientific Conference: сборник статей XVIII Международной научно-практической конференции. В 2 ч. Ч. 2. – Пенза: МЦНС «Наука и Просвещение». – 2020. С. 58-60.
2. Фомина А.В. Управление развитием высокотехнологичных предприятий наукоемких отраслей промышленности – М.: Креативная экономика, 2014. – 400 с.
3. Ханкелдиева Г.Ш. Особенности корпоративного управления в акционерных обществах с государственным участием // Бюллетень науки и практики. Электрон. журн. 2017. №11 (24). С. 357-363. Режим доступа: <http://www.bulletennauki.com/honkeldiyeva>
4. Khankeldieva G.Sh. Theoretical and economic prerequisites for the development of regional industrial clusters in the economy of the republic of uzbekistan // EPRA International Journal of Research and Development (IJRD). – 2020 . – pp.234-240. <https://doi.org/10.36713/epra 4855>.

**Мирсадиков А.Т.**  
*Фаргна давлат университети*  
*Докторант*

## **ХУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛЛИКНИ ОШИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА АҲАМИЯТИ (ФАРГОНА МИСОЛИДА)**

**Аннотация:** Мақолада Фаргона вилоятида инвестиция фаолиятини амалга оширишининг хусусиятлари чуқур таҳлил этилган холда хорижий инвестицияларнинг аҳамияти ва вилоят иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни ёритилган бўлиб, статистик маълумотлар асосида таҳлил қилинган. Шунингдек, мақолада ҳудудлар миқёсида хорижий инвестицияларни жалоб қилишида мавжуд муаммолар ва уларни олдини олишини фаоллаштиришда қандай чора-тадбирлардан фойдаланиш кераклиги кенг ёритилган.

**Калим сўзлар:** Инвестиция, хорижий инвестиция, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция, портфел инвестиция, инвестор, капитал экспорт, устав капитал, дивиденд, тадбиркорлик фойдаси, экспорт, импорт.

**Abstract:** The article provides an in-depth analysis of the specifics of investment activities in Fergana region, the importance of foreign investment and its role in the development of the regional economy, which is analyzed on the basis of statistical data. The article also discusses the existing problems in attracting foreign investment at the regional level and what measures should be taken to intensify their prevention.

**Key Words:** Investment, foreign investment, foreign direct investment, portfolio investment, investor, capital export, charter capital, dividend, business profit, export, import.

2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантишнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири бу - инвестиция муҳитини такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилишдан иборат. Шунинг учун ҳам, хорижий инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда чет эл инвестициялари иштирокини кенгайтирмай туриб, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизатсия қилиш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатдош маҳсулотни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас[1].

### 1-жадвал

#### Иқтисодий фаолият турлари кесимида Фарғона вилоятининг ялпи ҳудудий маҳсулоти ҳажми<sup>10</sup> (жорий нархларда, млрд.сўм)

		2017	2018	2019	2020
<b>ЯҲМ, жами шу жумладан:</b>		19,837	26,611	31,818	36,538
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати		18,858	25,242.6	30,105	35,244
Маҳсулотларга соғ соликлар		979,2	1,368	1,712	1,294
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати		18,858	25,242	30,105	35,244
Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги		7,256	10,245	10,896	12,583.8
Саноат (курилишни қўшган ҳолда)		4,601	6,482	8,259	10,215
саноат		3,713	5,166	6,426	7,986
курилиш		887.9	1,316	1,832	2,229
Хизматлар		7,000	8,515	10,949	12,444
савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар		1,615.3	1,984	2,439	2,807
ташиш ва сақлаш, ахборот ва алоқа		1,579	1,707	1,923.7	2,132
бошқа хизмат тармоқлари		3,805	4,822	6,586	7,504

2017-2020 йиллардаги Фарғона вилояти ЯҲМда саноат, қурилиш, қишлоқ

<sup>10</sup>Фарғона вилояти статистика бошқармасининг 2017-2020 йиллардаги статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

хўжалиги, савдо ва умумий овқатланиш ва бошқа хизматлар ва соф солиқлар ўсиш тенденцияси янаям атрофлича кўринишда бўлган. Эътибор қаратар эканмиз, бунда ҳам энг юқори улуш саноат тармоғи эканлиги ёрқин кўринган. Ўзбекистон Республикасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган инвестиция дастурига Фарғона вилоятида барча манбаалар ҳисобидан 954,5 млн. долларлик 49 та лойиҳалар (33 та ҳудудий лойиҳаларда 604,3 млн.доллар, 16 та тармоқ лойиҳаларида 350,2 млн.доллар) амалга оширилиши белгиланган бўлиб, жорий йил якунига қадар жами 423,4 млн. долл., шундан, дастур бўйича 33 та ҳудудий лойиҳаларда 237,3 млн. долл. ва 16 та тармоқ лойиҳаларда 77,9 млн. долл. шунингдек, 171 та қўшимча лойиҳаларда 108,2 млн.долл. тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар ўзлаштирилиб, 394,7 млн.долл. прогноз кўрсаткичи 107%га бажарилади.

Фарғона вилоятида 2020-йилда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар субъектларининг иқтисодиёт тармоқларидағи улуши тўғрисидаги маълумотларига таянадиган бўлсак, 2020 йилда хорижий кредит линиялар маблағларини ўзлаштириш бўйича Марғилон шаҳар, Қувасой шаҳар, Тошлоқ туманида анча ижобий натижаларга еришилганини кўришимиз мумкин бўлади. Фарғона вилоятида 2020 йилда Инвестиция дастурига мувофиқ 6 та 138 млн. долларлик йирик инвестиция лойиҳалари ишга тушиши ҳисобига 1916 нафар ишчи ўринлари яратилиши белгиланган бўлиб, ҳозирги кунга қадар 5 та 83,0 млн. долларлик лойиҳалар ишга туширилди[2,3]. Ўзлаштириладиган инвестициялар, Хитой давлати капитали 198,4 млн. доллар, Жанубий Корея капитали 16,9 млн. доллар, АҚШ капитали 49,6 млн. доллар, Япония капитали 7,6 млн. доллар, Германия капитали иштирокида 40,4 млн. долларлик инвестициялар улушкига тўғри келмоқда. 2020 йилда рўйхатдан ўтган хорижий капитал иштирокидаги корхоналар сони 462 тани ташкил этди. Шунингдек, хорижий капитал иштирокидаги корхоналардан 420 таси қўшма корхоналар, 42 таси эса хорижий корхоналар ҳисобига тўғри келади. Жанубий Корея Республикаси билан жами 19 та 715 млн. долларлик саноат, таълим, қишлоқ хўжалиги ва саноат соҳаларида инвестиция лойиҳаларини амалга оширилиши келишилган.

## **2-жадвал**

**Фарғона вилоятида 2020 йилнинг январ-декабр ойида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва хорижий кредит линиялар маблағларини ўзлаштириш бўйича<sup>11</sup>**

№	Вилоятдаги секторлар	2020 йил режа	амалда (январ-декабр)	бажарилиши (%)
Жами:		394,7	423,4	107,3
1	Марғилон шаҳар	1,70	11,920	701,2

<sup>11</sup> Фарғона вилояти статистика бошқармасининг 2017-2020 йиллардаги статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2	Фарғона шаҳар	19,22	35,862	186,6
3	Қувасой шаҳар	8,90	52,961	595,1
4	Қўқон шаҳар	22,14	40,644	183,6
5	Бағдод тумани	2,80	9,017	322,0
6	Бешариқ тумани	90,50	70,500	77,9
7	Бувайда тумани		1,531	
8	Данғара тумани	6,00	9,262	154,4
9	Ёзёвон тумани	1,40	4,378	312,7
10	Олтиариқ тумани	19,20	18,075	94,1
11	Риштон тумани	1,10	3,331	304,2
12	Сўх тумани		0,214	
13	Тошлоқ тумани	4,50	17,676	392,8
14	Учкўприқ тумани	4,70	14,359	305,5
15	Фарғона тумани	7,30	4,833	66,2
16	Фурқат тумани	35,00	8,700	24,9
17	Ўзбекистон тумани	130,00	77,682	59,8
18	Кува тумани	6,00	6,648	110,8
19	Қўштепа тумани	34,20	35,807	104,7

Ҳозирги кунга қадар, 6 та лойиҳалар бўйича 17,5 млн долл. ўзлаштирилди. Латвия капитали билан қиймати 4,6 млн.долларлик 2 та лойиҳа бўйича 570 минг долл. инвестиция маблағлари ўзлаштирилди. Россия Федерацияси капитали иштирокида Фарғона вилоятида жами 4 та 28,0 млн. долларлик қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида инвестиция лойиҳаларини амалга оширилиш режалаштирилган[4,5]. Ҳозирги кунда 3 та лойиҳалар бўйича 5,14 млн долл. ўзлаштирилди. Фарғона вилоятида Туркия Республикаси билан ҳамкорликда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳамда хорижий кредитлар иштирокидаги қиймати 25,0 млн. доллар бўлган 14 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 694 нафар янги иш ўринлари яратилади. Фарғона вилоятида Япония Республикаси билан ҳамкорликда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳамда хорижий кредитлар иштирокидаги қиймати 51,6 млн. доллар бўлган 2 та лойиҳа амалга оширилиши натижасида 65 нафар янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган. 2021 йилда умумий қиймати 585,1 млн.доллар, шундан 476,4 млн. доллар тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва хорижий кредит маблағлари ўзлаштириш белгиланган 122 та лойиҳалар шакллантирилди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони. Т.: 7.02.2017 й.
2. Каримов Ҳ.Ф. Иқтисодий интеграциялашув шароитида инвестиция фаолиятини молиялаштиришнинг бозор механизмларини жорий этиш масалалари: Монография. - Т.: 2007 й., - Фан ва технология.
3. Мустафақулов Ш.И. “Ўзбекистонда инвестицион мухит жозибадор- лигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги докторлик диссертация иши автореферати. Тошкент. 2017 й.
4. Алматова Д.С. Тадбиркорлик фаолиятига инвестиция жалб қилиш-нинг минтақавий хусусиятлари. Монография. -Т.: «Нашр», [2013 194 б.]
5. Қимматли коғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрь, ПК- 475-сон Карори.

**Nishonov F.M.**

*Academic Lyceum of Fergana Polytechnic Institute*

**Umronov E.S.**

*Fergana Polytechnic Institute*

## **NEW OPPORTUNITIES OF TECHNOLOGICAL AND INNOVATION DEVELOPMENT OF INDUSTRY**

**Abstract.** *Aspects of the current stage of development of innovations in the world are considered. The directions of development of the innovation sphere in the world until 2030 are analyzed. On the basis of the analysis, the most promising directions for the development of innovative activity in Uzbekistan are identified, which will contribute to the country's transition to a new technological order in the future.*

**Key words:** *innovation, innovation process, innovation system, technology, economic growth.*

**Аннотация.** *Рассмотрены аспекты современного этапа развития инноваций в мире. Проанализированы направления развития инновационной сферы в мире до 2030 года. На основе проведенного анализа выделяются наиболее перспективные направления развития инновационной деятельности в Узбекистане, что будет способствовать переходу страны в будущем на новый технологический уклад.*

**Ключевые слова:** *инновация, инновационный процесс, инновационная система, технологии, экономический рост.*

At the present stage of development the world economy is on the 5th technological order that builds on the achievements in the field of microelectronics, computer science, biotechnology, genetic engineering, new forms of energy, materials, space

exploration, satellite communications, etc. There is a transition from isolated firms to a single network of large and small companies connected electronic network based on the Internet, been working in close cooperation in the field of technology, quality control, planning innovation [1]. Currently, according to the prevailing rate of long-term technical and economic development, the technological order is close to the limits of its growth - splash and drop in energy prices, the global financial crisis - a sure sign of the final phase of the life cycle of the dominant technological order and the beginning of economic restructuring on based on the following order. Is being formed today reproductive system of the new, the sixth technological order, the emergence and growth of which will determine the global economic development in the next two to three decades [2]. Its contours are only beginning to emerge in the developed world, primarily in the US, Japan and China, and are characterized by targeting the development and application of high technologies ("high-tech"). Sixth technological order will be characterized by the development of robotics technologies based on advances in molecular biology and genetic engineering, nanotechnology, artificial intelligence systems, global information networks, high-speed integrated transport systems — synthesis of the achievements in these areas should lead to, for example, a quantum computer, artificial intelligence, and ultimately provide access to a new level in the systems of government, society, economy. On this basis the main directions of development of innovations for the period up to 2030 will be the world's next priorities [3]:

- Further application of new developments in information and communication technologies in the extractive industries, manufacturing and services;
- Continue to develop new materials for the manufacture of advanced technologies in many industries: electronics, aerospace, automotive, construction industry, etc.;
- Beginning of a breakthrough in the sectors related to human health - biotechnology, diagnostics, treatments, new medicines, patient care, etc.;
- The emergence of entirely new technologies to improve the quality of life, based on the association of nanotechnology, biotechnology, information technology and cognitive science; will be technically possible to significantly expand the biological potential of human, etc.

Period of replacement of technological orders in the leading countries burdened by overcapacity outdated technological order creates for lagging countries a window of opportunity for a technological breakthrough. It thus occurred "economic miracles" of the past century. In recent years, the practice of leading developed and developing countries, there is a shift in focus formation of topics of science and technology towards the search for answers to the so-called Grand Challenges, with which the economy and society will face in the medium and long term.

Among the "base set" of global challenges, formed on the basis of key overseas, the following stand out challenges and trends of the global scale:

- exhaustion of stocks of strategic mineral resources, the search for new sources of energy and energy security;
- an aging population, changing lifestyles of man and society, the growth of socially significant diseases, including cancer and cardiovascular;

- greening the economy and "green growth" associated with the transition to the "carbon" society;
- development of new models of economic development, including the transformation of global value chains;
- transition of the global economy to a new stage of technological development, accompanied by a radical change in the sectorial structure and sources (factors) of competitiveness;
- strengthens the role of inter-branch technologies and interdisciplinary studies, including socio-economic and humanitarian.

In the current context of the global of development high-quality sustainable economic growth is possible only on the basis of the concentration of resources on the formation of a new cutting-edge areas of the 6th technological order requiring multiple increase innovation and investment activities. For a country whose economy has a sufficiently diversified industrial structure, the choice of strategy cannot be universal for all industries and sectors. For Uzbekistan, in modern conditions, the optimum direction of the formation and development of NIS should be mixed strategy of innovative development with elements of "borrowing and adaptation of foreign technology and to enhance their own innovative potential".

The most important areas of the emergence and spread of new technologies and the development of innovative activity in the real sector of the economy of Uzbekistan for the period up to 2030 should be allocated:

- the development of modern electronics, microelectronics, photonics and electronic instrument;
- Creation of modern laser, electron nuclear, ion, plasma, ion-photon processing technologies and new materials;
- creation of high-technology machinery and equipment, instruments, reference tools, methods of measurement and control systems for economic sectors;
- development of biotechnologies based on the achievements of modern genomics, proteomics, metabolomics and bioinformatics, chemical engineering and nanotechnology;
- design and development of new high-performance technologies and devices that use renewable energy (solar energy, hydropower, wind power, bio-energy);
- preparation of nanostructured materials of different functionality from the natural and manmade materials;
- Development of high-performance technologies of production of new drugs based on natural (plants, animals, microorganisms, etc.) and synthetic raw materials;
- creation of energy- and resource-saving and environmentally friendly new materials with using nanotechnology;
- and other.

When selecting priorities in the fields of economy of Uzbekistan emphasis should be placed precisely on the trends and technologies that will give the maximum effect of increasing the competitiveness of production and social development. Obvious and fundamental points of growth at different stages of NIS should be: firstly, the construction machinery industry, producing innovative equipment, secondly, a high-

tech engineering industry that update the equipment at the present level of quality and, thirdly, a special role in this list in a time of global informatization of the world economy must borrow information, communication and connectivity. Thus, there are next industries:

- sub-sectors of mechanical engineering and metalworking (instrumentation, electronics, radio industries, communications, repair of machinery and equipment);
- sub-sectors of medical industry (manufacturing of medical equipment, manufacture of medical devices made of glass, porcelain and plastic, chemical and pharmaceutical industry);
- sub-sector of chemical and petrochemical industry (industry of chemical fibers and threads, etc.).

In this connection the priority areas for the implementation of advanced technologies in the fields of economy of the Republic of Uzbekistan may become:

- Energy, energy- and resource saving. Development and implementation of new energy saving technologies, autonomous sources of heat and electricity, search renewable alternative energy sources (solar and wind, bioenergy). For example: the development and implementation of effective biogas plants for the production of combustible gas and fertilizer from animal waste, crop, specially grown biomass.
- Informatization and ICT. Acceleration of the using processes of new developments in information and communication technologies in the manufacturing and services sectors. Scope of these technologies: for manufacturing parts of any complexity based on digital models, for example, by laser cutting or three-dimensional printers; design automation; "Embedded" computer systems for cars and others.
- Biotechnology. Development of biotechnologies, including in certain areas: biomedical technologies, biopharmaceuticals, food biotechnology, biomedicine, industrial biotechnology and bioenergy.
- Nanotechnologies. Development of methods for creating technologies and devices based on nanotechnology, which are primarily associated with a variety of possible areas of application. For example, the production and the conservation of energy, for example, new fuel elements, inexpensive photovoltaic solar cells etc.; new materials with predetermined properties, which can be used in virtually all types of economic activities, from cosmetic products to the automotive industry.
- Medicine and Pharmacology. Development and implementation of high-tech production of new drugs based on natural (plants, animals, microorganisms, etc.) and synthetic raw materials.
- Chemical Technologies. Synthesis of polymeric and composite materials with special functional properties, the development of new technologies and means of disposal of radioactive wastes and industrial wastes; chemical aspects of energy, such as the creation of new chemical current sources, the development of technologies for production of fuels from non-oil and renewable raw materials, high-energy substances and materials.

Thus, based on the priorities of economic development, science and technology for the period up to 2030 can be identified strategic priority of innovative technological development aimed at creating a breakthrough in high-tech industries, which will be

based on the underlying technologies of 5 technological order and thereby create the conditions and prerequisites to move to the 6 technological order.

**References:**

1. Lasi, H., Fettke, P., Kemper, H. G., Feld, T., & Hoffmann, M. (2014). Industry 4.0. *Business & information systems engineering*, 6(4), 239-242.
2. Frishammar, J., Richtnér, A., Brattström, A., Magnusson, M., & Björk, J. (2019). Opportunities and challenges in the new innovation landscape: Implications for innovation auditing and innovation management. *European Management Journal*, 37(2), 151-164.
3. Nelson, R. R., & Nelson, K. (2002). Technology, institutions, and innovation systems. *Research policy*, 31(2), 265-272.

**Abdullayev A. M.**

*Farg'ona politexnika instituti  
i.f.n., dotsent*

**Maxkamov S. S.**

*Farg'ona politexnika instituti  
talaba*

## **O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI BUDJET-SOLIQ SIYOSATI**

**Annotasiya.** Budjet-soliq siyosati kundan-kumga rivojlanayotgan moliyaviy siyosat hisoblanadi. Ushbu maqolada O'zbekiston Respublikasi budjet-soliq siyosati tahlil qilingan. Tahlil bo'yicha qisqacha tavsiyalar ishlab chiqilgan.

**Kalit so'zlar:** moliyaviy siyosat, bozor mexanizmi, budjet-soliq siyosati, davlat budjeti, budjet mablag'lari, fiskal strategiya, konsolidatsiyalangan budjet daromadlari va xarajatlari, budjet profitsiti va taqchilligi.

**Abstract.** Tax of budget is a policy that is a fiscal policy that is developing day by day. This article analyzes the fiscal policy of the Republic of Uzbekistan. Brief recommendations for analysis have been developed.

**Keywords:** fiscal policy, market mechanism, fiscal policy, state budget, budget funds, fiscal strategy, consolidated budget revenues and expenditures, budget surplus and deficit.

Moliyaviy munosabatlarni boshqarishning barcha tizimi davlatning moliyaviy siyosatiga asoslanadi. Shuning uchun ham moliyaviy siyosat moliyavuv tizimida eng asosiy element hisoblanadi. Moliyaviy siyosat davlatning moliyaviy munosabatlar sohasidagi mustaqil faoliyatidir. Bu faoliyat davlatning u yoki bu iqtisodiy va sotsial rivojlanish dasturini amalga oshirish uchun tegishli moliyaviy resurslar bilan ta'minlashga qaratilgan. Iqtisodiyotning erkinlashuvi, bozor mexanizmini real holatda harakatlanishi ko'p jihatdan shu davlatda budjet-soliq siyosatining qay daraja amalga oshirilayotganligiga bog'liq. Bu esa hozirgi kunda budjet-soliq mexanizmini takomillashtirishga qaratilgan davlat siyosatini dolzarb muammolaridan biri hisoblanadi.

Davlatning budjet siyosatini asosiy belgisi budjet mablag`laridan samarali

foydalinish orqali mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishga erishish bo`lsa, soliq siyosatining asosiy belgisi bo`lib soliq yukining iste`molchilar bilan ishlab chiqaruvchilar o`rtasida optimal nisbatini belgilashdir.

Chunonchi, mamlakat milliy xo`jaligini moliyaviy jihatdan tartibga solish, davlat budgeti daromadlarini rejalashtirish va budgetdan moliyalashtirish jarayonlari davomida amalga oshiriladi. Rejalashtirish jarayonining o`zidayoq davlat budgeti xarajatlarining umumiyligi hajmi gorizontaliga, ya`ni tarmoq, vazirlik va maqsadli kesimlarda va vertikaliga, ya`ni boshqaruvning turli darajalariga muvofiq ravishda taqsimlash, iqtisodiyotda esa tarkibiy o`zgarishlarning sodir bo`lishi uchun yetarli va tegishli sharoit yaratish tushuniladi.

Budgetdan moliyalashtirish jarayonida esa davlat o`zining ixtiyoriga kelib tushayotgan pul mablag`larini rejalashtirilgan tadbirlar doirasida va undan tashqarida keng manyovr qilish imkoniga ega bo`ladi. Iqtisodiyotni modernizatsiyalash va diversifikatsiyalashni ta`minlash, iqtisodiyot sektorlarining investitsiyaviy jozibadorligi va faolligini oshirish bo`yicha chora-tadbirlarni izchillik bilan amalga oshirilishi makroiqtisodiy ko`rsatkichlar yuqori sur`atlarda o`sishiga va aholi farovonligi oshishiga erishishda qo`shimcha turtki bo`ldi.

Buning natijasida qator yillar mobaynida davlat budgeti profitsit bilan o`zgarmoqda, shu jumladan iqtisodiyotda soliq yuki izchil kamayib borayotgan bir sharoitda uning daromad qismi bajarilishi ta`minlanmoqda, chunonchi, uning xarajat qismini ijtimoiy yo`naltirilganligi saqlab qolinmoqda. Bugungi kunda mamlakatimizni, avvalo, iqtisodiyotimizni isloh etish, erkinlashtirish va modernizatsiya qilish, uning tarkibiy tuzilishini diversifikatsiya qilish borasida amalga oshirilayotgan, har tomonlama asosli va chuqur o`ylangan holda amalga oshirilayotgan davlat moliya siyosati orqali iqtisodiyotimizni inqirozlar va boshqa tahdidlarning salbiy ta`siridan himoya qilish yaxshi natijalar bermoqda. Mamalakatimiz budget-soliq siyosati bo`yicha qabul qilinayotgan barcha qonun va farmonlar mamlakat iqtisodiyotini rivojlantirish va takomillashtirish masalasini oldiga maqsad qilib qo'yadi. 2021-yil uchun budget asosini tashkil etadigan makroiqtisodiy ko`rsatkichlar prognoz qilindi.

Unda pandemiya bilan bog`liq vaziyatni bosqichma-bosqich yangilash nazarda tutilmoqda – 2021-yil oxiriga kelib mamlakatda iqtisodiy faollik va talab darajasini inqirozdan oldingi davrdagiga yetkazish va uni yanada yaxshilash uchun amaliy ishlarni bajarish takistikasi ishlab chiqilmoqda.

Budgetni rejalashtirishda eng muhim jihat fiskal strategiya hisoblanadi. Fiskal strategiyani shakllantirishimiz uchun biz quyidagilarni chuqur o`rganib, tahlil qilishimiz lozim:

- makroiqtisodiy ko`rsatkichlar
- soliq va budget siyosatining asosiy yo`nalishlari;
- Konsolidatsiyalashgan budget daromadlari va xarajatlarining soliq-byudjet siyosatidan kelib chiqqan holda hisoblangan prognozlari;
- kelgusi moliya yili uchun daromadlar va xarajatlar prognozlarini hamda ular asosida kelgusi 2 yil uchun ishlab chiqilgan maqsadli mo`ljallar;
- Davlat budgetining birlamchi profitsiti yoki birlamchi taqchilligi prognozlari;

#### ▪ fiskal tavakkalchiliklar tahlili.

С этой точки зрения государство с учётом достоинств цифровой реальности ставит и решает более общие и комплексные задачи в целях обеспечения надежной, согласованной и эффективной работы социального сектора в целом. Среди основополагающих задач, которые при этом необходимо решить, можно выделить и такие, как:

повышение заинтересованности работников и работодателей в осуществлении проводимых реформ с учётом цифровых изменений;

борьба с теневым сектором экономики с использованием изменений цифровизации;

создание условий для внутренних инвестиционных ресурсов;

В соответствии с вышесказанным, можно прийти к выводу, что маркетинговый инструментарий на уровне государства необходимо использовать в комплексе со всеми инструментами государственного управления, такими как планирование, для выявления реальных потребностей индивидов и способов их удовлетворения.

Государственный маркетинг призван также обеспечить возможность наиболее оперативного реагирования на изменения и колебания ситуации на рынке, более полно учитывать не только экономические, но и социально-психологические факторы [3,102-с].

### **Использованная литература:**

1. Горбашко Е. А., Ватолкина Н. Ш. Тенденции развития сферы услуг в условиях цифровой трансформации экономики //Технико-технологические проблемы сервиса. – 2019. – №. 3 (49).
2. Икрамов М. А., Набиева Н. М. Значение особенностей услуг в менеджменте предприятий //Редакционная коллегия: д-р экон. наук, проф. ЕА Горбашко (отв. ред.). – 2019. – Т. 313
3. Икрамов М. А. и др. Формирование спроса как фактор инновационного развития Узбекистана //Экономический рост России: проблемы и стратегические перспективы. – 2019. – С. 38-44.
4. Икрамов М. А., Зиядуллаев К. Ш. Особенности маркетинглогистического механизма управления международными автомобильными перевозками грузов //Вестник гражданских инженеров. – 2013. – №. 4. – С. 194-200.

5. Попов И. В., Киселева М. М., Яковлева Е. А. Цифровые модели управления предприятием //УЭПС: управление, экономика, политика, социология. – 2019. – №. 3.
6. Пономаренко Е.В. Экономика и финансы общественного сектора. Учебник для магистров. - М.: МИГСУ, 2011. - 348 с.
7. Курпаяниди К. И., Муминова Э. А. К проблеме активизации инновационных процессов в Узбекистане //Известия Ошского технологического университета. – 2019. – №. 3. – С. 261-265.
8. Musaevna U. Z. To Improve The Approaches Of The Personnel Management Mechanism In The Light Industry //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. – 2021. – Т. 24. – №. 1. – С. 296-299.
9. Лукина, А.В. Маркетинг товаров и услуг: Учебное пособие / А.В. Лукина. - М.: Форум, 2016. - 320 с.
10. Синицына, О.Н. Основы маркетинга сферы услуг: Учебник / О.Н.
11. Синицына. - М.: Академия, 2018. - 224 с
12. Musaevna U. Z., Anvarjonqizi X. D. To the Issues of Improving Personnel Motivation in Industrial Enterprises //Academic Journal of Digital Economics and Stability. – 2021. – Т. 1. – С. 70-80.
13. Tuychieva O. Questions of increasing economic efficiency of production //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 8. – С. 105-108.

**Xudoyberganova D. A.**

*Farg'ona politexnika instituti  
assistent*

## **RAQAMLI O'ZGARISHLAR SHAROITIDA XIZMAT KO'RSATISH SOHASINI RIVOJLANTIRISH MUAMMOLARI**

**Annotatsiya:** Maqolada raqamli o'zgarishlar sharoitida xizmat ko'rsatish sohasining rivojlanishi ko'rib chiqilgan. Mualliflar muammoni raqamlashtirishning yutuqlarini amalga oshirish nuqtai nazaridan o'rganishadi. Tadqiqot doirasida tegishli tavsiyalar ishlab chiqilmoqda.

**Kalit so'zlar:** xizmat ko'rsatish sohasi, raqamli texnologiyalar, raqamli iqtisodiyot, korxona strategiyasi, marketing faoliyati, raqamli transformatsiya

**Abstract:** The article discusses the development of the service sector in the context of digital change. The authors explore the problem in terms of implementing the achievements of digitization. Relevant recommendations are being developed as part of the study.

**Keywords:** service sector, digital technology, digital economy, business strategy, marketing activities, digital transformation

Bugungi kunda mamlakatimizda xizmat ko'rsatish sohasi iqtisodiyotning eng jadal rivojlanib borayotgan sohasi hisoblanadi.

Zamonaviy davrda xizmat ko'rsatish sohasining rivojlanishi, ko'lami va tuzilishi har bir davlatning iqtisodiy holatini baholashda muhim rol o'ynaydi va O'zbekiston ham bundan mustasno emas. Biz o'z ishimizda raqamlashtirish vositalaridan foydalanish sohasi bilan bog'liqligi masalalarini ko'rib chiqmoqchimiz.

Birinchi marta ular raqamli iqtisodiyot to'g'risida 1994 yilda gapira boshladilar. Keyinchalik Kanadalik iqtisodchi Don Tapscotning taniqli kitobi nashr etildi, aynan u "Raqamli iqtisodiy" atamasini ishlatgan. Muallif o'z asarida raqamlashtirishning iqtisodiyotga ta'siri haqida gapirdi. U asosiy afzalliklaridan biri deb tranzaktsion xarajatlarni kamaytirish va biznes yuritish uchun mutlaqo yangi biznes modellarining paydo bo'lishi deb bildi. [2.59 - b].

Xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirish universal jarayon bo'lib, u so'nggi yigirma yil ichida quyidagi asosiy tendentsiyalarning kombinatsiyasi bilan belgilanadi: 1. Iqtisodiyot va ijtimoiy hayotning raqamli o'zgarishi; 2. Globallashuv, insonparvarlashtirish va barqaror rivojlanishning ijtimoiy-iqtisodiy jarayonlari; 3. Xizmat ko'rsatish tendentsiyalari va gibrild mahsulotlarning paydo bo'lishi. 4. Umumiy iste'mol va kooperatsiya iqtisodiyotining rivojlanishi. [1, 45 - d].

Ta'kidlash joizki, xizmat ko'rsatish sohasining kengayishi va rivojlanishi milliy daromadning o'sishiga hissa qo'shadi, aholining munosib hayot sifatini ta'minlovchi etakchi omil hisoblanadi va raqamli o'zgarishlar bilan birgalikda bu ikki tomonlama ta'sir ko'rsatishi mumkin. Raqamlilashtirish sharoitida yuqori sifat standarti va turli xil xizmatlar ishchilarning ish unumдорligi oshishiga, iste'mol xarajatlarining pasayishiga olib keladi va natijada vaqtini tejash va bo'sh vaqt samaradorligini oshirishga yordam beradi.

Iqtisodiyotning ijtimoiy sohasini rivojlantirish maqsadida marketing vositalaridan raqamli texnologiyalar bilan birgalikda foydalanish uslubiyatini takomillashtirish ustuvor vazifadir.

Ijtimoiy sektor darajasidagi murakkab davlat muammolarini maqsadga muvofiq amaliy hal qilish uchun fan va texnika yutuqlaridan samarali foydalanish maqsadga muvofiqdir, ulardan biri raqamli texnologiyalar, shuningdek, ularning orasida alohida o'rin bo'lgan bilimlarning turli sohalari marketingga beriladi.

Xizmat ko'rsatish sohasini rivojlantirish uchun raqamlashtirish va boshqa sohalar bilan yaqin hamkorlikda marketingning asosiy vazifalari quyidagilardan iborat:

birinchidan: bozor munosabatlari sub'ektlarining potentsial ehtiyojlarini aniqlash;

ikkinchidan: raqamli texnologiyalardan foydalangan holda bozor kon'yunkturasi va uning rivojlanish tendentsiyalarini tahlil qilish;

uchinchidan: tovar va xizmatlarni iste'molchiga reklama qilishni nazorat qilish; Shu bilan birga, marketing bozor munosabatlarini o'rganishda ishtirok etadigan fanlar bilan chambarchas bog'liqdir.

Davlat marketingning uchinchi sub'ekti sifatida ishlab chiqaruvchilar va iste'molchilar bilan bir qatorda bozor sharoitida o'ziga xos rol o'ynaydi [3, 45-d].

To'g'ridan-to'g'ri xaridorlarning ehtiyojlarini qondirish bilan emas, u ushbu jarayonni tartibga soladi va jamiyat uchun eng kam xarajat bilan manfaatlar murosasiga

erishishga yordam beradi. Bu iqtisodiy va ijtimoiy jarayonlarni birlik va o'zaro ta'sirda ko'rib chiqish tendentsiyasiga bog'liq.

Shu bilan birga, davlat, yakka tartibdagi korxonadan farqli o'laroq, umuman iqtisodiyotning samarali ishlashini tartibga soluvchi rolini o'ynaydi. Boshqa tomonidan, davlatga mamlakat fuqarolarini muhim ijtimoiy xizmatlar (xavfsizlik, atrof-muhitni muhofaza qilish, tibbiy yordam va boshqalar) bilan ta'minlash nuqtai nazaridan qaraladi. Ya'ni, bu aholiga turli xil xizmatlarni ko'rsatadigan aniq korxona [2].

Davlatning iqtisodiy siyosatida zamonaviy xizmat turlarini, masalan, axborot-kommunikatsiya xizmatlari (mobil aloqa, Internet, raqamli televideenie va boshqalar), shuningdek, yangi moliyaviy xizmat turlarini rivojlantirish alohida ahamiyatga ega (bank xizmatlari, lizing, sug'urta, auditorlik, konsalting va boshqalar).

Shu munosabat bilan biz sizning e'tiboringizni xizmat ko'rsatish sohasida faoliyat yuritadigan korxonalar tomonidan marketing strategiyasini ishlab chiqishga qaratmoqchimiz. Xizmat ko'rsatuvchi korxonalarda yaxshi ishlab chiqilgan marketing strategiyasi ularning kelajakdagi muvaffaqiyatli faoliyatining kalitidir.

Davlat xizmatlari sohasiga kelsak, bu erda davlat organlari tomonidan marketing vositalaridan foydalanishga bo'lgan ehtiyoj muhim bo'lib, bu mamlakatda amalga oshirilayotgan islohotlar va dunyoda globallashuv jarayonlari bilan bog'liq.

Bozor iqtisodiyoti sharoitida davlat siyosatining etakchi yo'nalishi bu raqobatni qo'llab-quvvatlash va rivojlantirish va natijada milliy ishlab chiqaruvchilarning yuqori darajadagi raqobatbardoshligini ta'minlashdir.

Ushbu muammolarni hal qilish uchun bitta korxonada cheklangan imkoniyatlar va resurslar mavjud. Shu munosabat bilan, murakkab va keng ko'lamli vazifalarni hal qilish bilan bog'liq yukni aynan davlat o'z zimmasiga oladi.

Raqobatning samarali darajasini ta'minlash uchun davlat o'z ixtiyorida eng maqbul tartibga solish vositalariga ega, ular ishlab chiqarish hajmlarini tartibga solishga, shuningdek turli toifadagi tovar guruhlari eksportini, importini tartibga solishga qaratilgan to'g'ridan-to'g'ri va bilvosita usullarga bo'linadi [3]. .

Yuqoridagilarni inobatga olgan holda shuni ta'kidlash kerakki, shu nuqtai nazardan xodimlarni boshqarish mexanizmlarini takomillashtirish masalalari ta'kidlangan. [6,298-b].

Shunday qilib, jamiyatni dolzarb va potentsial ehtiyojlarini yanada samarali va sifatlari aniqlash, shakllantirish va qondirishni ta'minlashga qodir bo'lgan davlat boshqaruvining marketing kontseptsiyasi.

Bugungi kunda iqtisodiyotning ijtimoiy sektorining samarali ishlashi raqamlashtirishning yutuqlarini qo'llash darajasida mumkin.

Personalni boshqarish masalalariga aloxida e'tibor ko'rsatish kerak[6,297-b].

Shu nuqtai nazardan qaraganda, davlat raqamli vogelikning afzalliklarini hisobga olgan holda, umuman ijtimoiy sektorning ishonchli, muvofiqlashtirilgan va samarali ishini ta'minlash maqsadida yanada umumiy va murakkab vazifalarni belgilaydi va hal qiladi.

Bir vaqtning o'zida echilishi kerak bo'lgan asosiy vazifalar qatoridan quyidagilarni ajratib ko'rsatish mumkin:

- raqamli o'zgarishlarni hisobga olgan holda amalga oshirilayotgan islohotlarni amalga oshirishga ishchilar va ish beruvchilarning qiziqishini oshirish;
- raqamlashtirishdagi o'zgarishlardan foydalangan holda iqtisodiyotning soya sektoriga qarshi kurashish;
- ichki investitsiya resurslari uchun sharoit yaratish.

Yuqorida aytib o'tilganlarga muvofiq, biz xulosa qilishimiz mumkinki, davlat darajasidagi marketing vositalari shaxslarning haqiqiy ehtiyojlarini aniqlash va ularni qanday qondirish uchun rejalashtirish kabi davlat boshqaruvingin barcha vositalari bilan birgalikda ishlatalishi kerak.

Davlat marketingi, shuningdek, bozor kon'yunkturasidagi o'zgarishlarga va tebranishlarga eng tezkor javobni ta'minlash, nafaqat iqtisodiy, balki ijtimoiy-psixologik omillarni ham to'liq hisobga olish uchun mo'ljallangan [3,102-b].

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Алиева М. хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини ривожлантириш истиқболари //Архив научных исследований. – 2020. – №. 13.
2. Ахмеджанов А. Р. Хизмат кўрсатиш тармоқларида иқтисодий ўсиш омиллари //Экономика и финансы (Узбекистан). – 2020. – №. 1 (133).
3. Комолов Х. Х. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик тузилмалари фаолияти мезонлари ва ишчанлик муҳити //Life Sciences and Agriculture. – 2020. – №. 2-2.
4. Орипов А. А. Сфера услуг как экономическая категория и эффективный вид экономической деятельности. Наука сегодня: опыт, традиции, инновации: материалы //Наука сегодня: опыт, традиции, инновации [Текст]: материалы. – 2020. – С. 43.
5. Курпаяниди К. И., Муминова Э. А. К проблеме активизации инновационных процессов в Узбекистане //Известия Ошского технологического университета. – 2019. – №. 3. – С. 261-265.
6. Musaevna U. Z. To Improve The Approaches Of The Personnel Management Mechanism In The Light Industry //International Journal of Progressive Sciences and Technologies. – 2021. – Т. 24. – №. 1. – С. 296-299.
7. Musaevna U. Z., Anvarjonqizi X. D. To the Issues of Improving Personnel Motivation in Industrial Enterprises //Academic Journal of Digital Economics and Stability. – 2021. – Т. 1. – С. 70-80.
8. Курпаяниди К. И., Илёсов А. А. Кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш жараённида вужудга келаётган айrim муаммоларига //Oliy ta'lim taraqqiyoti istiqbollari. – С. 95.

To'ychiyeva O.N.  
Far'ona politexnika instituti  
katta o'qituvchi

## RAQAMLI IQTISODIYOT SHAROITIDA KADRLAR TAYYORLASH MASALALARI

**Annotatsiya:** Oliy ta'lumi tizimida raqamli iqtisodiyot sohasi hali yangi tushunchalardan biri bo'lib, uni to'liq joriy etish zaruriy shart-sharoitlarni talab etadi. Ushbu soha yo'nalishida olib borilayotgan tadqiqotlar amaliy xarakterga ega. Maqolada O'zbekiston Respublikasining oliy ta'lum tizimida raqamli iqtisodiyotdan foydalanish masalalari yoritilgan, ayniqsa, professional kadrlar tayyorlashda u bilan bog'liq bo'lgan masalalarga alohida urg'u berilgan.

**Kalit so'zlar:** Raqamli kompetensiyalar modeli, element, raqamli iqtisodiyot, raqamlashtirish, modernizatsiya, elektron tijorat, virtual ishlab chiqarish va elektron pul

**Abstract.** In the system of higher education, the field of digital economy is still one of the new concepts, and its full implementation requires the necessary conditions. Researchs in this area is of a practical nature. The article deals with the use of the digital economy in the higher education system of the Republic of Uzbekistan, with special emphasis on issues related to it in the training of professionals,

**Keywords.** Digital competency model, element, digital economy, digitization, modernization, e-commerce, virtual production and electronic money.

Zamonaviy iqtisodiyotda oliy ta'lum tizimi XXI asrda iqtisodiy qudrat va siyosiy ta'sir ustunligi sababli davlatlarning global raqobati sharoitida asosiy va istiqbolli platformalardan biri bo'lib hisoblanadi. Yangi bilimlar iqtisodiyotida raqobatlashish uchun O'zbekiston Respublikasining mehnat bozorida yuqori malakali kadrlar ulushini keskin oshirish ob'ektiv zaruriyat sifatida vujudga keladi.

Iqtisodiyotni raqamlashtirish keyingi o'n yil ichida biznes va jamiyat uchun ulkan salohiyatga ega va 30 trillion AQSh dollardan ko'proq qo'shimcha daromad keltirishi mumkin. Umuman olganda, faoliyatning barcha sohalarini raqamlashtirishning global iqtisodiyotga qo'shgan hissasi 2025 yilgacha 100 trln. AQSh dollarini tashkil etishi mumkin.

Oliy ta'lum tizimida raqamli iqtisodiyot sohasi fan uchun yangilik hisoblanadi. Mavjud tadqiqotlarda uni amalgalashishning amaliy jihatlarini o'rganish yo'nalishida sezilarli ustunlikni qayd etish mumkin. Ekspertlarning fikriga ko'ra, barcha axborotlashtirish jarayonlari faqat texnologik bo'lib, tashkiliy, huquqiy, boshqaruv va ta'lum muammolari e'tiborga olinmagan.

Milliy mehnat bozori hamda inson kapitalini iqtisodiy tadqiq qilish va islohotlar markazining izlanishlari natijalatiga ko'ra, mamlakatning jahon iqtisodiyotida raqobatni saqlab qolish borasidagi yagona imkoniyati - ilg'or modernizatsiya ssenariysini amalgalashish - mehnat bozoridagi sifat o'zgarishi va yuqori malakali mutaxassislar ulushining ko'payishi hisoblanadi.

Shubhasiz, oliv ma'lumot insonning asosiy huquqi va inson taraqqiyotining muhim harakatlantiruvchi kuchidir. Oxir oqibat noqulay ijtimoiy-iqtisodiy sharoitda bo'lgan odamlarning qashshoqlikdan chiqib ketishlari uchun ularga bilim va ko'nikmalar berish, shu orqali hayotini yaxshilash imkoniyatlarini yaratadi.

Kadrlar tayyorlash tizimini xalqaro standartlar darajasida tubdan qayta ko'rib chiqish, shuningdek 2017-2021 yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning Harakatlar strategiyasi sohani takomillashtirish uchun turtki bo'ldi deyish mumkin.

Bundan tashqari, kadrlar tayyorlash sohasini mamlakatni ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirishning ustuvor vazifalariga muvofiq ravishda tubdan qayta ko'rib chiqish, xalqaro standartlar darajasida oliv ma'lumotli mutaxassislarni tayyorlash uchun zarur shart-sharoitlarni yaratish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 20 apreldagi PQ - 2909-sonli "Oliy ta'lim tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori e'lon qilindi.

Ushbu qaror bilan 2017 - 2021 yillarda oliv ta'lim tizimini kompleks rivojlantirish Dasturi tasdiqlandi. Dasturda oliv o'quv yurtlarining moddiy-texnik bazasini mustahkamlash va modernizatsiya qilish, zamonaviy o'quv va ilmiy laboratoriyalar, axborot-kommunikatsiya texnologiyalari bilan jihozlash ko'zda tutildi. Shuningdek, 2019 yilning 9 oktyabrda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SH. Mirziyoevning 5847-sonli Farmoni bilan qabul qilingan "O'zbekiston Respublikasi oliv ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish Konsepsiysi"da ham oliv ta'limni jahon andozalariga muvofiq tashkil etish, ishlab chiqarish, fan va ta'lim uyg'unligini ta'minlash ko'zda tutilgan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020yil 28 apreldagi 4699 sonli "Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarorida ham ta'lim tizimining barcha bosqichlarida raqamli texnologiyalarni keng joriy etish va zamonaviy iqtisodiyot uchun zarur bo'lgan raqamli bilimlarning darajasini oshirish, ta'lim infratuzilmasini takomillashtirish, shuningdek, "Besh tashabbus" loyihasini amalga oshirish doirasida 2022-yilga qadar respublikaning barcha hududlarida raqamli bilimlarga o'qitish markazlarini ochish vazifasi belgilandi.

Biroq, so'nggi yillarda O'zbekiston ushbu sohada erishgan muhim yutuqlariga qaramay, xalqaro darajadagi raqobat mamlakat oldiga oliv ta'lim sohasida mutlaqo yangi vazifalarni qo'yadiki, ushbu vazifalarning hal etilishi XXI asrning o'rtalariga kelib O'zbekistonning jahon hamjamiyatining to'laqonli, mustaqil va hurmatli a'zosiga aylanishini ta'minlashi lozim.

Raqamli iqtisodiyot tushunchasini ifodalashga turlicha yondashuvlarni umumlashtirgan holda raqamli iqtisodiyotni jamiyat evolyutsiyasi, uning texnik va ilmiy taraqqiyoti natijasi sifatida ko'rib chiqishni taklif qilamiz. Raqamli iqtisodiyot fanga ma'lum bo'lgan iqtisodiyot turlari bilan bir vaqtida mavjud va rivojlanib bormoqda, chunki u mavjud holatni o'zgartirmaydi, balki uni to'ldiradi.

Shu sababdan 1-jadvalda raqamli iqtisodiyotning o'ziga xos belgilari keltirilgan.

## **1-jadval**

### **Raqamli iqtisodiyotning o'ziga xos belgilari.**

Belgilari	Namoyon bo'lishi
Maxsus amalga oshirishning moddiy bo'limgan shakli	An'anaviy ravishda raqamli iqtisodiyot faqat raqamli ma'lumotlarning elektron almashinuviga asoslangan "bilvosita" mavjud munosabatlardir
Maxsus asboblar to'plami	Raqamli iqtisodiyotda iqtisodiy munosabatlarning telekommunikatsiya tarmoqlari va kompyuter texnologiyalariga to'liq bog'liqligi. Agar telekommunikatsiya tarmoqlari va kompyuter texnologiyalari iqtisodiy munosabatdan chetlashtirilsa, raqamli iqtisodiyot imkonsiz bo'lib qoladi.
Jarayonlarning misli ko'rilmagan yuqori tezligi	Bu alohida operatsiyalar uchun ham, umuman sub'ektlarning iqtisodiy faoliyati uchun ham xosdir. Ushbu omil virtual iqtisodiy munosabatlarning rivojlanish sur'atlariga foydali ta'sir ko'rsatishiga qaratilgan, ammo aynan shu omil inqiroz holatida og'irlashtiruvchi holat bo'lib xizmat qilishi mumkin. Chaqmoq tezligida paydo bo'ladigan aloqalar, bog'lanishlar xuddi shunday tezlikda uzilishi va zanjirli reaksiyaga sabab bo'lishi mumkin ("domino samaras").
Ilgari mavjud bo'limgan tovarlar, xizmatlar va pul turlarining paydo bo'lishi	Ular faqat raqamli (elektron) shaklda mavjud bo'lishi mumkin. Bunga elektron tijorat, virtual (yoki raqamli tovarlarni) ishlab chiqarish va elektron pul orqali hisob-kitoblarni kiritish mumkin.

Raqamli iqtisodiyotning yuqorida tavsiflangan xususiyatlari jamiyatni yanada rivojlantirish uchun turtki bo'lib xizmat qiladi, ya'ni ixtisoslashtirilgan texnik qurilmalar orqali amalga oshiriladigan iqtisodiyotning nomoddiy shakli iqtisodiy faoliyatni xavfsiz amalga oshirishni ta'minlaydigan tegishli himoya tizimini yaratishni talab qiladi. Yuqorida aytilganlarning barchasi yangi iqtisodiy munosabatlarni tartibga solish va boshqarish shakllari hamda usullarini o'zgartirishni, shuningdek, jamiyatni iqtisodiy, ijtimoiy va siyosiy tashkil etishning yangi modellarini shakllantirishni talab qiladi. Yuqoridagilardan kelib chiqib, biz raqobatdosh raqamli iqtisodiyotning quyidagi zarur elementlarini e'tiborga olishni taklif etamiz:

-kasbiy faoliyatning turli soxalariga tegishli bo'lgan raqamli kompetensiyalar modeli;

-inson faoliyatida model talablarini bajarilishini nazorat qilish tizimi;

-xodimlarni o'qitish jarayonida faoliyat va uning natijalarini kuzatish, tartiblashtirish bilan bog'liq bo'lgan raqamlashtirilgan muhit.

Raqamli iqtisodiyot hayot sifatini yaxshilash, insonlarning hayotni ta'minlash xarajatlarini kamaytirish, nogiron fuqarolarning ta'lim olish yo'nalishlarini optimallashtirish, ularning inson salohiyatidan raqamli iqtisodiyotning ijobiy elementi sifatida foydalanishni nazarda tutadi.

## **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 20 apreldagi PQ-2909-sonli "Oliy ta'lif tizimini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Gupta, G. (2019) *Education and Digital Economy: Trends, Opportunities and Challenges*. Proceedings of the 2019 4th International Conference on Machine Learning Technologies, pp. 88-92.
3. Tuychieva O.N. (2020). On the problem of training competitive personnel for the digital economy. ISJ Theoretical & Applied Science, 05 (85), 701-707. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-05-85-127>

**Davlyatova G. M.**

*Farg'onan politexnika institut*

*i. f. n., dotsen,*

## **OLIY TA'LIM TIZIMIDA RAQAMLI IQTISODIYOTDAN FOYDALANISHNING AYRIM JIHATLARI**

**Annotatsiya:** Maqolada O'zbekiston Respublikasining oliy ta'lif tizimida raqamli texnologiyalardan foydalanishning ayrim jihatlari yoritilgan. Xususan, ta'lifning barcha me'yoriy hujjatlari hamda o'quv jarayonlarining raqamlashtirilishi malakali kadrlarni tayyorlashda muhim ahamiyatga ega ekanligi asoslangan.

**Kalit so'zlar:** Mehnat bozori, raqamli savodxonlik, oliy ta'lif muassasalari.

**Annotation:** The article describes some aspects of the use of digital technologies in the higher education system of the Republic of Uzbekistan. In particular, it is based on the fact that all the normative documents of education and the digitization of the educational process are important in the training of qualified personnel.

**Keywords:** Labor market, digital literacy, higher educational institutions.

Zamonaviy sharoitlarda raqamli iqtisodiyotning rivojlanishi bilan mehnat bozori jadal ravishda o'zgartirilmoqda. So'nggi yillardagi ilmiy va texnologik o'zgarishlar zamonaviy mutaxassislar oldiga oliy yoki maxsus ma'lumotni olganidan keyin ham o'z kasbiy malakalarini doimiy ravishda rivojlanirish vazifasini qo'yemoqda.

Ishlab chiqarish, tahlil qilish va boshqa xizmatlar sohalarini avtomatlashtirilishi insonlarni mashinalar bilan almashtirishga olib keladi, deyish uchun hali erta. Chunki bugungi kunda zamonaviy ishchi lavozimlarning atigi 5% avtomatlashtirilgan.

Dolzarblikning eng yuqori cho'qqisida insonlarning murakkab kompyuter tizimlari bilan o'zaro munosabatga kirisha olish qobiliyatlarini shakllantirish masalasi turibdi. Agar "aqlii" tizimlarni boshqarish bo'yicha mahoratga bo'lgan talabning tobora ortib borayotgani muxandislar uchun odatiy xol bo'lsa, ijtimoiy yo'nalishdagi mutaxassislar raqamli o'zgarishni to'liq his qiladilar: katta hajmdagi axborotlarni tahlil qilish qobiliyatiga ega bo'limgan iqtisodchini yoki "Legal tech" ning raqamli arsenalidan foydalanmaydigan advokatni raqobatbardosh mutaxassis deb bo'lmaydi. Shunday qilib, mehnat bozori raqamli tizimlardan kundalik ishlarida asosiy vosita sifatida foydalanadigan yangi avlod mutaxassislariga talab shakllantirmoqda.

Raqamli iqtisodiyotni jonlantirish kelajakda oliy o'quv yurtlari tizimida yangi yo'nalishlarni yaratishni nazarda tutadi.

Birinchidan, yangi kasblarni shakllantirish to'g'ridan-to'g'ri ma'lum bir innovatsion texnologiyalarning bozor uchun ahamiyatiga bog'liq. Ishlab chiqarishda aniq vaqtdagi ma'lumotlarni tahlil qiladigan, sanoat interneti va to'rtinchi sanoat inqilobining boshqa texnologiyalari uchun ishlab chiqarish tizimlarini yaratadigan muxandislar va dasturchilarga talab katta. Ijtimoiy sohada iqtisodchilar, moliyachilar, sotuvchilar va menejerlar ehtiyojlarini qondirish yo'lida katta hajmdagi ma'lumotlar bilan ishlay oladigan tahlilchi xodimlarga e'tibor qaratiladi.

Shubhasiz, raqamli iqtisodiyotda barcha zamonaviy vakolatlar axborot bilan ishlay olish qobiliyatlari atrofida aylanadi. Bu shuni anglatadiki, ma'lumot olish, uzatish, qayta ishslash va talqin qilishning har qanday yangi usuli mehnat bozorida talab katta bo'lган yangi kasblarning paydo bo'lishiga olib keladi.

Ikkinchidan, bunday o'zgarishlar nafaqat innovatsion va yuqori texnologik jarayonda bevosita ishtirok etadigan mutaxassislariga tegishli bo'lib qolmaydi.. Bugungi kunda raqamli intellektual mulk sohasida faoliyat olib boruvchi advokatlarga, raqamli hujjatlarni boshqarish bo'yicha maslahatchilarga talab mavjud. Iqtisodchilar, moliyachilar, sotsiologlar va siyosatshunoslar orasida katta hajmdagi ma'lumotlar va ilg'or tahlillar asosida ishlaydigan mutaxassislar ko'payib bormoqda.

Albatta, raqamlashtirishni davom ettirish uchun yangi malakalar va ko'nikmalar to'plami talab etiladi. Xodimning ham muxandis, ham iqtisodchi uchun zarur bo'lган ko'nikma va bilimlarga ega bo'lishi dolzarb bo'lib qoladi. Bu nafaqat ishlab chiqarish jarayonining mohiyatini va texnologiya tufayli qanday soddalashtirilganligini anglash, balki ushbu jarayonni boshqarish, raqamlashtirish samarasini qanday baholashni bilish uchun ham muhimdir.

Bugungi kunda milliy oliy o'quv yurtlari raqamli iqtisodiyotning zamonaviy muammolariga qay darajada moslashgan?

Ta'lim sohasini raqamlashtirish odatda ta'limning barcha darajalarida va tuzilmasida bitiruvchining obrazini, ta'lim standartlarini, dasturlarini, baholash tizimlariin, ta'lim mazmunini, ta'lim faoliyati usullari va uslublarini shakllantirish kabi o'zaro bog'liq yo'nalishlarni o'z ichiga olishi zarur.

Ochiq aytganda ta'lim hech qachon eng so'nggi tendentsiyalar bilan teng darajada rivojlana olmaydi. Chunonchi, oliy ma'lumot berishning mohiyati ham talabalarni qat'iy texnik, amaliy ko'nikmalar bilan qurollantirish emas, balki ularda fundamental kasbiy fazilatlarni shakllantirishdan iborat.

Shu bilan birga, hozirgi shart-sharoitlar oliy ta'limni yakunlaganidan so'ng darhol ish oqimiga qo'shilishga qodir bo'lган "tayyor" mutaxassislarini tayyorlashni talab qiladi. Ushbu noaniq va murakkab xususiyatni hisobga olgan holda oliy ta'lim muassasalari ta'lim dasturlarini amalgalashishning yangi usullarini izlashlari kerak.

Zamonaviy oliy ta'lim muassasalarining har biri kadrlar tayyorlab beradigan sohaning ko'zgusi bo'lishga intilmoqda. Agar sohada raqamlashtirish borasida aniq va ravshan yo'nalish mavjud bo'lsa, unda bu o'qitishdagi yondashuvga ham ta'sir qilmay qolmaydi.

Bugungi kunda bir qator oliy ta'lim muassasalarida talabalar va o'qituvchilarining raqamli savodxonligini oshirish bo'yicha ishchi guruhlar tashkil etish maqsadga muvofiqdir.

Avvalo, oliy ta'lim muassasalari rahbariyati o'quv jarayonini raqamlashtirish nafaqat navbatdagi zamonaviy tendentsiya, balki bug' dvigatelini yaratish yoki telefon aloqasi kabi haqiqiy texnologik inqilob ekanligini tushunishlari kerak. Ushbu tendentsianing kashshoflari eng ko'p g'alaba qozonadilar, izdoshlar raqobatdosh poygada omon qolish imkoniyatiga ega bo'ladilar.

Zamonaviy mutaxassis uchun mahoratning aniq bir to'plami emas, balki ularning kasbiy faoliyatidagi qonuniyatlarni tushunish va taxmin qilish qobiliyati muhimroqdir. Biz umrbod o'rganish davrida yashayapmiz va har qanday amaliy ko'nikmalarni inson hayotining istalgan vaqtida, ba'zan ishlab chiqarishdan ajralmagan xolda ham o'zlashtirishi mumkin. Biroq, faqat oliy ta'lim muassasalarigina kompyuter imkoniyatlari chegarasidan tashqarida bo'lib qolaveradigan har qanday zamonaviy muammoga kreativ yondoshishni o'rgata oladi.

Shunday qilib, tadqiqot shuni ko'rsatdiki, ommaviy tarzda raqamlashtirish va axborot-kommunikatsiya texnologiyalarini joriy qilish tabiiy va mantiqiy jarayondir. Iqtisodiyotni raqamlashtirish har bir mamlakatning iqtisodiy, siyosiy, ijtimoiy va boshqa qiyinchiliklariga bog'liq bo'limgan global jarayondir. Uning ta'siri har qanday mamlakatda ma'lum o'zgarishlarni talab qiladi. O'zbekiston iqtisodiyotini raqamlashtirishning muvaffaqiyati to'liq malakali mutaxassislar mavjudligiga va jamiyat mentalitetining tubdan o'zgarishiga bog'liqdir. Shu bilan birga, oliy ta'lim sohasini raqamli iqtisodiyot talablariga moslashtirish zarur bo'ladi.

### **Foydalanilgan adabiyotlar :**

- 1.O'zbekiston Respublikasi Prezidenti SH.Mirziyoevning 5847- sonli Farmoni bilan tasdiqlangan "O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiysi". 08.10.2019 y
2. Tuychieva O.N. (2020). On the problem of training competitive personnel for the digital economy. ISJ Theoretical & Applied Science, 05 (85), 701-707. Soi: <http://s-o-i.org/1.1/TAS-05-85-127>
3. Davlyatova GM, Abdullaeva CX. (2019) Systemic principles and regularities of commercial enterprise as a socio-economic system. // Journal of Economy and Business., (6-1). p.95. Doi <https://dx.doi.org/10.24411/2411-0450-2019-10827>.  
<https://cyberleninka.ru/article/n/18235040>

**Бауетдинов М.Ж.,**  
отраслевой центр при ТГЭУ  
*PhD, начальник отдела*  
**Жанизакова Ш. М.,**  
ТГЭУ  
студентка факультета «Цифровая экономика»

## **ЦИФРОВИЗАЦИЯ БАНКОВСКИХ УСЛУГ В СОВРЕМЕННОЙ ЭКОНОМИКЕ**

**Аннотация:** Настоящая статья иллюстрирует роль и значение цифровых технологий в развитии банковской сферы Республики Узбекистан. Автором показано, что сегодня банки Узбекистана уже находятся на хорошем уровне по оказанию дистанционных услуг клиентам банкам. Но, также в статье показано, что современное развитие таких технологий, как P2P-кредитование, искусственный интеллект, технология блокчейн, машинное обучение, робоэдвайзинг позволят не только усовершенствовать банковское обслуживание клиентов, но и послужат достижению новых передовых рубежей в едином информационном и цифровом пространстве.

**Ключевые слова:** цифровая трансформация, банковский сектор, экономический рост, новые цифровые технологические решения, оптимальность, эффективность.

**Resume:** This article illustrates the role and importance of digital technologies in the development of the banking sector of the Republic of Uzbekistan. The author shows that today the banks of Uzbekistan are already at a good level in providing remote services to bank customers. But, the article also shows that the modern development of technologies such as P2P lending, artificial intelligence, blockchain technology, machine learning, roboadvising will not only improve banking customer service, but will also serve to achieve new frontiers in a single information and digital space.

**Key words:** digital transformation, banking sector, economic growth, new digital technological solutions, optimality, efficiency.

Цифровая трансформация отраслей и сфер национальной экономики Республики Узбекистан является одним из важных векторов развития национальной экономики.

Президент Республики Узбекистан Ш. М. Мирзиев в своем Послании Олий Мажлису от 29 декабря 2020 года отметил: «Наука и инновации создают основу для развития страны». Кроме того, говоря об оптимизации деятельности экономических объектов на основе внедрения цифровых технологий Президент Республики Узбекистан подчеркнул, что «к концу следующего года необходимо увеличить количество видов государственных электронных услуг на 60, доведя их до 300, а долю дистанционных услуг – не менее чем до 60 процентов».

Сегодня перед Узбекистаном поставлена задача: на основе развития цифровых инноваций не только добиться самых больших высот в экономическом развитии на внутреннем экономическом рынке, но и стать конкурентоспособной страной в мировом экономическом пространстве. Данные направления развития определены в Постановлении Президента Республики Узбекистан от 17 марта 2020 года №-4642 «О мерах по широкому внедрению цифровых технологий в городе Ташкенте» и Постановлении Президента Республики Узбекистан от 28 апреля 2020 года №-4699 «О мерах по широкому внедрению цифровой экономики и электронного правительства».


Выполнение поставленных задач будет способствовать совершенствованию отраслей и сфер национальной экономики, в том числе и банковского сектора. Об этом свидетельствует тот факт, что 12 мая 2020 года был принят Указ Президента Республики Узбекистан **«О стратегии реформирования банковской системы Республики Узбекистан на 2020-2025 годы»**. Данным Указом утверждены Стратегия реформирования банковской системы Республики Узбекистан на 2020-2025 годы, «Дорожная карта» по реформированию банковской системы Республики Узбекистан, а также целевые показатели реализации стратегии.

Данная стратегия была разработана Центральным банком и Министерством финансов в сотрудничестве со Всемирным банком с учётом заключений и рекомендаций по итогам оценки текущего состояния банковской системы страны, опыта зарубежных стран в трансформации финансового сектора, а также мировых тенденций в финансовой сфере [1,2,3].

Современная действительность показывает, что в настоящее время в Республике Узбекистан функционирует эффективная платежная система. Данная система включает в себя три основные составляющие: систему межбанковских расчетов, внутрибанковскую систему и розничную систему расчетов. Функционирующая система отвечает всем международным требованиям. Кроме того, в Республике создан ряд дополнительных возможностей для населения и субъектов предпринимательства с целью осуществления платежей путем широкого внедрения платежных услуг и продуктов, основанных на современных информационно-коммуникационных и цифровых решениях [4,5].

Наряду с этим, следует отметить, что в Республике Узбекистан постоянно совершенствуется дистанционное банковское обслуживание. Но, тем не менее эксперты в области банковских технологий единодушны во мнении, что цифровая трансформация меняет множество информационных процессов, осуществляемых во фронт – офисе банка. В этой связи для модернизации фронт-офиса с точки зрения цифровых технологий необходима, прежде всего, четкая постановка задач бизнес-подразделениями, ясное понимание цели этой модернизации, того эффекта, которого планируют добиться [7].

На рис. 1 представлено количество пользователей дистанционного банковского обслуживания на 1 января 2021 года.



**Рис. 1. Количество пользователей дистанционного банковского обслуживания на 1 января 2021 года**

Источник: [www.citforum.ru](http://www.citforum.ru) – обзорный сайт по информационным технологиям

Но, несмотря на положительную динамику развития банковского сектора, перед банками страны ставятся новые задачи по дальнейшему повышению качества оказываемых банковских услуг, включая и методы работы коммерческих банков в области внедрения инновационных технологий на основе применения современных цифровых решений [6,8].

Цифровизация банковской сферы – комплексный и трудоемкий процесс. Но конечная известна каждому – это **экономия временных и денежных ресурсов как клиентов, так и самих банков**.

Как это выглядит для пользователя:

- банк предоставляет услуги своим клиентам 24 часа в сутки, все 7 дней в неделю и 365 дней в году;

- клиенту дистанционно предоставляются такие услуги как: открытие банковской карты с доставкой ее на дом, оформление кредита, открытие вклада, проверка баланса и т.д.;

- обслуживание становится более персонализированным, вплоть до разработки и предоставления индивидуальных тарифов. Все благодаря большим данным, используя которые банки знают о клиентах столько, чтобы самим предлагать услуги, не дожидаясь запроса.

Рисунок два иллюстрирует количество пользователей дистанционным банковским обслуживанием по видам клиентов.



**Рис. 2. Количество пользователей дистанционным банковским обслуживанием по видам клиентов на 1 января 2021 года**

Источник: [www.citforum.ru](http://www.citforum.ru) – обзорный сайт по информационным технологиям

Таким образом, можно сделать вывод, что внедрение таких цифровых решений, как сквозные технологии, P2P-кредитование, искусственный интеллект, технология блокчейн, машинное обучение, робоэдвайзинг позволят обеспечить ещё большую точность банковских расчетов, увеличат скорость выполнения операций, персонализируют предложения, уменьшат риск умышленного искажения отчетных данных [9,10]. Что в конечном итоге будет способствовать росту национальной экономики на мировом экономическом рынке.

#### Использованная литература:

1. Указ Президента Республики Узбекистан № УП-6079 «Об утверждении Стратегии «Цифровой Узбекистан 2030» и мерах по ее эффективной реализации» от 5 октября 2020 года // Народное слово. – Ташкент, 2020 г., 6 октября.
2. Постановление Президента Республики Узбекистан № ПП–3832 «О мерах по развитию цифровой экономики в Республике Узбекистан» от 3 июля 2018 года // Народное слово. – Ташкент, 2018 г., 4 июля.
3. Указ Президента Республики Узбекистан №-5544 «О стратегии инновационного развития Республики Узбекистан в 2019-2021 годах» от 21 сентября 2018 года // Народное слово. Ташкент, 2018 г., 22 сентября.
4. Бегалов Б.А., Мамадалиев О.Т. Реформы в сфере статистики Республики Узбекистан: результаты и перспективы развития. Статистика и Экономика. 2021;18(1):4-13.
5. Гулямов С.С., Шермухамедов А.Т. Development of digital economy in the republic of Uzbekistan. VII Uzbek-Indonesian Joint international scientific and practical conference “Innovative development of entrepreneurship” with the framework of scientific and research project” Global economic challenges and national economy development” Tashkent-Jakarta, 2018, September.-180-183 p.

6. Жуковская И.Е. Основные направления совершенствования методологии применения передовых информационно-коммуникационных технологий в статистической деятельности Республики Узбекистан в условиях формирования цифровой экономики. Статистика и Экономика. 2020;17(5):68-80. <https://doi.org/10.21686/2500-3925-2020-5-68-80>.
7. Калин А.А. Прогноз развития информационно-коммуникационных технологий до 2030 года. (Интернет-ресурс [www.comnews.ru](http://www.comnews.ru) – новости цифровой трансформации, телекоммуникаций, вещания и ИТ. Дата обращения: 12.01.2021 г.)
8. Лапидус Л.В. Цифровая экономика: управление электронным бизнесом и электронной коммерцией. Монография. – М.: ИНФРА-М, 2018.
9. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) – официальный портал Государственного комитета Республики Узбекистан по статистике.
10. mitc.uz – официальный сайт Министерства по развитию информационных технологий и коммуникаций Республики Узбекистан.

**Холмаматов Д. Х.**

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти  
PhD*

## **РАҚАМЛИ ЎЗГАРИШЛАР ШАРОИТИДА МАРКЕТИНГ ЛОГИСТИКАСИНИНГ БИЗНЕС ЖАРАЁНЛАРИ**

**Аннотация:** Рақамили ўзгаришилар шароитида иқтисодий тизимларнинг сервислашувида маркетинг логистикасининг ўрни, маркетинг логистикасининг бизнес жараёнлари, бизнес жараёнларнинг таркибий қисмлари ёритилган. Шунингдек, таъминот, ишлаб чиқариши ва сотиш жараёнида маркетинг логистикасини ривожлангтириши масалаларига эътибор қаратилган.

**Abstract:** The role of marketing logistics in the service of economic systems in the context of digital change, business processes of marketing logistics, components of business processes are covered. It also focuses on the development of marketing logistics in the supply, production and sales processes.

**Калим сўзлар:** маркетинг, логистика, маркетинг логистикаси, бизнес жараёнлар, таъминот, ишлаб чиқариши, сотиш, сервис.

**Keywords:** marketing, logistics, marketing logistics, business processes, supply, production, sales, service.

Бугунги Ўзбекистон иқтисодиётидаги чуқур таркибий ўзгаришилар ва диверсификация шароити маҳаллий корхоналар фаолиятида моддий ва ахборот оқимлари ҳаракатини ташкил этишда сифат жиҳатидан янги ёндошувлардан фойдаланишни талаб қилмоқда. Чунки таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларини бошқаришининг анъанавий тизимлари бозор муҳитидаги ўзгаришиларга тўлиқ жавоб берга олмаяпди.

Бизнес жараёнларда логистиканинг функциялари ёки операцияларини алоҳида бошқаришдан замонавий амалиётда маркетинг логистикаси

концепциясини жорий этиш жадал тус олмоқда. М.Кристофер ва Х.Пеклар ўзларининг тадқиқотларида корхоналар фаолияти бозорга йўналтирилган бўлиши учун функционал тўсиқларни ҳал қилишида интеграция жараёнларига эътиборни қаратиш кераклигини асослаб берди[6, 140 с.]. Замонавий адабиётларда маркетинг ва логистиканинг бизнес жараёнлардаги мазмуни кенг ва етарли даражада ўрганилган. Лекин маркетинг логистикасининг бизнес жараёнлардаги масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

М.Кристофер ва Х.Пеклар биринчилардан бўлиб маркетинг логистикасининг бизнес жараёнларини таснифини таклиф этишган [6, 140 с.]. Уларнинг таснифига кўра маркетинг логистикасининг бизнес жараёнлари қўйидагилардан иборат:

- брендни ишлаб чиқиш (шу жумладан, янги маҳсулотни ишлаб чиқиш);
- истеъмолчилар билан алоқаларни ривожлантириш (ассосан, охирги истеъмолчиларнинг садоқатлилигини яратиш);
- харидорларни бошқариш (воситачилар билан ўзаро алоқаларни яратиш);
- етказиб берувчилар билан муносабатларни такомиллаштириш (етказиб бериш занжирида ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш);
- таъминот занжирини бошқариш (шу жумладан, буюртмаларни бажариш жараёни).

Маркетинг логистикасининг бизнес жараёнлари деганда истеъмолчи учун қийматга эга бўлган натижани олишга қаратилган товар, ахборот ва молиявий оқимларни бошқариш жараёнида амалга ошириладиган ўзаро боғлиқ ҳаракатлар ва операциялар мажмуи тушунилади. Ушбу таъриф жараён ёндошуви талабларига тўлиқ мос келади ва PDCA (Plan-do-check-act) тамойилларини ҳисобга олади.

Бизнес жараёнларни режалаштириш маркетинг ва логистика режаларини корхонанинг умумий ривожланиш стратегиясига мувофиқлигини таъминлайди.

Корхонада маркетинг логистикаси бизнес жараёнларни бошқаришнинг барча функцияларини қамраб олади. Маркетинг логистикаси корхона фаолиятини стратегик режалаштиришда ресурслардан энг самарали фойдаланишни ҳисобга олган ҳолда корхона стратегиясини ишлаб чиқиш ва мақсадларга эришиш жараёни сифатида қаралади. Стратегик режалаштириш жараёнида маркетинг логистикаси стратегия ва уни амалга ошириш бўйича тактик тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш, товарлар оқимлари тақсимоти режалари билан маркетинг тақсимот каналлари ўртасида сотув режасини тузиш ва истеъмолчиларга хизмат кўрсатиш стандартларини яратишни амалга оширади.

Маркетинг логистикасини ривожлантириш бўйича бизнес жараёнлар узоқ муддатли истиқболда даромад олишга қаратилган бўлиб, харидорлар, бизнес ҳамкорлар ва рақобатчилар билан узоқ муддатли шерикчилик алоқаларини ўрнатишни ўз ичига олади. Шунинг учун маркетинг логистикасининг бизнес

жараёнлари бозордаги мавқеини мустаҳкамлашга интилаётган ҳар қандай корхонанинг стратегик бойлиги ҳисобланади.

Замонавий бозорда корхонанинг муваффақиятли фаолият юритишининг асосини истеъмолчи учун қийматни шакллантириш билан боғлиқ бўлган асосий жараёнларни бошқариш ташкил этади. Маркетинг логистикасининг бизнес жараёнларини ёритиб бориш ҳар бир иштирокчининг якуний натижага ва қиймат занжирининг шаклланишига қўшган ҳиссасини баҳолашга имкон беради. Маркетинг логистикасининг бизнес жараёнларига асосан товар тарқатиш каналлари доирасида бажариладиган хизматлардан ташкил топади. Бу хизматлар бир вақтнинг ўзида ҳам маркетинг фаолияти ҳам логистика фаолияти билан боғлиқ бўлади. Айнан шу бизнес жараёнларда маркетинг билан логистика тўлиқ туташади. Маркетинг билан логистика туташадиган ушбу соҳада маркетинг логистикасининг асосий бизнес жараёнлари амал қиласди. Қуйидаги 1-жадвалда маркетинг логистикасининг бизнес жараёнларининг таркибий қисми келтирилган.

### **1-жадвал**

#### **Маркетинг логистикаси бизнес жараёнларида корхона ва мижозлар учун қиймат яратишни амалга оширилиши**

<b>Бизнес жараёнлар</b>	<b>Натижа</b>	<b>Корхона учун қиймат</b>	<b>Мижоз учун қиймат</b>
Талабни бошқариш	Ишлаб чиқаришни режалаштириш	Мижозларни содиқлигини ошириш	Мижозлар эҳтиёжини қондирилиши
Буюртмаларни бошқариш	Буюртмаларни тўлиқ айланиши учун мақбул вақт	Харидорларга хизмат кўрсатиши муддатини қисқартириш	Вақт қиймати (сўровларга тезкор)
Харидларни бошқариш	Буюртмалар портфелини шакллантириш	Етказиб беришни сифатли даражада таъминлаш	Товар қиймати (тузилиши, миқдори ва сифати)
Ассортиментни бошқариш	Истеъмолчилар талабига мос ассортиментни шакллантириш	Истеъмолчилар талабини тўлиқ қондириш	Товар қиймати (тузилиши, миқдори ва сифати)
Товар тарқатиш тизимини шакллантириш	Товар тарқатиш каналининг оптимал курилиши	Мижозлар эҳтиёжини қондириш, сотиш харажатларини қисқартириш	Жой ва вақтнинг қиймати
Омборлаштириш	Омборларни самарали бошқариш тизимини шакллантириш	Омбор логистикаси харажатларини оптималлаштириш	Товар қиймати (миқдор ва сифат)
Захираларни бошқариш	Товар захираларининг мақбул даражасини сақлаш	Захиралар билан боғлиқ харажатларни камайтириш, товар айланмасини тезлаштириш	Товар қиймати (тузилиши, миқдори ва сифати)
Транспортировка	Товарларни керакли жойга ва керакли вақтда етказиб бериш	Транспорт харажатларини қисқартириш	Вақт қиймати

Сервис	Сервис сифатининг юқори даражаси	Имижнинг ўсиши	Сервис кўрсатишининг қиймати
Сотиш	Олди сотди битимлари	Мижозлар билан ўзаро муносабатларни мустахкамлаш	Харид қиймати

Ушбу бизнес жараённинг якуний натижаси юқори даражадаги хизмат бўлиб, унга буюртмаларни тўғри бажариш, етказиб беришларни кечиктирмаслик, ўз вақтида, керакли жойга, керакли юкларни етказиб бериш орқали эришилади.

Мижозларга хизмат кўрсатиш – бу корхоналар учун рақобатбардош устунликни таъминлайдиган маркетинг логистикасининг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Мижозларга хизмат кўрсатиш жараёни сервис даражасини оширишни талаб қиласи. Мижозларга хизмат кўрсатиш бўйича бизнес жараёнларни амалга ошириш жараёнида логистика ва маркетинг ўртасида энг яқин ўзаро таъсир намоён бўлади. Бу жараёнда қуйидагилар амалга оширилади: зарур хизматлар бозорини сегментлаш, хизмат кўрсатиш сиёсатини ишлаб чиқиши, хизматлар ассортиментини шакллантириши, хизмат кўрсатиш даражасини ошириши, мижозларга хизмат кўрсатиш учун логистика харажатлари нисбатини таҳлил қилиш, мижозларни эътиrozларини ўрганиш ва бошқалар.

Рақамли ўзгаришлар шароитида иқтисодий тизимларда юқори даражали сервисни ташкил этишда маркетинг логистикаси бизнес жараёнларида қуйидагилар амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

- таъминот, ишлаб чиқариш ва сотиш фаолиятида мижозларга кўрсатиладиган хизматларнинг стандартларини яратиш, шартнома ёки шартнома шартларига жавоб беришини таъминлаш;
- товарларни ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига етказиш жараёнида турли хил ташкилий субъектлар иштирок этаётганлиги сабабли, маркетинг логистикаси функцияларни эмас жараёнларни ўрганиш ҳамда ташкил этиш механизмини ишлаб чиқишига қаратилиши лозим;
- товар тарқатиш тизимидағи хизматларни амалга ошириш, воситачилик, улгуржи ва чакана савдо фаолиятини ривожланишида маркетинг логистикаси бизнес жараёнлари моделини ишлаб чиқиши;
- моддий ва ахборот оқимларини бошқаришни маркетинг стратегияси билан мувофиқлаштириш лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигига 22 апрель куни худудларда хизмат кўрсатиш соҳаси йўналишларини ривожлантириш масалалари бўйича видеоселектор йиғилишидаги маърузаси. Янги Ўзбекистон газетаси. 2021 йил, 23 апрель 1-бет
2. Багиев Г.Л. Маркетинг: словарь и библиография. – СПб: Изд-во СПбГУЭФ, 1998. – 74 с.

3. Бойжигитов, С. К. Маркетинговые стратегии повышения эффективности (на примере промышленного предприятия) / С. К. у. Бойжигитов // Маркетинг в России и за рубежом. – 2021. – № 1. – С. 95-97.
4. Германчук, А. Н. Специфика организации трейд-маркетинга на предприятии / А. Н. Германчук // Фундаментальные и прикладные исследования в современном мире : матер. XXVII Междунар. науч.-практ. конф., 15 окт., 2019 г. – СПб. : Стратегия будущего, 2019. – С. 58-61.
5. Голиков Е.А. Маркетинг и логистика – новые инструменты хозяйствования. – М. : Издательство «Экзамен», 2006. – 220 с.
6. Кристофер, М. Маркетинговая логистика / М. Кристофер, Х. Пек. ; пер. с англ. И. Касимова. – М. : Издательский Дом «Технологии», 2005. – 200 с.
7. Ryszard Barcik, Marcin Jakubiec (2013). Marketing logistics. <https://docplayer.net/4272544-Marketing-logistics-bielsko-biala-poland-email-rbarcik-ath-bielsko-pl-bielsko-biala-poland-email-m-jakubiec-ath-bielsko-pl.html>
8. Трифилова А.А., Воронков А.Н. Маркетинговая логистика. Учебное пособие. Нижегород. гос. архит.-строит. ун-т – Н. Новгород: ННГАСУ, 2011. – 83 с.

**Нишонов У. И.**

*Ферганский политехнический институт*

*Заведующий кафедрой*

**ПРЕДМЕТ, ЗАДАЧИ И МЕТОДЫ ТЕОРИИ ПЕРЕВОДА**

**Аннотация:** В данной работе рассмотрены основные задачи и методы перевода, его многогранность и отдельные аспекты которого могут быть предметом исследования разных наук.

тинчлик, барқарорлик, түғри ижтимоий халқчил сиёсат олиб борилиши бугунги кундаги тадбиркорлик мұхитини шаклланишига олиб келди ва уни ҳар томонлама ривожлантиришга кенг имкониятлар очиб берилмоқда. Масалан: Эркин иқтисодий зоналар, ёшлар тадбиркорлик зоналари, аёлларга алоҳида мұхитнинг яратилиши.

4. Инновацион тадбиркорликни ривожлантирилиши, бугунги кунда қандай омилларга боғлиқ? Улар билан боғлиқ қандай муаммолар мавжуд? Бу масалага ўз фикримизча қисқача ёндошамиз. Инновацион тадбиркорлик, инновацион жамиятнинг реал ҳолатига боғлиқ бўлиб, инновацион жараёнлар стратегик бошқаришни тақозо этади. Шунинг учун, билвосита ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантириш мақсадида инновацион фаолиятга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини инновацион ривожлантириш концепциясига кўра, уни амалга ошириш чора-тадбирларидан бири қилиб-интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш алоҳида кўрсатиб ўтилган. Шунингдек аҳоли, олимлар ва тадқиқотчилар орасида қуидагилар орқали тадбиркорлик маданиятини ошириш кўзда тутилган:

- инноваторларнинг тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш;
- олимлар ва тадқиқотчиларнинг тадбиркорлик билан бандлигини таъминлаш;
- бизнесни юритишдаги хукуқбузарликлар учун қонунчилик жавобгарлигининг енгиллигини таъминлаш;
- аҳоли ўртасида тадбиркорлик ва инновация жараёнларини фаол тарғиб қилиш (6,1 б).

Юқоридагиларга кўра, Олий Тაълим Муассасалари ва илмий-тадқиқот институтларидаги мавжуд шарт-шароитлар ва илмий салоҳиятдан келиб чиқиб юксак самара берадиган, янги стратегик инновацион мұхитни яратиш тўғрисида сўз юритилмоқда. Фикримизча, бу янгидан ушбу муассасалар таркибида инновацион микрофирмаларни ташкил этишни тақозо этади. Афсуски, бундай инновацион тадбиркорлик микрофирмалари мамлакатимизда энди шаклланмоқда.

Жаҳон тажрибаси кўрсатяптиki, бозор иқтисодиётини ривожлантиришда айнан кичик инновацион фирмаларнинг улуши жуда каттадир, чунки микрофирмаларнинг афзаллик томонлари кўпдир. Масалан, янги шароитга тез мослашиши, ходимларнинг кам миқдорда эканлиги, таваккалчиликнинг ўзига хос оқлаши ва б.

Юқоридагиларга асосан инновацион тадбиркорликни ривожлантириш имкониятларининг бош асоси-инсоннинг илмий ижодини фаоллаштиришdir. Бусиз ҳар қандай соҳада инновация мумкин эмас.

Республикамида иқтисодий ривожланишининг инновацион концепциясини амалга оширишда асосий омил сифатида инсон капиталини ривожлантириш - Стратегиянинг бош мақсади қилиб кўрсатиб берилган (5,1 б). Шунга кўра Стратегиянинг бош мақсадига биноан инсон капиталини

ривожлантириш мамлакатимизнинг ҳалқаро майдондаги рақобатбардошлигини ва инновацион жиҳатдан тараққий эттганлигини белгиловчи омилdir. Айтиб ўтиш лозимки, инсон капитали турли соҳалардаги турлича кўринишдаги тадбиркорлик фаолиятларида (жараёнларида) ўзини самарали намоён қила олади. Биз айтган ва кутган натижани беради.

Хўп, бизда бу масалада аҳвол қандай? Агар, мисол тариқасида Олий Таълим Муассасаларини (ОТМ) оламиз. Афсуски, ҳозирги вазиятда Республикализдаги ОТМларда инновацион тадбиркорлик билан шуғулланувчи профессор-ўқитувчилар жуда озчиликни ташкил қиласди. Бу соҳа билан шуғулланганларнинг кўпчилиги эса, фақат кичик хўжалик шартномасини бажариш фаолиятидан нарига ўтмайди. Шахсий манфаат билан жамоат манфаати мувофиқлаштирилмаган.

Юқоридагиларга асосан бизнинг фикримизча тавсияларимиз қўйидагилардан иборат:

1. ОТМлардаги мавжуд илмий салоҳият (потенциал)ни тўлиқ хисобга олиш зарур. Ахир бу муассасалар инновацион инфраструктураларининг ядроси ҳисобланади ва бу Республикализнинг алоҳида регионларини гармоник ривожланиши учун жуда катта, етакчи имконият манбаидир.

2. ОТМларда инновацион тадбиркорликни ривожлантириш учун, мавжуд олимлар потенциалидан унумли фойдаланишнинг бозор механизмини ишлаб чиқишини тақозо қиласди. Бошқача қилиб айтганда, яқин вақт мобайнида ОТМда педагогик кадрларни инновацион тадбиркорликка ундейдиган “Бозор мотивациясини” яратиш зарурдир.

3. Ташкилий масалада олимларга илм соҳасида бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосларига биноан, илғор кафедралар таркибида янги хусусий микро фирмалар ва давлат шерикчилик асосидаги корхоналарни, технопаркларни очишга тарғибот ишларини жадаллаштириш керак.

4. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий ривожлантиришни инновацион концепциясига биноан ОТМ раҳбарлари профессор ўқитувчиларни инновацион тадбиркорлик билан фаолият кўрсатишида ҳар томонлама уларни қўллаб-қувватлаш лозим.

5. ОТМларда инновацион жараёнлар натижаларига кўра инноватор-тадбиркорларни муносиб рағбатлантирилиши йўлга қўйилиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, асосий мақсадимиз - мамлакатимизда ривожланган мамлакатлар тажрибасига биноан, инновацион тадбиркорликнинг самарали ишлайдиган, ҳозирги замон бозор механизмини яратишга хисса қўшишдир.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлини қатъият билан давом этириб, янги босқичга кўтарамиз. –Т.: “Ўзбекистон”, 2018.
2. Мирзиёев Ш.М. Тошкент шаҳри сайловчилари билан учрашувда сўзлаган нутқидан / “Тошкент оқшоми” газетаси, 2016 йил 24 ноябрь

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида / расмий нашр. / - Т.: “Адолат”, 2018 - 112 б.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони: “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигини ташкил этиш тўғрисида”, 29.11.2017 й. / Халқ сўзи газетаси, 2017 й. 30 ноябрь.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони: “Ўзбекистон Республикасининг 2019-2021 йилларга мўлжалланган инновацион ривожланиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”, 21.09.2018 й / Халқ сўзи газетаси, 2018 й. 22 сентябрь.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони: “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”, 08.09.2017 й. / Халқ сўзи газетаси, 2017 й. 9 сентябрь.

7. Инновационная экономика Республики Узбекистан: состояния и перспективы (учеб.пос.) - Т.: (Dono nashriyot), 2017.-2986.

**SHakirova Yu. S.**

*Farg’ona politexnika instituti  
katta o’qituvchi*

## **YANGI IJTIMOIY-IQTISODIY TIZIMDA HUDUDIY IJTIMOIY- IQTISODIY TIZIMLAR BARQAROR RIVOJLANISHINING NAZARIY JIHATLARI**

**Annotatsiya.** Maqolada barqaror rivojlanish sohasidagi kategorik apparatlar va terminologik xususiyatlar o’rganilib, barqaror rivojlanishning asosiy xususiyatlari va uning turli darajadagi ijtimoiy-iqtisodiy tizimlar bilan bog’liq belgilari aniqlangan. Mintaqaviy darajada barqaror rivojlanishga erishishning nazariy asoslari har tomonlama o’rganilgan, "barqaror rivojlanish" atamasi mintaqaviy ijtimoiy-iqtisodiy tizim bilan bog’liq holda asoslangan.

**Kalit so’zlar.** barqarorlik, o’sish, rivojlanish, barqaror rivojlanish, mintaqaviy ijtimoiy-iqtisodiy tizimning barqaror rivojlanishi.

**Annotation.** The article examines the categorical apparatus and terminological features in the field of sustainable development, identifies the main features of sustainable development and its features associated with different levels of socio-economic systems. The theoretical foundations of achieving sustainable development at the regional level have been comprehensively studied, and the term “sustainable development” is based on the regional socio-economic system.

**Keywords.** stability, growth, development, sustainable development, sustainable development of the regional socio-economic system.

Jahon amaliyotida iqtisodiy tizimlarni umuman, xususan, mintaqaviy barqaror ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish modelini shakllantirish mamlakatlarning milliy iqtisodiy manfaatlarini amalga oshirishning strategik muhim yo’nalishi sifatida qaralmoqda. Bugungi kunga qadar bir qator davlatlar, shu jumladan, O’zbekiston

Respublikasi ham milliy iqtisodiyot darajasida, ham mahalliy darajada (tumanlar, shaharlar, qishloq aholi punktlari) barqaror rivojlanishga o'tish kontseptsiyalarini ishlab chiqdilar. Biroq, nazariy nuqtai nazardan, barqaror rivojlanishga erishish usullari va mexanizmlarini ilmiy asoslash masalalari yanada chuqur izlanishlarni talab qiladi.

Bizning fikrimizcha, barqarorlik tizimlarda sodir bo'layotgan o'zgarishlarning yo'qligini anglatmaydi. Rivojlanish barqaror deb hisoblanadi, agar u bir necha yillar davomida iqtisodiy tizim faoliyatining iqtisodiy samaradorligiga erishishni hisobga olgan holda amalga oshirilsa, uning sifatini oshirish va turmush darajasini oshirish, oldini olish uchun jamiyat ehtiyojlari bilan mutanosibligini ta'minlaydi. atrof-muhitning buzilishi va ekotizimni saqlab qolish.

Tahlil jarayonida barqaror rivojlanishning muhim xususiyatlari aniqlandi. Birinchidan, uning asosiy xususiyati - o'zaro bog'liq bo'lган uchta - iqtisodiy, ijtimoiy va ekologik sohalardagi miqdoriy va sifat o'zgarishlari.

SHu munosabat bilan barqarorlikning quyidagi turlari ajratiladi: iqtisodiy (innovatsion raqobatbardosh iqtisodiyotni shakllantirish maqsadida tabiiy resurs salohiyatini oqilona boshqarish va resurslarni tejaydigan texnologiyalardan foydalanish); ijtimoiy (inson salomatligini saqlash, barqaror ijtimoiy va madaniy tizimlar, aholi punktlarini ijtimoiy va muhandislik-transport infratuzilmasi ob'ektlari bilan har tomonlama yaxshilashni ta'minlash) va ekologik (tabiiy tizimlarning yaxlitligi, ularning o'z-o'zini davolash qobiliyati va dinamik moslashuvi).

Ikkinchidan, barqaror rivojlanishning markaziy g'oyasi keljak avlodlarga g'amxo'rlik qilish, shuningdek, tabiiy komponentlarning inson iqtisodiy faoliyatining antropogen ta'siriga bo'lган qobiliyatini hisobga olishdir.

Uchinchidan, barqaror rivojlanishni ta'minlashda e'tibor iqtisodiy, ijtimoiy va ekologik sohalarning barqaror muvofiqlashtirilgan faoliyatiga qaratiladi.

Bizning baholashimizga ko'ra, mintaqaviy ijtimoiy-iqtisodiy tizimning barqaror rivojlanishini uzoq muddatli istiqbolga yo'naltirilgan va tabiiy resurs potentsialidan oqilona foydalanishga asoslangan mintaqaviy tizimning muvozanatli dinamik ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishi deb hisoblash kerak. Ushbu yondashuv ijtimoiy-iqtisodiy tizimlar faoliyatining barqarorligiga erishishda vaqt omilini hisobga olgan holda, shuningdek, ekotizim va insonning antropogen faoliyati o'rtasidagi munosabatlarni o'rnatishda barqaror rivojlanishning umumiy qabul qilingan imperativlaridan kompleks foydalanishni ta'minlaydi.

SHunday qilib, mintaqaviy ijtimoiy-iqtisodiy tizimlarning barqaror rivojlanishi mintqaq iqtisodiyoti, tabiatni va aholisini bir-birini to'ldiruvchi, murosaga keltiruvchi, mutanosib rivojlanishi bilan ta'minlanadi. Bu, o'z navbatida, iqtisodiy mintaqaviy siyosatni qayta ko'rib chiqishni, mintaqalarni rivojlantirishni boshqarishning yangi shakllari va usullarini ishlab chiqishni taqozo etadi. Mintaqalarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini davlat tomonidan tartibga solish sohasidagi ustuvor yo'nalishlar innovatsiyalar va raqobatbardoshlikka erishish, atrof-muhitdagi inson antropogen faoliyatiga cheklovlar o'rnatish va hayotning munosib darjasini va sifatini ta'minlashni hisobga olgan holda shakllantirilishi kerak.

## Foydalaniłgan adabiyotlar:

1. Александров И. А., Половян А. В., Окуловская А. Дефиниция понятия «устойчивое развитие» // Научные труды ДонНТУ. Серия: Экономическая. 2008. Выпуск 33-2.
2. Барановский А. Г., Тренихин А. П. Устойчивость и устойчивое развитие предприятия // Экономика социум. 2013. № 2 (7).
3. Барлуков А. М. Устойчивое развитие региона с экологической регламентацией: мониторинг и перспективы: автореф. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05. Улан-Удэ: ФГБОУ ВПО Восточно-Сибирский гос. ун-т технологий и управления, 2013.
4. Васенко В. Е. Индикаторы и способы оценки и прогнозирования устойчивого развития системы региона (на материалах Краснодарского края): автореф. дис. ... канд. экон. наук: 08.00.05. Майкоп: ФГБОУ ВПО Адыгейский гос. ун-т, 2013.
5. Васильева Н. К. Методы оценки устойчивости производства в аграрном секторе экономики // Экономический вестник Ростовского гос. ун-та. 2005. № 4. С. 5–12.
6. Шакирова Ю.С. Анализ факторов влияющих на неформальную занятость в Узбекистане. //Экономика и бизнес, теория и практика, международный ежемесячный научный журнал, № 11-3 (57) ноябрь 2019 г.
7. Ашурев М.С., Шакирова Ю.С. Турдибеков О.И. Тенденции формирования многоукладной экономики в Узбекистане. //Бюллетень науки и практики. Т. 5. №12, 2019. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/4/35>

Narzullayev G. S.  
Buxoro davlat universiteti  
o'qituvchi,  
Nuriddinova G. B.  
Buxoro davlat universiteti  
talaba

## ZAMONAVIY BIZNES BOZORIDA IQTISODIY SHAROIT VA INNOVATSION TEXNOLOGIYALAR

*Annotation:* Ushbu maqola zamonaviy biznes bozorining muntazam ravishda iqtisodiy sharoitlarga ta'siri va uni aniqlash hamda shakllantirish, hukumat ta'sirini, xalqaro operatsiyalarni, taxminlarni hamda talab va taklifni o'rganish masalalari to'g'risida.

*Keywords:* Innovatsiya, muhandislik ta'limi, kombinatsiya, texnologiya, investitsiya, menejment, iqtisodiy bilim.

*Abstract:* The article describes the internal and external factors affecting modern business and their significance.

*Keywords:* Innovation, engineering education, combination, technology, investment, management, economics.

Mamlakatimiz prezidenti Sh.M. Mirziyoyev 2020-yil yanvar oyidagi Oliy Majlisga murojaatnomasida “...barchamiz jipslashib, tinimsiz o‘qib-o‘rgansak, ishimizni mukammal va unumli bajarsak, zamonaviy bilimlarni egallab, o‘zimizni ayamasdan oldinga intilsak, albatta, hayotimiz va jamiyatimiz o‘zgaradi. Xalqimizning fidokorona mehnati bilan 2019-yil“Faol investitsiyalar va ijtimoiy rivojlanish yili”da salmoqli natijalarga erishdik. Barcha sohalardagi ijobiy natijalar qatorida investitsiyalar hajmi ham sezilarli darajada oshdi.

Jahon bankining “Biznes yuritish” reytingida 7 pog‘ona ko‘tarilib, biznesni ro‘yxatga olish ko‘rsatkichi bo‘yicha dunyoning 190 ta davlati orasida 8-o‘rinni egalladik va eng yaxshi islohotchi davlatlar qatoridan joy oldik. Xususan, dunyodagi nufuzli nashrlardan biri – “Ekonomist” jurnali O‘zbekistonni 2019 yilda islohotlarni eng jadal amalga oshirgan davlat – “Yil mamlakati” deb e’tirof etdi. Bunday baho barchamizga cheksiz g‘urur, iftixor va kuch bag‘ishlaydi, yangi marralarga ruhlantiradi, desam, o‘ylaymanki, sizlar ham bu fikrni qo‘llab-quvvatlaysizlar. Albatta, raqamli iqtisodiyotni shakllantirish kerakli infratuzilma, ko‘p mablag‘ va mehnat resurslarini talab etishini juda yaxshi bilamiz. Biroq, qanchalik qiyin bo‘lmisin, bu ishga bugun kirishmasak, qachon kirishamiz?! Ertaga juda kech bo‘ladi. Shu bois, raqamli iqtisodiyotga faol o‘tish

– kelgusi 5 yildagi eng ustuvor vazifalarimizdan biri bo‘ladi.”, deya ustuvor vazifalarni amalga oshirishga qarata shunday dedi davlatimiz rahbari.[1,2b]

Iqtisodiyot zamonaviy yangi bilimlarning turli shakllari, xususan, texnologiya sanoat innovatsiyasi, raqobatbardoshlik va iqtisodiy o’sish zaminidagi hal qiluvchi omildir. Innovatsion jarayonlar turli xil tashkilotlar, masalan, tashkil etilgan firmalar, yangi tadbirkorlik firmalari, universitetlar va davlat idoralari uchun qiyinchilik va imkoniyatlarni keltirib chiqaradi. Shuning uchun sanoat, shuningdek, jamiyat uchun nafaqat ilmiy va muhandislik ta’limi olgan, balki innovatsion jarayonlar va uni moliyaviy jihatdan muvaffaqiyatli hal qilish usullari to‘g’risida to‘liq tushunchaga ega bo‘lgan menejerlar va xodimlar kerak. Biznesni boshqarish va iqtisodiyotning rivojlangan darajasi kombinatsiyasini o‘rganish va yosh kadrlarni tayyorlash bilan bir qatorda muhandislik bilimlaridan kelib chiqib kompaniyalar va jamiyatning boshqa sohalaridagi innovatsion jarayonlarni tahlil qilish, tushunish va mohirlik bilan boshqarish orqali jamiyat farovonligini ta’minlash hamda mamlakat iqtisodiy barqarorligini mustahkamlash mumkin. Bundan tashqari, rivojlangan mamlakatlardagi kompaniyalar raqobatbardosh bo‘lish uchun qanday qilib va nima uchun innovatsiyalarni amalga oshirayotganiga va kompaniyalar innovatsiyalarga qo‘ygan sarmoyalaridan moliyaviy daromadlarni qanday olishlariga e’tibor berish kerak.

Texnologiya, menejment va iqtisodiyotning kesishadigan joyida innovatsiyalar va yangilanishlarni mohirlik bilan tahlil qilishni va boshqarishni o‘rganish orqali quyidagilarga erishish mumkin:

➤ Innovatsiyalar texnik va ilmiy ma'lumotlar, bilimlar, bozor va iqtisodiy kuchlar bilan qanday aloqada bo‘lishini tahlil qilish va tushunish;

➤ Texnologik, iqtisodiy, tashkiliy va institutsional o‘zgarishlar bilan bog‘liq innovatsiyalar va yangilanish faoliyati bilan bog‘liq muammolarni aniqlash, shakllantirish va hal qilish;

➤ Zamonaviy tadqiqot va boshqaruv usullari va vositalarini qo'llash orqali innovatsiya va yangilanish strategiyalari va amaliy tatbiq etilishi va bajarilishi.

Zamonaviy iqtisodiyot asosan uchta alohida tarmoqdan iborat: birlamchi, ikkilamchi va uchinchi darajali.

✓ Birlamchi sektor yerdan xomashyo qazib olish bilan shug'ullanadi;

✓ Ikkilamchi sektor sanoatni xomashyo resurslarini mahsulotga aylantirish bilan shug'ullanadi;

✓ Uchinchi darajali sektor korxonalar va iste'molchilarga xizmat ko'rsatishda ishtirok etadi: bunga restoranlar, chakana savdo, savdo va transport kiradi

Har bir mamlakatning iqtisodiy faoliyati uchala sektorni ham qamrab oladi va geografiya, resurslar, ishchi kuchi, texnologiyalar, bozorlarga kirish va siyosatga bog'liq bo'lishi mumkin. Alohida iqtisodiy, ijtimoiy va siyosiy omillar har bir mamlakat ichidagi biznes bozorlarining turiga ta'sir qiladi va shakllantiradi.

Rivojlangan mamlakatlarda iqtisodiyot xizmat ko'rsatish sohalariga ixtisoslashgan, ishlab chiqarish va xomashyo qazib olish esa aksariyat hollarda rivojlanayotgan mamlakatlarga yo'naltirilgan.

Shu bilan birga, o'zgarishlarga innovatsiyalarni qo'llab-quvvatlaydigan texnologik tendentsiyalar va yutuqlar, yangi mahsulotni ishlab chiqarish va joriy etish uchun kapital mavjudligi, mavjud mahsulotlarni almashtirish, tadbirkorlik sub'ektlarini boshqarish, o'rta va yirik tashkilotlarda innovatsiyalarni boshqarish, yordam berish uchun mo'ljallangan tashkiliy tuzilmalar kiradi. Ko'plab rivojlanayotgan mamlakatlar uchun mahalliy texnologik ehtiyojlarni xalqaro texnologik imkoniyatlarga bog'lash alohida muammo hisoblanadi. Rivojlanishning dastlabki bosqichlaridagi mamlakatlarda nusxa ko'chirish texnologiyasining afzalliklari shundaki, ularning tadbirkorlari dunyo uchun yangi bo'lgan mahsulot va texnologiyalarni xavfli rivojlanishiga emas, balki chet el dizaynlarini bosqichma-bosqich takomillashtirishga e'tibor qaratishlari mumkin. Bu mahalliy bozor yoki mahalliy firma uchun yangi, ammo dunyo uchun yangi bo'lмаган innovatsion jarayondir.[2, 1 b]

Texnologik innovatsiyalar yuqorida tasvirlangan barcha masalalar bo'yicha muhim rol o'ynaydi. Texnologik innovatsiyalar barqaror rivojlanishga nisbatan ikki tomonlama qilich sifatida qaralishi mumkin. So'nggi asrda odamlar farovonligining yaxshilanishining aksariyat qismi sog'liqni saqlash va qishloq xo'jaligi kabi sohalardagi texnologik yangiliklar bilan bog'liq bo'lishi mumkinligi shubhasiz. Shu bilan birga, dunyodagi barqarorlikning ko'plab muhim muammolari texnologik rivojlanishning kutilmagan oqibatlari, ayniqsa, tabiiy resurslarni ishlab chiqarish va qazib olishni ko'paytirishga qaratilgan. Agarda kelajakda yangi g'oyalar va innovatsiyalar mavjud muammolarni hal qila olsa, jamiyatimiz salomatligi va turmush tarziga, iqtisodiyotimizga ham ulkan foyda va muvafaqqiyat keltirgan bo'ladi.

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Audri Pol Ndesaulva, Jaraji Kikula. Rivojlanayotgan mamlakatlarda texnologiya va innovatsiyalarning (texnovatsiya) ta'siri: Biznes va boshqaruv fanlari jurnali. № 1, 2016, 7-11 betlar.

2. Teylor Reynolds, "Iqtisodiy tiklanishda kommunikatsiya infratuzilmasi investitsiyalarining roli", 2009 yil, mart.

To'ychiyeva O.N.

*Far'ona politexnika institute*

*katta o'qituvchi*

**Abilxo'jayeva F. N.**

*Farg'ona politexnika institute*

*talaba*

## **RAQAMLI IQTISODIYOT KICHIK BIZNES VA TADBIRKORLIKNI RIVOJLANTIRISH VOSITASI**

**Annotatsiya:** Maqolada raqamli iqtisodiyot sharoitida kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirish xususiyatlari, global pandemiyaning ushbu sohaga ta'siri, pandemiya sharoitida kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirish yo'nalishlari yoritilgan, takliflar ishlab chiqilgan.

**Kalit so'zlar:** Raqamli iqtisodiyot, kichik biznes va tadbirkorlik, global pandemiya, aholi daromadlari,

**Abstract.** The article describes the features of small business and entrepreneurship development in the digital economy, the impact of the global pandemic on the industry, the development of small business and entrepreneurship in the pandemic environment, and develops proposals.

**Keywords.** Digital economy, small business and entrepreneurship, global pandemic, population income.

Kichik biznes va tadbirkorlikni rivojlantirish O'zbekistonda amalga oshirilayotgan iqtisodiy islohotlarning eng muhim yo'nalishlaridan biridir. Bandlik muammosini hal etish, bozorning mo'l-ko'lligini ta'minlash hamda iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshirishdagi imkoniyatlarini inobatga olib, mamlakatimizda kichik biznes va tadbirkorlikning rivojlanishiga alohida e'tibor berilmoqda.

Kichik tadbirkorlik mamlakat iqtisodiyotining rivojlanishiga sezilarli darajada ta'sir ko'rsata oladi. U iste'mol talabining o'zgarishlariga tez moslashadi, iqtisodiy vaziyatning tebranishlariga muvofiq tarzda o'z faoliyatini va ixtisosini tez hamda nisbatan asoratsiz o'zgartira oladi. Bundan tashqari kichik tadbirkorlik iqtisodiyotdagi tarkibiy o'zgarishlarni amalga oshirishni tezlashtiradi.

Alohida shaxs uchun esa kichik biznes bilan shug'ullanish band bo'lish va daromad olishga, ishi va shaxsiy hayotini yaxshiroq birlashtirishga, o'z qobiliyati va iste'dodini namoyon qilishga imkon yaratadi. [ 1 ]

Mamlakatimizda ham ushbu sohaga iqtisodiyotning asosiy tashkil etuvchisi sifatida qaralmoqda. Buning natijasida oxirgi yillarda kichik biznes va tadbirkorlik sohasida bir qator ijobjiy natijalarga erishildi. Xususan, 2021- yilning dastlabki choragida kichik tadbirkorlik subyektlarining YaIMdag'i ulushi 45,0 % ni tashkil etdi. Kichik tadbirkorlik subyektlarining soni har 1000 aholiga 16,1 birlikni tashkil qildi, 26,8 mingta yangi kichik korxona va mikrofirmalar tashkil qilindi, bu o'tgan yilning shu davriga nisbatan 15,0 foizga ko'p demakdir. O'rganilgan davrda kichik biznes

subyektlari mahsulot (ishlar va xizmatlar) eksporti hajmi 659,9 million AQSh dollarini yoki umumiy eksport hajmining 27,5 % ini tashkil etdi [2].

Lekin bugungi kunda yuzaga kelgan koronavirus pandemiyasining salbiy ta'siri kichik biznesni chetlab o`tayotgani yo`q. Tabiiyki, misqollab to`plangan obro` va uzoq muddatda erishilgan natijalarini bir kunda yo`qotilishining oldini olish zarur. Xo'sh, pandemianing iqtisodiyotga, xususan kichik biznes va tadbirkorlikning rivojiga ta'siri nimalarda namoyon bo'lishi mumkin?

Birinchidan, pandemiya davrida aholi daromadlarining keskin va to`satdan tushib ketishi natijasida kichik biznes sub'yektlari tomonidan yetkazib beriladigan tovar va xizmatlarga talabning pasayib ketishi sifatida namoyon bo`ladi. Ikkinchidan, virusning ta'siri moliya bozorlariga ham ta'sir ko`rsatmay qolmaydi. Ya'ni, noaniq holat va kelajakdagi risk darajasining oshib ketishi natijasida banklar tomonidan kreditlar berilishi nisbatan kamayadi. Bu esa katta va kichik firmalarning investitsion faoliyatiga salbiy ta'sir qiladi. Bu holat past darajada moslashuvchan bo`lgan kichik korxonalarga nisbatan jiddiyroq ta'sir qiladi. Boshqacha qilib aytganda, kichik biznes vakillari katta korxonalarga qaraganda manevr qilish uchun yetarlicha katta mablag`larga ega emasliklari, sug`urta va molialash xizmatlaridan foydalanish imkoniyatlari nisbatan cheklanganligi tufayli "ijtimoiy izolyasiyalish" holatlariga nisbatan ko`proq ta'sirchan bo`ladi. Odatta kichik biznes vakillari tashqi yetkazib beruvchilarga kamroq ehtiyoj sezadi. Ammo shunday korxonalar borki, ular ba'zi virus keng tarqalgan davlatlardan xom ashyo yoki texnologiyalar import qilishga ehtiyoj sezadi. Ana shu korxonalar pandemiya paytida ko`proq zarar ko`radi. Bundan tashqari, bu firmalar uchun aloqalar zanjiri uzilgan taqdirda ularning qayta tiklanishi juda qiyin kechadi.

**Uchinchidan, global darajada talabning** pasayishi ham kichik biznes vakillariga sezilarli ta'sir o`tkazishi mumkin. Masalan, turistlar oqimining kamayishi bu sohadan daromad ko`rvuchi tutash transport, moda, umumiy ovqatlanish va milliy hunarmandchilik kabi sohalarga ham jiddiy zarar yetkazadi. Ko`pchilik mamlakatlarida korxonalar soni, qo'shimcha qiyomatning yaratilishi va bandlikning asosiy ulushi kichik va o'rta biznes hissasiga to'g'ri kelishi sir emas. Biroq, chegaralarning yopilishi oqibatida ta'sir ko'rgan sayyoqlik va transport sohalari, shuningdek, vaqt omili muhim sanalgan moda sanoati va oziq-ovqat sohasida kichik biznesning ulushi juda yuqori.

Bundan tashqari ta'minot zanjirlari uzilishi natijasida ehtiyyot qismlar va oraliq iste'mol tovarlarining yetib kelishi cheklanishi hisoblanadi. Karantin sharoiti joriy etilgan joylarda esa ishlab chiqarish quvvatlarini yetarli darajada safarbar etish imkonini bo`lmaydi.

Shuningdek, pandemianing iqtisodiyotga ta'sirining yana bir ko`rinishi bu korxonalarda ishchi kuchi taklifining kamayib ketishidir. Ana shunday sharoitda raqamli iqtisodiyotning rivojlantirilishi yuzaga kelgan muammolarni hal etishdagi muhim omil hisoblanadi. Raqamli iqtisodiyot texnologik va biznes jarayonlari, ishlab chiqarish, logistika va tayyor mahsulotlarning savdosini raqamlashtirishni nazarda tutadi. Hozirgi kunda raqamli iqtisodiyot elektron tijorat va xizmatlar sohasi bilan cheklanib qolmay, balki hayotning har bir jabhasiga, xususan, sog'liqni saqlash, fantalim, qurilish, energetika, qishloq va suv xo'jaligi, transport, geologiya, kadastr,

arxiv, internet-banking va boshqa sohalarga jadal kirib bormoqda va ularning har birida o‘zining yuqori samaralarini bermoqda. Zamonaviy infratuzilmaga ega bo‘lgan “IT-park”lar ham fikrimiz dalilidir.

Raqamli iqtisodiyotni rivojlantirishdagi eng muhim jihat va bir vaqtning o‘zida eng murakkab bosqich – bu ishbilarmonlik muhitini soddalashtirish hamda odamlar va biznesning davlat bilan muloqotiga sarflanajak xarajatlarni maksimal qisqartirishdir.

Oxirgi yilarlda ushbu sohada Prezidentimizning ellikdan ortiq farmon va qarorlari qabul qilindi. Shular jumlasidan, kichik biznes va xususiy tadbirkorlik faoliyatini davlat ro`yxatidan o`tkazish, turli ruhsatnomalar olish va boshqa xizmatlar tartib qoidalari soddalashtirildi. Bu borada qulaylik yaratish uchun Davlat xizmatlri agentligi va uning joylardagi agentligi markazlari tashkil etildi. Tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo`yicha vakil “Biznes-ombudsman” lavozimi joriy qilindi.

Aholi va tadbirkorlik subyektlarining davlat organlari bilan kontaktsiz aloqa shakllarini yana-da rivojlantirish maqsadida Yagona interaktiv davlat xizmatlari portalining yangi versiyasi, Bosh vazirning tadbirkorlar murojaatlarini ko‘rib chiqish virtual qabulxonasi “business.gov.uz” portali ishga tushirilgani raqamli iqtisodiyot rivoji yo’lidagi muhim qadamdir.

Shuningdek, O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020 yil 28 apreldagi 4699 sonli “Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi qarori qabul qilinib, unda quyidagi vazifalar belgilandi:

- 2023-yilga kelib raqamli iqtisodiyotning mamlakat yalpi ichki mahsulotidagi ulushini 2 baravarga ko‘paytirishni nazarda tutgan holda, shu jumladan ishlab chiqarishni boshqarishda axborot tizimlari kompleksini joriy qilish, moliyaviy-xo‘jalik faoliyatda hisobot yuritishda dasturiy mahsulotlardan keng foydalanish, shuningdek, texnologik jarayonlarni avtomatlashtirish orqali uni jadal shakllantirish;

- 2022-yilga qadar elektron davlat xizmatlari ulushini 60 foizgacha yetkazishni nazarda tutgan holda davlat axborot tizimlari va resurslarini yaratish hamda integratsiya qilish, davlat ma’lumotlar bazalaridagi axborotlarni unifikatsiya qilish, shuningdek, davlat xizmatlarini ko‘rsatish tartibotlarini optimallashtirish va tartibga solish orqali elektron hukumat tizimini rivojlantirish;

- dasturiy mahsulotlarni ishlab chiqarish va texnologik maydonchalar yaratish orqali “raqamli tadbirkorlik”ni rivojlantirish, 2023-yilga kelib ushbu sohadagi xizmatlar hajmini 3 baravarga oshirish va ularning eksportini 100 million dollarga yetkazish.

Ushbu vazifalar tarkibida tadbirkorlikni rivojlantirishga alohida e’tibor qaratilganligi ham kichik biznesnini iqtisodiyotdagi o’rni naqadar muhim ekanligini anglatadi.

**Yuqoridagi tahlildan kelib chiqqan holda, O‘zbekiston sharoitida pandemiya oqibatlarini kichik biznesga ta’sirini kamaytirish bo‘yicha chora-tadbirlar tarkibiga quyidagilarni kiritish o‘rinlideb hisoblaymiz:**

- iqtisodiyotda kichik biznes sub’yektlari mahsulotlariga talabni yetarli darajada ushlab qolinishini ta’minlash maqsadida **kichik biznes ishchilarini moliyaviy qo’llab-quvvatlash** mexanizmlarini ishlab chiqish;

• transport va nooziq-ovqat tovarlar savdosi (ayniqsa, kompyuter va aloqa vositalari) sohalarini sanoat ishlab chiqarish va ta'mirlash sohalari kabi dezinfeksiya qoidalariga amal qilgan holda **faoliyatini qayta tiklashga imkon yaratib berish** choralarini ko'rish;

• banklar tomonidan **faoliyat yuritayotgan korxonalarga foizsiz yoki davlat kafolati ostida kreditlar** ajratish masalasini ko'rib chiqish (yangi tashkil etilayotgan korxonalar bundan mustasno);

• eksport qiluvchi kichik firmalar faoliyatini har tomonlama qo'llab-qo'vvatlash;

• **masofadan turib ishlash mumkin bo'lgan faoliyat turlarini** (biznes konsalting, bank va moliya, sug'urta, savdo) texnik va texnologik jihatdan qo'llab-qo'vvatlash va raqamli texnologiyalar, internet qamrovini kengaytirish chora-tadbirlarini ko'rish.

Xulosa qilish mumkinki, yuqorida bayon etilgan fikrlar va tavsiya qilingan takliflar kichik biznes va tadbirkorlikni yanada rivojlanishini ta;minlab beradi.

### Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2020yil 28 apreldagi 4699 - sonli "Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida"

2. O'zbekiston Respublikasida kichik tadbirkorlik. O'zbekiston Respublikasi Davlat solq qo'mitasi axborot –tahliliy byuleteni (2021-yil yanvar-mart)

Mirsodiqov A. T.

Farg'ona davlat universiteti  
doktorant

## QURILISH SANOATINI RIVOJLANTIRISHDA XORIJIY INVESTITSIYALARING O'RNI

*Annotation:* Ushbu maqolada xorijiy investitsiyalarning ahamiyati va ularni milliy iqtisodiyotni rivojlanirishdagi o'rni yoritilgan bo'lib, statistik ma'lumotlar asosida tahlil qilingan. Shuningdek, maqolada milliy iqtisodiyotga xorijiy investitsiyalarni jalb qilishda mavjud muammolar va ularni oldini olishni faollashtirishda qanday chora-tadbirlardan foydalanish kerakligi keng yoritilgan.

*Kalit so'zlar:* Investitsiya, xorijiy investitsiya, to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiya, portfel investitsiya, investor, kapital eksporti, ustav kapital, dividend, tadbirkorlik foydasi, eksport, import.

*Abstrakt:* This article discusses the importance of foreign investment and their role in the development of the national economy and analyzes it on the basis of statistics. The article also describes the existing problems in attracting foreign investment to the national economy and what measures should be taken to intensify their prevention.

*Key words:* Investment, foreign investment, foreign direct investment, portfolio investment, investor, capital export, charter capital, dividend, business profit, export,

*import.*

O'zbekiston davlat mustaqilligiga erishgan dastlabki yillardan boshlab milliy iqtisodiyotni rivojlantirishning o'ziga xos yo'nalishini belgilab oldi. U iqtisodiyotning rivojlanishi va barqarorligida investitsiyalarning beqiyos o'rinn tutishini o'z vaqtida to'g'ri anglab yetganligining natijasida investitsiyalarga, xususan, chet el investitsiyalariga bo'lgan e'tiborning kuchayishi yuz berdiki, bu esa bugungi kunga kelib mamlakatimizdagi investitsiya faoliyatining rivojlantirilishiga olib keldi. Bugungi kunda rivojlangan investitsion faoliyatning yo'lga qo'yilishini hukumatimizning yuritayotgan oqilona investitsiya siyosatining mahsuli ekanligini ta'kidlash lozim [1].

Milliy iqtisodiyotni rivojlantirishda xorijiy investitsiyalarning ahamiyati katta bo'lib, u quyidagilar bilan izohlanadi:

*birinchidan*, ishlab chiqarishga zamonaviy texnika va texnologiyalarni joriy etib, eksportga mo'ljallangan mahsulotlarni ishlab chiqarishni rivojlantiradi;

*ikkinchidan*, import o'rnini bosuvchi tovar ishlab chiqarishni yo'lga qo'yish va buning uchun xorijiy investitsiyalarni iqtisodiyotning ustivor sohalariga yo'naltirish va pirovardida aholining me'yordagi turmush darajasini ta'minlash imkonini yaratadi;

*uchinchidan*, kichik biznesni, xususiy tadbirkorlikni rivojlantirish va qishloq xo'jaligi ishlab chiqarishini jadallashtirish orqali o'sib borayotgan aholini ish joylari bilan ta'minlaydi;

*to'rtinchidan*, korxonalarning eskirgan ishlab chiqarish quvvatlarini, moddiy-texnik bazasini yangilaydi va texnik qayta qurollantiradi;

*beshinchidan*, tabiiy resurslarni qayta ishlovchi korxonalarni barpo etishga ko'maklashadi, davlat byudjetiga soliq tushumining kelib tushishi ko'payadi.

Xorijiy investitsiyalarning milliy iqtisodiyotga keng miqyosda jalb etish o'tish davrining strategik va joriy vazifalarini hal etish zaruriyati bilan bog'liq. Ushbu vazifalarni bajarish natijasida o'tgan yillarda investitsiyalarning o'sishi jadallahdi[2].

### 1-jadval

#### 2020 yilning yanvar-avgust oylarida hududlar kesimidagi qurilish ishlari

	Qurilish ishlari hajmi (mlrd. so'm)	O'sish sur'ati, % da	Umumiylajmdan yangi qurilish, rekonstruksiya (mlrd. so'm)
O'zbekiston Respublikasi*	55 502,1	106,5	39 261,5
Qoraqalpog'iston Respublikasi	2 552,7	96,5	1 537,4
viloyatlar:			
Andijon	2 803,7	101,8	1 867,0
Buxoro	3 489,4	102,9	1 924,5
Jizzax	1 955,7	100,4	1 579,2
Qashqadaryo	3 176,4	99,2	1 978,8

Navoiy	2 658,6	97,5	1 834,3
Namangan	2 761,6	111,7	2 078,3
Samarqand	3 692,5	104,7	2 471,4
Surxondaryo	3 002,6	104,1	2 273,7
Sirdaryo	1 362,7	96,2	631,0
Toshkent	3 855,8	99,8	2 399,0
Farg'ona	3 129,3	97,4	1 821,7
Xorazm	1 848,2	100,6	1 304,7
Toshkent sh.	11 603,4	100,8	7 951,0

Bino va inshootlarni qurish bo'yicha qurilish ishlari tarkibida yirik qurilish tashkilotlari tomonidan bajarilgan qurilish ishlari ulushi 26,2 % ni tashkil etib, 2019-yilning yanvar-avgust oylaridagi ko'rsatkichga nisbatan 6,2 % punktga ko'paydi.

Ushbu faoliyat turida kichik korxona va mikrofirmalar hissasiga to'g'ri kelgan ulush 2019- yilning yanvar-avgust oylaridagi ko'rsatkichga nisbatan 2,1 % punktga kamayib, 49,8 % ni tashkil etdi.

Norasmiy sektorning ulushi esa 2019-yilning yanvar-avgust oylaridagi ko'rsatkichga nisbatan 4,1 % punktga kamayib, 24,0 % ni tashkil etdi. 2020- yilning 1-sentabr holatiga ko'ra, qurilish sohasida korxona va tashkilotlar soni 39,5 mingtani tashkil etib, o'tgan yilning mos davriga nisbatan 4,2 mingtaga oshdi[3].

## 2-jadval

### Hududlar kesimida faoliyat yuritayotgan qurilish korxonalar soni

	Qurilish korxonalar soni	O'sish sur'ati, % da
O'zbekiston Respublikasi*	40950	102
Qoraqalpog'iston Respublikasi	2325	99
viloyatlar:		
Andijon	3071	102,9
Buxoro	2738	102
Jizzax	2027	103,7
Qashqadaryo	3289	99,8
Navoiy	1560	99,5
Namangan	2271	104,7
Samarqand	3079	109,1
Surxondaryo	2486	104
Sirdaryo	1481	92,7
Toshkent	3577	99,2

Farg'ona	3236	99,2
Xorazm	1903	101,6
Toshkent sh.	7907	103,8

Jami qurilish sohasidagi korxona va tashkilotlar soni ko‘payishining asosiy omili bu bino va inshootlar qurish ishlarining o‘tgan yilga nisbatan 106,6 % ga (jami qurilishdagi ulushi 58,0 %), fuqarolik obyektlarini qurish 121,6 % ga (jami qurilishdagi ulushi 9,5 %), ixtisoslashtirilgan qurilish ishlarining 119,4 % ga (jami qurilishdagi ulushi 32,5 %) o‘sishidir. Davlat statistika qo’mitasi ma’lumotlariga ko’ra 2021 yilning 1-yanvar holatiga respublikamizda jami 40950 ta qurilish korxonalari faoliyat ko’rsatmoqda. Bu o‘tgan yilning mos davriga nisbatan 4751 taga ko’p. 2020 yilda 6022 ta qurilish korxonalari yangi tashkil etilgan[4,5].

Hozirgi kunda O’zbekiston iqtisodiyotiga xorijiy investitsiyalar oqimining jadal sur’atlarda o’sishini quyidagi omillar belgilab bermoqda:

- 1) mamlakatdagi investitsiya muhitining barqarorligi;
- 2) valyuta kursini tartibga solishdagi ijobjiy o’zgarishlar;
- 3) mamlakatning soliq mexanizimini takomillashtirishning aniq yo’nalishlari belgilanganligi;
- 4) soliq qonunchiligidagi xorijiy investitsiyalarning faoliyatini tartibga soluvchi qaror va qonunlarning ishlab chiqilganligi;
- 5) jahon tovar bozorlaridagi eksportyorlar uchun qulay narx konyukturasining vujudga kelganligi.
- 6) Bugungi kunda respublikamiz iqtisodiyotining yetakchi tarmoqlari va sohalarida xorijiy investitsiyalar ishtirokida 4,2 mingdan ortiq korxona muvaffaqiyatli faoliyat yuritmoqda. Har yili 3 mlrd. AQSh dollaridan ko’proq, asosan to’g’ridan-to’g’ri xorijiy investitsiyalar o’zlashtirilmoqda, mamlakat iqtisodiyotiga kiritilayotgan investitsiya umumiy hajmining 26,6 foizdan ko’prog’i ularning hissasiga to’g’ri keladi. Bu esa xorijiy investorlarning respublika iqtisodiyoti barqarorligi, uni rivojlantirish istiqbollariga qiziqishi hamda ishonchi ortib borayotganligidan yaqqol dalolat beradi.

### **Foydalilanigan adabiyotlar:**

1. G’ozibekov D. G’. Investitsiyalarni moliyalashtirish masalalari. - T.: “Moliya”.2003y. 45-bet.
2. Qo’ziyeva N.R. Xorijiy investitsiya ishtirokidagi korxonalar faoliyatini rag’batlantirishning moliya-kredit mexanizmini takomillashtirish yo’nalishlari. Iqt. fan. dok. ilm. dar. olish uchun yoz. diss. avtoref. - T.: BMA, 2008 y, 11-bet.
3. FozilchayevSh.Q., XidirovN.G’. Investitsiya va lizing asoslari. O’quv qo’llanma. - T.: Moliya, 2017 yil, 22 bet.
4. [www.stat.uz](http://www.stat.uz) (O’zbekiston Respublikasi Davlat Statistika qo’mitasi rasmiy veb sayti).
5. O’zbekiston Respublikasi Iqtisodiyot Vazirligi ma’lumotlari asosida tayyorlangan: [www.mineconomy.uz](http://www.mineconomy.uz)

**Margianti E. S.**

*Gunadarma University, Indonesia*

*Professor of Economics*

**Abdullayev A.M.**

*Fergana polytechnic institute*

*Docent*

## **FOREIGN EXPERIENCE OF STATE SUPPORT FOR SMALL BUSINESS DEVELOPMENT**

**Abstract:** *The paper studies the foreign practice of organization of state support for small business development. On the example of a number of countries the main instruments used by the state for the development of small business are reflected. On the basis of the study the general features of foreign mechanisms of state support are formulated.*

**Keywords:** *small business, government support, foreign experience, entrepreneurship.*

**Аннотация:** В статье исследуется зарубежная практика организации государственной поддержки развития малого предпринимательства. На примере ряда стран отражены основные инструменты, используемые государством для развития малого бизнеса. На основе исследования сформулированы общие черты зарубежных механизмов государственной поддержки.

**Ключевые слова:** *малый бизнес, государственная поддержка, зарубежный опыт, предпринимательство.*

Under conditions of effective and balanced state support, small business enterprises have the best possibilities to adapt during crisis phenomena. Since small enterprises quickly enough occupy the spheres of activity in which big business is not interested, the functioning of the state economy depends on their development, it helps to overcome stagnation phenomena in the economic system of the country. To expand the sector of small business enterprises and their sustainable development it is very important to analyze the world experience of small business activity. Foreign experience convincingly testifies that small business enterprises develop rapidly, operate stably and efficiently in the developed countries of the world due to active state support at all levels of government. The state, in its turn, gets the growth of production volumes, reduction of tension in the labor market, balancing of different sectors of economy, cooperation of big and small business, forming of middle class of entrepreneurs, solving of social problems, increasing of competitiveness of national goods, increasing of revenues to the budgets of all levels at the expense of taxes. Therefore, small business is the basis for the stable development of the economy of any country. In France, the main influence on the development and stimulation of small business by the state authorities is concentrated on the improvement of managerial staff of small firms and the creation of legislative guarantees to prevent them from bankruptcy. In Spain, the government provides financial assistance to small businesses

in case of shortage of its own funds. Developing Asian countries (Taiwan, Singapore, and Indonesia) made an economic breakthrough precisely at the expense of the rapid development of small businesses [1, p.2].

Singapore ranks 5th in the world in the development of small businesses due to the provision of tax benefits (especially in the early years of establishment of the enterprise), the constant reduction of interest on loans provided to small businesses, a large number of preferential lending programs, government funding for training and skills development of workers engaged in small businesses. Thanks to such support in Singapore there are about 140 thousand small and medium-sized enterprises, which is 90% of all companies in the country, which provide GDP growth of 5-6% per year [2, p.3].

Small business in China is developing very rapidly and successfully, as evidenced by the significant volume of low-cost goods produced by small businesses. The Chinese government has decided to reorient the country's economy from resource-intensive industries to small businesses, and also supports the development of enterprises in software development and the production of electrical goods. Small business development in China is regulated by the National Development and Reform Commission, which decides to stimulate the creation and development of certain types of small businesses, oversees tender auctions, which enable small businesses to receive government orders for the supply of goods and services [3, p.2].

It should be noted that there are 3 million small businesses in India, which employ up to 80% of the employees of the entire Indian industry. The main spheres of activity of small enterprises are farming, information and technological spheres. Government support plays an important role in the development of small businesses, and is provided at the federal and regional levels, and programs to support small businesses are developed for 5-10 years by the Planning Commission of India. The state support of small enterprises in India consists in development of export activity of small companies, granting tax and customs privileges, subsidies, reduction of rent rates and preferential financing [4, p.1].

In Japan, the share of small businesses is about 40%, which operate in the sectors of construction, light industry, and services. The benefits for small business development depend on the status of the enterprise and the type of activity. State support for small business consists of state subsidies and loans for enterprise development, and the state acts as a guarantor when obtaining a loan from a bank. Japanese legislation strictly regulates the market value of all types of products, the government controls unreasonable price increases for raw materials, finished products and services, which promotes small business development in the country.

The peculiarity of state regulation of small business in Japan is manifested in the temporary nature of support for the development of certain branches or spheres of activity, which are of great importance for the development of the country or are in unfavorable economic conditions. Small enterprises are assisted in obtaining state orders for the supply of goods and services, whose share in the volume of state orders is 45%, and in the volume of other enterprises and organizations - 32%.

In Japan, the main attention of the state is paid to the development of entrepreneurial structures, the activities of which have a research nature, and the products are knowledge-intensive, competitive in world markets. An important issue of state influence on entrepreneurial activity is the provision of financial resources. The state pays special attention to the development and production of resource-saving technologies. Accordingly economic methods of assistance are applied, including privileges in taxation of entrepreneurial activity, preferential credits are provided; the system of assistance to development of priority directions of entrepreneurship is formed [5, p.2].

Priority areas of entrepreneurship [5, p.3]. Japan has created a climate most favorable to small business. The state support of small and medium-sized business in Japan is aimed at strengthening the weak economic places of such enterprises. On the basis of the law "On the basis of the policy of small and medium-sized enterprises". (1963), the country established a coherent system of legislation to provide comprehensive support for small businesses. Among the many laws aimed at supporting business in Japan, we should highlight the laws "On the Promotion of Modernization of Small and Medium-Sized Enterprises", "On the Organization of Cooperatives of Small and Medium-Sized Enterprises", "On the Management of Small and Medium-Sized Enterprises". As a mechanism for implementing these laws, the government has set up a special body, the Advisory Council.

The state applies rather transparent forms of support, which stimulate the effective development of small business [6, p.3]. For example, a special procedure is established for financing small forms of economic activity. These enterprises are credited not only by regular commercial banks, but also by specially created state and private financial institutions. The national budget of Japan provides funds to support small businesses in the form of subsidies. They are distributed and monitored by the offices of small and medium-sized enterprises under the Ministry of Foreign Trade and Industry and the financial support fund.

Based on the existing business support legislation in Japan, three public financial funds have been established to provide financial support to small businesses: the Central Cooperative Bank for Trade and Industry, the People's Finance Corporation, and the State Small Business Finance Corporation [7, p.3]. A significant contribution to the financing of small and medium-sized businesses has been made by state and local governments of Japan, associations that perform the function of guaranteeing loans to small and medium-sized businesses. The State Corporation for Credit Insurance and Small Business Financing, joint-stock companies for investment and development of small and medium-sized firms also have similar objectives. Such state custodial measures provide real support to small businesses that are not yet in a position to provide the funds they receive with personal property [8, p.2]. The analysis of mechanisms of support of small business in Japan testifies that the more considerable is the role of small business in economic life, the more various are the forms of its support [9, p.2]. Thus, the study of foreign mechanisms of state support allows us to reveal common features. They, in our opinion, include:

- rational distribution of functions between central, regional and local bodies of state power on the issues of small business support;
- formation and implementation of a comprehensive system of state and regional support programs;
- Allocations from the budgets of different levels for the implementation of programs to help small businesses;
- a combination of direct and indirect measures to support small businesses.

Thus, an analysis of global experience in the development and state support of small businesses shows that for the effective operation of all sectors of the economy it is essential to form a coherent system of state support for small business development, create a high-quality legal framework and eliminate the mismatch between national quantitative criteria for defining small business entities and the indicators used by developed countries.

## **References:**

1. Fink, T.A. Small and medium business: foreign experience of development / T.A. Fink. - Text: direct // Young Scientist. - – № 4 (39). - – p. 177-181.
2. Aigumov A.D., Sultanov G.S., Sultanov M.R. Foreign practice of state support for the development of small businesses // Regional problems of economic transformation. 2018. № 8 (94). –p. 65-71.
3. Kurnavkina N.A., Filippova I.A. Features of small business development in China // Bulletin of Ulyanovsk State Technical University. 2018. № 4 (60). - – p. 64-66.
4. Ivanov A.K. Foreign experience of state support for small business // Economics and Management. 2018. № 3 (77). – p. 129-131.
5. Stavropolsky Y.V. State support for regional small business in Japan // Modern socio-economic and legal foundations of state regulation of regional economy. Collection of scientific articles. Chuvashia State Pedagogical University. I. Yakovlev. 2019. - p. 227-232.
6. Chuvaeva A.I. Features of the system of small business support in Japan // Science today: challenges, prospects and opportunities. Materials of the international scientific-practical conference. In 2 parts. 2019. - – C. 66-67.
7. Ilyosov, A. (2020). Some problems in digital production and export of industrial products in the digital economy. Economics and finance, (3), 175.
8. Ilyosov, A. A. (2020). Analysis of the structure of export of industrial products and changes in trends in the export process of the fergana region. Государственное регулирование социально-экономических процессов в условиях глобального кризиса (pp. 4-10).
9. Kurpayanidi, K., Abdullaev, A., Ashurov, M., Tukhtasinova, M., & Shakirova, Y. (2020). The issue of a competitive national innovative system formation in Uzbekistan. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 159, p. 04024). EDP Sciences.

**Тарахтиева Г. К.**

*Ташкентский государственный технический университет*

## **ЭКОНОМИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ КЛАСТЕРОВ В СОВРЕМЕННОЙ ЭКОНОМИКЕ**

**Аннотация:** Кластерный подход, являясь новой технологией повышения конкурентоспособности, преследует ряд целей: повышение жизненного уровня населения, усиление конкурентоспособности бизнеса, находящегося на территории региона, поддержание эффективного бизнес-климата, который увеличивает конкурентные преимущества бизнеса и переход к комплексному использованию потенциала развития территории государства.

В данной статье дается определения кластера, данные разными учеными-экономистами, а также дан анализ кластеров как нового уникального фактора повышения конкурентоспособности в современной экономике.

**Ключевые слова:** кластер, повышение конкурентоспособности, кластеризация, кластерный подход, кластерное развитие, конкурентоспособность предприятий

**Annotation:** The cluster approach, being a new technology for increasing competitiveness, pursues a number of goals: improving the living standards of the population, strengthening the competitiveness of businesses located in the region, maintaining an effective business climate that increases the competitive advantages of business and the transition to an integrated use of the development potential of the territory the state.

This article gives definitions of a cluster, given by various economists, and also analyzes clusters as a new unique factor in increasing competitiveness in the modern economy.

**Key words:** cluster, increasing competitiveness, clustering, cluster approach, cluster development, competitiveness of enterprises

Формирование и развитие кластера в экономике страны - действенный механизм для ускорения темпов роста ВВП, повышение эффективности производства, внешнеэкономической интеграции и привлечения инвестиций. Включение национального кластера в глобальную цепочку повысит качество и скорость экономического роста за счёт повышения уровня национальной технологической базы и обеспечения международной конкурентоспособности кластера.

В зарубежной экономической литературе существует множество подходов к понятию «кластер». В частности, британский экономист А. Маршалл целий раздел в книге «Принципы экономической науки» посвятил идеи создания кластера в экономическом развитии, основываясь на 3-х основополагающих принципах:

- доступный основополагающий труд;
- поддерживающие и вспомогательные отрасли;

- специализация фирм на разных стадиях производственного процесса.

В дальнейшем Майклом Портером было проведено исследование природы и роли кластера в развитии экономики государства. «Кластер — это сконцентрированные по географическому признаку группы взаимосвязанных компаний, специализированных поставщиков, поставщиков услуг, фирм в соответствующих отраслях, а также связанных с их деятельностью организаций (например, университетов, агентств по стандартизации, а также торговых объединений) в определенных областях, конкурирующих, но вместе с тем и ведущих совместную работу» [2, с-6].

Также исследование кластерного подхода проводилось в работах российских экономистов Левченко Т.А. и Тунгусова Е.В. Они выделили два принципа географический и отраслевой, являющимися ключевыми признаками кластера.

Исследования по развитию кластера в Узбекистане проводил ученый А.Ф. Расулов. В своей статье «Развитие хлопкового кластера - важное направление кластерной экономической политики в Узбекистане» было предложено создание национального хлопкового кластера, который является стратегической находкой для страны, и он научно и практически обосновал его [3].

Кластеры имеют следующие характерные признаки:

- географическая близость;
- технологии одной отрасли;
- однотипная сырьевой базы;
- присутствие инноваций.

Кластерное развитие – это средство бизнеса, которое устанавливает определённые правила через нормативно-правовые акты, взаимоотношения, банки и т.п. Поэтому «кластер, существующих в рамках данных правил, — это ни что иное, как особым образом организованное пространство, которое позволяет успешно развиваться крупным фирмам, малым предприятиям, поставщикам (оборудования, комплектующих, специализированных услуг), объектам инфраструктуры, научно-исследовательским центрам, вузам и другим организациям» [2, с-8]. При этом важно, что в кластере достигается синергетический эффект, поскольку предприятия, ранее конкурирующие, становятся партнёрами на взаимовыгодных условиях.

Кластеры определяются как группа участников рынка, которым выгодно объединиться с целью эффективного использования ресурсов в предпринимательской деятельности. Используя специализацию и дополняя друг друга, они получают возможность достичь более высоких результатов хозяйствования.

В пределах кластера объединяются производственный бизнес, инвестиционная и инновационная деятельность, что даёт преимущества в конкурентной борьбе, перераспределению рисков и т.п. Кластеризация предприятий ведёт к росту деловой активности, улучшает инвестиционный климат данного региона и страны в целом.

Кластер может содержать любое количество малых, средних и крупных предприятий. Понимая возможности взаимовыгодного сотрудничества и общей экономической выгоды, меняется психология предпринимательства, что является главнейшей задачей внедрения кластерной модели.

Для формирования кластеров необходимы следующие характеристики:

- Существование конкурентоспособных предприятий.

Ключевым фактором для развития кластера является наличие конкурентоспособных предприятий. Индикатор - высокий уровень производительности предприятий кластера; большой уровень экспорта; высокие экономические показатели деятельности предприятий.

- Присутствие конкурентных преимуществ для развития кластера.

Удобный доступ к сырью; наличие трудовых ресурсов, удобное географическое положение, учебные заведения и организации, занимающиеся научно-исследовательскими и опытно-конструкторскими работами. Индикатор - высокий уровень привлеченных иностранных инвестиций

- Географическая концентрация и близость.

Основные предприятия - участники кластеров находятся в географической близости, имея возможности постоянного взаимодействия. Индикатор - уровень специализации данного региона.

- Широкий набор участников и наличие «критической массы».

Предприятия, выпускающие продукцию и услуги, системы поставщиков комплектующих, оборудования, специализированных услуг, а также профессиональных образовательных учреждений, НИИ и других поддерживающих организаций. Индикатор - показатели уровня занятости на предприятиях, количество компаний кластера.

- необходимость существования взаимовыгодных связей между участниками кластеров.

Важным фактором развития кластера является наличие рабочих связей и координации усилий между участниками кластера.

В заключении хотелось отметить следующее. Мировая практика показывает, что в настоящее время промышленный и экономический прогресс могут обеспечить не разрозненные предприятия, а группы предприятий, объединённых в единую сеть – кластер. Кластеризация – это политика государства, применяемая для повышения конкурентоспособности экономики и представляет собой комплекс организационно-экономических мероприятий для объединения предприятий в кластеры. Так как кластерный подход является не только средством повышения рентабельности предприятий кластера, но и мощным орудием стимулирования развития региона.

### **Использованная литература:**

1. Бахшян Э.А. — Кластеры в современной экономике: сущность, характерные черты и генерируемые эффекты // Теоретическая и прикладная экономика. –

2019. – № 1. – С. 64 - 74. DOI: 10.25136/2409-8647.2019.1.28209 URL:  
[https://nbpublish.com/library\\_read\\_article.php?id=28209](https://nbpublish.com/library_read_article.php?id=28209)

2. Развитие кластеров : сущность, актуальные подходы, зарубежный опыт / авт.-сост. С.Ф. Пятинкин, Т.П. Быкова. Минск : Тесей, 2008. —72 с.

3. Расулов А. Развитие хлопкового кластера - важное направление кластерной экономической политики в Узбекистане // Общество и экономика. -М : Наука. - 2005. - -87-8. - С.338-350.

**Ашурев М. С.**

*Фарғона политехника институти*

*и.ф.н., доцент*

**Закирова Ш.**

*магистрант*

## **ЯНГИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМДА ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИНИНГ АҲАМИЯТИ**

**Аннотация.** Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси кўрсатиб турибдики, кичик ва ўрта бизнес иқтисодиётда жуда муҳим рол ўйнайди, уларнинг ривожланиши иқтисодий ўсишига таъсир қиласди. Кичик бизнеснинг ўз-ўзини ривожлантириши механизмлари ва унинг миллий иқтисодий ривожланишини таъминлашдаги ўрнини яхшилашда давлатнинг қўллаб - қувватлови долзарб аҳамият касб этади.

**Калим сўзлар.** кичик ва ўрта бизнес, ривожлантириши, ривожланган мамлакатлар, қўллаб – қувватлаш.

Хозирги вақтда давом этаётган парадигматик силжишлар, дунё тараққиётининг ўзгариши туфайли жамият ривожланишидаги ижтимоий омилнинг аҳамияти сезиларли даражада ошмоқда, бунда кичик бизнес муҳим рол ўйнайди. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар бугунги кунда ижтимоий давлатчиликни шакллантиришга катта аҳамият бериб, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти моделини жаҳон тараққиётининг келгусидаги истиқболи сифатида танлайдилар.

Айни пайтда, бу каби иқтисодий тартибни яратиш жараёнида ижтимоий мақсадларга хизмат қиласидиган бозорни шакллантириш, фуқаролар ташаббускорлигини оширишнинг энг самарали шакли бўлиб, айнан кичик бизнес асосий рол ўйнайди.

Кичик бизнесни ривожлантириш муаммосининг кенг ривожланишига қарамай, унинг энг муҳим жиҳатлари - кичик бизнеснинг ўз-ўзини ривожлантириш механизмлари ва унинг миллий иқтисодий ривожланишини таъминлашдаги ўрнини яхшилашда давлатнинг қўллаб - қувватлови долзарб аҳамият касб этади.

Ўтган йиллар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес аҳолининг кенг қатламларини бозор иқтисодиёти асосларига мослашиши билан боғлиқ ўзига хос юкни ўз зиммасига ола олиш, жамиятнинг янги ўрта қатламини шакллантириш, иқтисодиётнинг бир қатор тармоқларини монополиядан чиқариш, бошланғич капитални тўплаш, иқтисодиётни қайта тузиш, ижтимоий зиддиятларни юмшатиш, товарлар ва хизматлар яратиш, иш жойлари яратиш, давлатга солиқлар етказиб бериш, аҳолининг айрим қатламлари ва мамлакатнинг бутун минтақаларини ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришда муҳим рол ўйнай олар экан.

Ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ҳозирги кунда иқтисодиётнинг барқарор ривожланишига асос бўлиб хизмат қиласидан ўрта синфни ифодалайди. Уларда кичик корхоналар умумий корхоналарнинг 95 фоизидан қўпроғини ташкил этади. Уларнинг фаолияти анъанавий соҳалар ҳисобланган ёрдамчи, майда серияли ишлаб чиқариш, кичик улгуржи ва чакана савдо, майший ва ишлаб чиқариш хизматларининг асосий қисмига хизмат қилишдан иборат.

Европада 23 миллиондан ортиқ кичик ва ўрта корхоналар мавжуд бўлиб, кичик бизнесда иш билан банд бўлганлар сони қарийб 70 фоизни ташкил этади, бу умумий товар айланмасининг 57 фоизини ва қўшимча қиймат яратишнинг 53 фоизини ташкил этади.

Европа Иттифоқига кирмайдиган мамлакатларда - Канада, Австралия, Янги Зеландия, Осиё (Япониядан ташқари), Яқин Шарқ ва Африкада тахминан 5 миллион фирма, Хитойда 4,3 миллиондан ортиқ кичик ва ўрта корхоналар ва 27,9 миллион якка тартибдаги корхоналар шаҳар аҳолисининг 75 фоизидан ортигини иш билан таъминлайди. Бу мамлакатдаги корхоналар умумий сонининг 99 фоизини ташкил этади, ЯИМнинг деярли 60 фоизига тўғри келади [1].

Юқоридаги маълумотлар кичик корхоналарнинг ҳар бир мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётидаги асосий ролини кўрсатади, кўплаб корхоналарнинг аксарият қисми кичик корхоналар секторида фаолият олиб боради, унда иқтисодий фаол аҳолининг катта қисми тўпланган ва ЯИМнинг тахминан ярми ишлаб чиқарилади. Шундай қилиб, АҚШ, Япония, Германия каби мамлакатларнинг кичик кўламли секторидаги корхоналар улуши уларнинг умумий сонининг 99 фоизидан ошади [2].

Ривожланган мамлакатларда бу қадар юқори натижаларга эришишда ушбу мамлакатлар хукуматининг кичик бизнесни қўллаб – қувватлаш борасида самарали тизим ишлаб чиқилиб, йўлга қўйилганлиги билан изоҳланади.

Ушбу мамлакатларда кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солиш қонунчилик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга молиявий, технологик, ахборот ва кадрлар ёрдами бўйича мақсадли дастурларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш орқали амалга оширилади. Кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш учун янги ҳукуқий моделлар ишлаб чиқилади, бу бизнес муносабатларига кирувчи турли мамлакатларнинг кичик корхоналарига турли давлатлар ҳукуқий тизимлари ўртасидаги келишмовчиликларни самарали ҳал қилишга имкон беради.

Ривожланган мамлакатлар кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш сиёсатининг асосий мақсади давлат ва бизнес манфаатларини мувозанатлаштириш, тадбиркорлик фаолияти учун мақбул шароитларни таъминлаш ва кичик бизнеснинг рақобатбардошлигини оширишдир.

Шу нуқтаи назардан уларда тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тегишли қонунчиликка асосланади. Давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг икки шакли кенг тарқалган:

- кичик бизнесни ривожлантиришнинг узок муддатли дастурларини қонунчилик асосида белгилаш;
- кичик бизнесни давлат иқтисодий ва ижтимоий дастурларининг ажралмас қисми сифатида киритиш.

Кўшма Штатларда кичик бизнес институционал равишда ташкил этилган ва Конгресснинг маҳсус қўмиталари, Кичик бизнес маъмурияти, минтақавий бирлашмалар тизими ва кичик бизнес инкубаторлари орқали ҳукумат тузилмаларига бирлаштирилган.

Буюк Британияда қонун асосида бир қатор дастурлар, хусусан, кичик бизнесни солиқли қўллаб-қувватлашга қаратилган чора-тадбирларни назарда тутадиган Бизнесни кенгайтириш дастури ва кичик бизнес учун банк кредитларидан фойдаланишни осонлаштирадиган Кафолатланган Лойиҳа дастури қабул қилинган [3].

Японияда давлатнинг тартибга солувчи роли кичик ва ўрта бизнесга нисбатан сиёсат асослари, уларни модернизациялашга қўмаклашиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисидаги қонунларда жумладан, Савдо ва саноат учун Марказий кооператив банк ва бошқа бир қатор қонунларда акс эттирилган.

Хитойда ҳам ижтимоий ва иқтисодий ривожланишига қаратилган 2003 йилда қабул қилинган дастур мавжуд. Хитой иқтисодиётини ривожлантириш дастурларида давлатнинг иқтисодий ўсиши ва миллий иқтисодиётни мамлакат иқтисодиётини йириқ, кичик ва ўрта бизнес томонидан умумий ривожланиши орқали такомиллаштириш қўзда тутилган. Ҳукумат 2020-2050 йилларда Хитой иқтисодиётини яхшилашга қаратилган дастурларни тасдиқлади.

Шунга қарамай, Хитойда кичик бизнес ҳали ҳам давлатни қўшимча қўллаб-қувватлашга, инвестицияларни жалб қилишга ва бизнесни ривожлантириш учун кредит дастурларини кенгайтиришга муҳтоҷ. Буни англаган Хитой ҳукумати турли хил йўллар билан кичик бизнеснинг иқтисодий ўсишига қўмаклашиш, масалан, иқтисодиётни тартибга солиш ва кичик бизнес субъектларига солиқ солишга қаратилган қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштиришга ҳаракат қилмоқда [4].

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, ривожланган мамлакатларда кичик бизнес жадал суръатларда ривожланмоқда, чунки миллий ҳокимият органлари кичик бизнесга катта аҳамият беради ва уларни федерал даражада қўллаб-қувватлайди.

Бизда ҳам кичик бизнесни қўллаб – қувватлашга қаратилган ишлар олиб борилмоқда, унинг ортидан сезиларли натижаларга эришилмоқда, бироқ улар ҳали ҳам кичик бизнесни қабул қилинган қонунлар ва унинг ижроси ва ҳимояси остида, эркин ва мустакил тараққий этиши, ҳокимият, ИИБ, прокуратура ва х.к.

ташкилот вакилларининг маъмурий тўсиқларисиз, коррупциясиз, мулкий ҳукуқ дахлдорсизлигига эришган ҳолда фаолият олиб бориши учун етарли даражада имкон бермаяпти.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам юқоридаги мамлакатлар каби нафақат кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш, балки уларни узоқ муддатли ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ҳамда бунинг учун мўлжалланган маҳсус муассасалар ташкил этиш, кичик бизнесни ривожлантиришни рағбатлантириш учун янги ҳукуқий моделларини ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини амалда таъминлашга эришиш мақсадга мувофиқ бўлади.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Курпаяниди К. И., Ашурев М. С. Ўзбекистонда тадбиркорлик муҳитининг замонавий ҳолати ва уни самарали ривожлантириш муаммоларини баҳолаш. GlobeEdit Academic Publishing, European Union, 2019.
2. <http://www.bmwi.de>
3. <http://www.sba.ov>
4. Курпаяниди К. И., Ашурев М. С. Муваффақиятли бизнес юритиш учун тадбиркорлик муҳитининг замонавий ҳолати ва уни самарали назорат қилиш муаммоларини баҳолаш (ўзбекистон республикаси материаллари асосида) // Иқтисод ва молия / Экономика и финансы, 2018, №12 (120). 17-24 б.

**Усмонов А. А.**

*Фарғона политехника институти  
доцент*

**Рахмоназаров П. Й.**

*Фарғона политехника институти  
Катта ўқитувчи*

## **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭКОЛОГИК ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг экологик сиёсати ва экологик хавфсизликни таъминлаш стратегияси ёритилган. Шу билан биргаликда мамлакатимиздаги юқори хавф туздирувчи экологик муаммолар аниқланган ва уларнинг бартараф этиши бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Калим сўзлар:** экологик хавфсизлик, экологик сиёсат, стратегия, “яшил иқтисодиёт”, озиқ-овқат хавфсизлиги.

**Abstrakt.** This article describes the environmental policy and strategy of environmental safety of the Republic of Uzbekistan. At the same time, high-risk environmental problems have been identified in the country and proposals for their solution have been developed.

**Key words:** environmental safety, environmental policy, strategy, "green economy", food security.

Ўзбекистон Республикасининг экологик хавфсизлиги сиёсати Конституцияга, қонунчиликка, Ўзбекистон Республикасининг Миллий хавфсизлик концепциясига, атроф-муҳит ва барқарор ривожланиш тўғрисидаги Рио-де-Жанейро ва Ёханнесбург декларациялари принципларига асосланади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида 30 дан ортиқ қонунчилик ва 100 га яқин қонуности ҳужжатлар мавжуддир.

Ўзбекистоннинг экологик қонунчилиги атроф-муҳитни муҳофаза қилишининг кўплаб масалаларини қамраб олади. Улар орасида давлат органлари тизими, улар орасидаги функциялар ва ваколатларни тақсимлаш ҳамда биологик хилма-хилликни сақлаш ва ахборот олиш имкониятини таъминлаш, иқтисодий механизмлардан фойдаланиш ва бошқа кўплаб масалалар мавжуд. Одатда экологик бўлмаган қонун ҳужжатларининг аксариятида фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ва экологик демократияни ривожлантирадиган нормалар киритилган.

Ўзбекистоннинг "яшил" иқтисодиётга ўтиш стратегияси қайта тикланадиган манбалар улушини кўпайтиришни, аҳолининг 100 фоизини арzon энергия таъминотидан фойдаланишини, електр транспортини ривожлантиришни ва чиқиндиларни қайта ишлашнинг самарали тизимини яратишни ўз ичига олади. «Иқтисодиётнинг энергия самарадорлигининг паст даражаси, табиий ресурслардан оқилона истеъмол қилинмаслиги, технологиянинг суст янгиланиши, кичик бизнесни яшил иқтисодиётни ривожлантириш бўйича инновацион ечимларни амалга ошириш ҳисобланади”[1].

Стратегияни амалга оширишнинг мақсадли кўрсаткичлари қаторида ялпи ички маҳсулотнинг бирлигига нисбатан атмосферага чиқариладиган заарли газларни 2010 йилдагига нисбатан 10 фоизга камайтириш, қайта тикланадиган энергия манбаларининг улушини электр энергияси ишлаб чиқаришнинг 25 фоизидан кўпроғига етказиш киради, аҳолининг 100 фоизини ва иқтисодиёт тармоқларини замонавий, арzon ва ишончли энергия таъминотидан фойдаланишини таъминлаш, энергия самарадорлиги ва атроф муҳитга таъсирини яхшилаган автоулов ёқилғи ва транспорт воситаларини ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишини кенгайтириш, шунингдек, электр транспортини ривожлантириш, 1 миллион гектаргача бўлган майдонда томчилатиб суғориш технологияларини жорий этиш ва улар етиштириладиган маданиятларда ҳосилни 20-40% гача ошириш.

Стратегияни амалга ошириш иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини ошириш, табиий ресурсларни оқилона истеъмол қилиш ва тежаш, ис газлари чиқиндиларни камайтириш, яшил энергиядан фойдаланиш имкониятларини таъминлаш, яшил иш ўринлари яратиш ва иқлимга барқарорликни таъминлаш соҳасидаги бошқарувни такомиллаштиришга ҳисса қўшади.

Стратегияни амалга оширишда давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари, халқаро ташкилотлар, хусусий сектор, шунингдек аҳоли иштирок этади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ўзгаришларнинг асоси бўлган "Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" да устувор масалалар экологик муаммоларнинг олдини олиш, атроф-муҳитни яхшилаш, инклузив ва мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлаш, экологик хавфсизликни таъминлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалигининг инновацион ривожланишига ўтиш қайд этилган[2].

Ўзбекистонда "яшил иқтисодиёт" тамойилларини жорий этиш бўйича бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилди.

Биринчидан, Жаҳон ҳамжамиятининг иқлими ўзгариши оқибатлари ҳақидаги хавотирини баҳам кўрган ҳолда, Ўзбекистон Париж битимини ратификация қилди ва чиқиндиларни келишилган даражада камайтириш орқали уни амалга ошириш бўйича тегишли мажбуриятларни ўз зиммасига олди.

Хозирги вақтда энергиядан оқилона фойдаланишни, заарли газлар чиқиндиларини чеклашни, ифлосланиш ва чиқиндиларни минималлаштиришни, экотизимларни сақлаш ва тиклашни назарда тутадиган давлат дастури ишлаб чиқилмоқда.

Иккинчидан, "Яшил иқтисодиёт"ни ривожлантириш Ўзбекистон Республикасида Барқарор ривожланишнинг глобал мақсадларини амалга оширишнинг муҳим қисми сифатида қўшилган ва асосий воситаларидан бири бўлиб ҳизмат қиласди.

2018 йилнинг ноябр ойида Ҳукуматнинг маҳсус қарори билан Ўзбекистон барқарор ривожланишнинг миллий мақсадларини тасдиқлади, унда "яшил иқтисодиёт" вазифаларига мос келадиган мақсадлар - ичимлик суви таъминоти тизимларини ва бошқа муҳим инфратузилмани ривожлантириш ва модернизация қилиш; замонавий энергия тежайдиган технологияларни жорий этиш, экологик барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва бошқа йўналишлар.

Учинчиси, глобал иқлими ўзгариши, шу жумладан Орол денгизи фалокатининг салбий таъсирини юмшатиш бўйича тизимли чораларни қўриш.

Тўртинчиси, қайта тикланадиган энергия манбаларидан максимал даражада фойдаланишни таъминлаш. 2019 йилда Ўзбекистон парламенти томонидан "Қайта тикланадиган энергия манбалари тўғрисида", "Давлат-хусусий шериклик тўғрисида"ти қонунлар қабул қилинди, бу уларни жадал ривожлантириш учун ишончли ҳуқуқий асос яратди. Хусусан, Ўзбекистон қуёш ва шамол энергетикасини ривожлантириш бўйича юқори салоҳиятга эга бўлиб, энди халқаро молия институтлари билан биргаликда давлат-хусусий шериклик асосида янги лойиҳаларни тайёрлашга киришди.

Қайта ишлаш саноати ҳали қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг ҳаракатлантирувчи кучига айланмаган. Прогресив иқлими ўзгариши ярим чўл ва чўл шароитида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қийинчиликларини кучайтиради ва аҳоли учун хавф туғдиради.

Юқори хавф озиқ-овқат хавфсизлигининг етишмаслиги билан боғлиқ муаммоларга қўйидагилар киради: озиқ-овқат сифати ва хавфсизлигини назорат

қилиш ва техник талабларга мувофиқлиги бўйича халқаро стандартларга мувофиқ аккредитациядан ўтган тўлиқ ҳажмдаги тегишли лабораторияларнинг этишмаслиги.

Мева-сабзавот каби қимматбаҳо озиқ-овқат маҳсулотлари (айниқса, органик ва био-сертификатланган) экспортнинг муҳим товарлари ҳисобланади; самарали озиқ-овқат хавфсизлиги тизимининг йўқлиги Ўзбекистоннинг халқаро савдода максимал даражада иштирок этишига тўсқинлик қиласиди.

Юқоридаги муаммоларни ҳал этиш учун қўйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

-тегишли атроф-муҳит стандартлари ва глобал мониторинг кўрсаткичлари ва уларни амалга ошириш механизmlарини ўз ичига олган экологик меъёрий-хуқуқий база ва таҳлилий назорат тизимини ишлаб чиқиш;

-прогнозлаш ва эконометрик моделлаштириш усусларини жорий этиш орқали маълумотлар базалари ва маълумотлар банкларини бошқариш ҳамда улардан фойдаланишни такомиллаштириш;

-ягона давлат кадастр хизматини ривожлантириш ва такомиллаштириш, шу жумладан ўсимлик ва ҳайвонот дунёси захираларини ишлаб чиқиш ва нашр этиш;

-атроф муҳитни ифлосланишини мониторингини ишлаб чиқишига алоҳида этибор қаратиш, саноат корхоналари, газларнинг катта миқдордаги чиқиндилари, генофондга заарли чиқиндиларнинг таъсирини, шунингдек чегара худудларида ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраб-авайлаш.

### **Фойдаланган адабиётлар:**

1.” Ўзбекистоннинг 2019-2030 йилларда яшил иқтисодиётга ўтиш стратегияси” ПҚ-4477, 04.10.2019 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

**Axunova Sh.N.**  
*Farg'onan politexnika instituti*  
*i.f.n., dotsent*

### **KICHIK BIZNES MILLIY IQTISODIYOTNI RIVOJLANTIRISH OMILI SIFATIDA**

*Annotation. Rivojlangan mamlakatlarning tajribasi ko 'rsatib turibdiki, kichik va o 'rta biznes iqtisodiyotda juda muhim rol o 'ynaydi, ularning rivojlanishi iqtisodiy o 'sishga ta 'sir qiladi, ilmiy-texnik taraqqiyotni tezlashtiradi, bozorni kerakli sifatli tovarlar bilan to 'ldiradi va qo 'shimcha ish o 'rinlari yaratadi. Ijtimoiy munosabatlar namoyon bo 'lishining o 'ziga xos shakllaridan biri sifatida tadbirkorlik nafaqat jamiyatning moddiy va ma 'naviy salohiyatini oshirishga yordam beradi, balki har bir shaxsning qobiliyatlari va iste 'dodlarini amalda ro 'yobga chiqarish uchun qulay zamin yaratadi.*

**Kalit o‘zlar:** kichik biznes, tadbirkorlik, bozor iqtisodiyoti, kichik biznes muammolari.

**Annotation.** The experience of developed countries shows that small and medium-sized businesses play a very important role in the economy, their development affects economic growth, accelerates scientific and technological progress, fills the market with the necessary quality goods and creates additional jobs. As one of the unique forms of manifestation of social relations, entrepreneurship not only helps to increase the material and spiritual potential of society, but also creates a favorable environment for the practical realization of the abilities and talents of each individual.

**Keywords:** small business, entrepreneurship, market economy, small business problems.

So‘nggi yillarda iqtisodiy o‘sishning eng dolzarb yo‘nalishlaridan biri bu kichik biznesni rivojlantirishdir. O‘zbekiston uchun kichik biznesning rivojlanishi jamiyatning ijtimoiy qayta qurilishi uchun asos bo‘lishi kerak, aholining tayyorgarligini va butun mamlakat iqtisodiyotining bozor iqtisodiyotiga o‘tishini tezlashtiradi va iqtisodiy transformatsiyani ta’minlaydi. Iqtisodiy, ijtimoiy, ilmiy va texnik muammolarni hal qilish bilan birligida, qiyinchilik va muvaffaqiyatsizliklarga qaramay, kichik biznes rivojlanmoqda, o‘sish tempi jadallahashmoqda. Kichik biznesning ushbu va boshqa iqtisodiy va ijtimoiy funksiyalari uning rivojlanishini eng muhim davlat vazifalaridan biriga aylantiradi, uni O‘zbekiston iqtisodiyotini isloh qilishning ajralmas qismiga aylantiradi.

Kichik biznes - bu muhim ijtimoiy-iqtisodiy muammolarni hal qilishga imkon beradigan bozor iqtisodiyotining zarur elementi hisoblanadi. Buni kichik biznes milliy iqtisodiyotni rivojlantirishda kuchli pozitsiyalarni egallagan rivojlangan mamlakatlar tajribasi tasdiqlaydi. Masalan, Qo‘shma Shtatlarda kichik firmalar barcha ish bilan band bo‘lganlarning 54 % ini, barcha aktivlarning 45 % ini, sof daromadning 35 % ini tashkil qiladi; Yevropa Ittifoqi mamlakatlarida mehnatga layoqatli aholining 70% dan ortig‘i kichik korxonalarda ishlaydi; Yaponiyada 300 tagacha ishchi-xizmatga ega bo‘lgan iqtisodiy birliklar ish bilan band bo‘lganlarning 78 %ini, sotish hajmining 51,8 %ini, ishlab chiqarish sanoatida shartli ravishda sof mahsulotning 56,6 %ini tashkil etadi. Kichik biznesning AQSH YAIMdagi ulushi 52%, Yevropa Ittifoqi mamlakatlarida - 67%, Yaponiyada - 55% ga teng.

Asosan ma’lum bir mahalliy bozorda ishslash, o‘zgaruvchan bozor sharoitlariga tezkor javob berish, tovar va xizmatlar bozorining ma’lum bir segmentida tor ixtisoslashish, iste’molchi bilan to‘g‘ridan-to‘g‘ri aloqa, nisbatan kichik boshlang‘ich kapitalga ehtiyoj - bu kichik xususiyatlar korxonalar - bu iqtisodiyotning tarkibiy elementi sifatida ushbu korxonalarni barqarorligi va yashash qobiliyatini oshiradigan afzalliklari. Nisbatan kichik kapital ishlab chiqarish hajmini toraytiradi, kerak bo‘lganda qo‘srimcha resurslarni jalb qilish imkoniyatlarini cheklaydi. ishlab chiqarishning cheklanganligi va kam sonli ishchilar korxona boshqaruvining soddaligi va samaradorligini belgilaydi.

Kichik biznes bir qator muhim iqtisodiy va ijtimoiy vazifalarni bajaradi. Kichik biznes barcha darajadagi byudjetlarga soliq to‘lovlaridan tashqari iqtisodiy sohani

rivojlantiradi, qo'shimcha ish o'rirlari yaratadi va raqobatning rivojlanishiga hissa qo'shadi:

- kichik biznes barcha darajadagi byudjetlarni shakllantirishda ishtirok etadi. Kompaniyalar daromadlaridan byudjetga to'g'ridan-to'g'ri ajratmalardan tashqari, kichik korxonalar ish o'rirlari yaratish va aholi daromad manbai bo'lib, jismoniy shaxslardan soliqlarni bevosa yig'ishda yordam beradi.

- kichik biznes davlat innovatsion iqtisodiyotini rivojlantirishda muhim funksiyani bajaradi, ishlab chiqarishning yuqori texnologik sohalariga sarmoya kiritadi. Albatta, asosiy faoliyat savdo-sotiqidir, ammo yangi ilmiy-texnik ixtirolarni ishlab chiqish bilan shug'ullanadigan kichik korxonalar mavjud (taxminan 6%). Asosan, ular davlat tomonidan dotatsiyalar, qo'shimcha subsidiyalar va boshqalar shaklida qo'llab-quvvatlanmoqda. Kichik biznesni innovatsion yo'nalishda qayta qurish butun barcha milliy iqtisodiyotlarning tiklanishi va rivojlanishiga hissa qo'shadigan yirik texnik korxonalarini rivojlantirish uchun zamin yaratadi.

Kichik biznes yangi ish o'rirlarini yaratishga, aholini ish bilan ta'minlashga hissa qo'shadi, natijada ishsizlik kamayadi. Shuni ta'kidlash kerakki, kichik biznes aholining ijtimoiy jihatdan beqaror qatlamlarini, xususan, yoshlarni, immigrantlarni va boshqalarni ish bilan ta'minlaydi, aynan shu korxonalarda ular tajriba, bilim, martaba o'sishi va o'zini o'zi anglashga erishadilar.

Shuningdek, mamlakatimizda kichik biznesning rivojlanishi quyidagi holatlar tufayli katta milliy iqtisodiy ahamiyatga ega:

- kichik firmalar yangi texnologiyani tezroq va arzonroq tarzda qayta jihozlashi, joriy etishi va sinovdan o'tkazishi, ishlab chiqarishni qisman yoki to'liq avtomatlashtirishni amalga oshirishi, avtomatlashtirilgan va qo'l mehnati maqbul kombinatsiyasiga erishishi mumkin;

- kichik biznesning rivojlanishi ishsizlik muammosini asosan hal qilish yoki yengillashtirishga imkon beradi;

- kichik biznesning rivojlanishi bilan iqtisodiyotni barqarorlashtirishga va mamlakatda oddiy tartibni joriy etishga qiziqqan o'rta sinf va kichik mulkdorlar sinfi paydo bo'ladi.

Kichik va o'rta biznes bozor iqtisodiyotining tarkibiy tarkibiy qismi, uning ommaviy bazasi va raqobatdosh bozor mexanizmining ajralmas elementidir. Kichik va o'rta biznessiz bozor iqtisodiyoti ishlay olmaydi yoki rivojlnana olmaydi.

Biroq, mamlakatimizda kichik biznesning jadal rivojlanishiga to'sqinlik qiladigan bir qator to'siqlar mavjud:

- rag'batlantirmaydigan soliq tizimi;
- kreditlar foizining yuqoriligi;
- ma'muriy to'siqlar;
- lizing va davlat mulkidan foydalanish sohasidagi moslashuvchan bo'lmagan siyosat.

Kichik biznesning erkin o'zini o'zi rivojlantirish uchun sharoit yaratish uchun davlat hokimiyati ushbu muammolarni bartaraf etishga majburdir.

Ushbu yo'nalishdagi davlatning eng muhim tartibga solish funksiyalari:

• adolatli sharoit va yuqori darajadagi raqobatni ta'minlash. Buning uchun davlat ilozi boricha samarali, jadal rivojlanayotgan kichik korxonalarini yaratish va qo'llab-quvvatlashga intilishi va shu bilan birga monopoliyaga qarshi qonun hujjalari yordamida ayrim iqtisodiy subyektlarning bozorda ustun (monopol) mavqega ega bo'lishiga yo'l qo'ymasligi kerak.

• ilozi boricha har tomonlama ijtimoiy adolat va ijtimoiy kafolatlarni ta'minlashga qaratilgan ijtimoiy siyosatni amalga oshirish (shu jumladan soliq qonunchiligi, shuningdek ijtimoiy sug'urta, oilalarni qo'llab-quvvatlash, ishchilarning huquqlarini himoya qilish to'g'risidagi qonunlar orqali);

• yaxshi faoliyat olib boradigan xamma uchun ochiq va iqtisodiy jihatdan foydali infratuzilmani yaratish va qo'llab-quvvatlash (shu jumladan transport, telekommunikatsiya infratuzilmasi, davlat boshqaruvi tizimlari, ichki va tashqi xavfsizlikni ta'minlash bo'yicha davlat muassasalari, jahon bozorida raqobatdosh bo'lgan ta'lim va sog'liqni saqlash tizimlari);

Ko'p sonli kichik biznes sog'lom raqobat rivojlanishini va uning yuqori darajasini ta'minlaydi. Bundan tashqari, ko'p sonli kichik biznes yordamida bir necha kishining qo'lida iqtisodiy va tegishli siyosiy hokimiyatning haddan tashqari konsentratsiyasini oldini olish yoki cheklash mumkin.

Kichik biznesning ko'plab xarakterli xususiyatlari odatdagи bozor munosabatlari va umuman xususiy tadbirkorlikning rivojlanishiga to'sqinlik qiladigan asosiy muammolar bilan bevosita bog'liqidir. Shuning uchun yaqin kelajakda kichik biznesni jadal va samarali rivojlantirish bo'yicha kompleks chora-tadbirlarni amalga oshirish zarur.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Арустамов Э.А., Пахомкин А.Н., Митрофанов Т.П. Организация предпринимательской деятельности. – М., 2009. – 331 с.
2. Boltabaev M.R., Qosimova M.S. Kichik biznes va tadbirkorlik. – T.: NOSHIR, 2011.
3. Ерохин В.Й. Международное предпринимательство. – М.: Финансы и статистика, 2008. – 390 с.
4. Samadov A.N., Ostanaqulova G.N. Kichik biznes va tadbirkorlik. - T.: Moliya-iqtisod, 2008.
5. Xodiyev B.Y., Qosimova M.S., Samadov A.N. Kichik biznes va xususiy tadbirkorlik. T.: TDIU, 2010.

**Абдуллаева С. Х.**

*Фаргона политехника институти  
докторант*

## **РАҲАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация.** Ҳар қандай давлатнинг, қолаверса ҳар бир саноат корхонасининг энг асосий ва олий мақсадларидан бири – бу, албатта, иқтисодий

*барқарорликни таъминлаши бўлиб ҳисобланади. Маълумки, турли соҳалар учун зарурий ҳисобланган маҳсулотлар ва ишлаб чиқариш воситаларига бўлган талаб бевосита саноат тармоғи корхоналари томонидан таъминланади. Шундай экан, саноат тармоғи корхоналарининг рақамли иқтисодиёт шароитидаги ҳолати ишлаб чиқарувчи субъектлар томонидан уларнинг маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларни қай даражада қондира олишини белгилаб беради.*

**Калим сўзлар:** иқтисодий барқарорлик, ярим тайёр маҳсулот, юқори қўшимча қийматли маҳсулот, молиявий барқарорлик

**Annotation.** One of the main and highest goals of any state, as well as of every industrial enterprise – it is, of course, the maintenance of economic stability. It is known that the demand for products and means of production, which are considered necessary for various industries, is provided directly by the enterprises of the industrial network. Therefore, the state of industrial network enterprises in the conditions of the digital economy determines to what extent the producer can meet the needs for their products.

**Key words and phrases:** economic stability, semi-finished product, high value-added product, financial stability

Рақамли иқтисодиёт шароитида иқтисодий барқарорликни таъминлаш масаласи долзарб масалалардан бирига айланади. Бунда рақамли иқтисодиёт шароитида барча иқтисодий жараёнлар орасидаги алоқаларни рақамли технологияларни қўллаш асосида амалга ошириш зарурияти вужудга келади. Иқтисодий барқарорликни таъминлаш эса, ўз навбатида, нафакат миллий иқтисодиёт тармоқлари ва корхоналарининг ўзаро мутаносиб равишда ривожланишини таъминлайди, балки ҳудуднинг саноатлаштириш даражасини оширади. Маълумки, саноат миллий иқтисодиётнинг таянч тармоқларидан биридир. Уни жадал ривожлантириш, яъни ушбу тармоқ корхоналари иқтисодий барқарорлигини таъминлаш юзасидан олиб бориран жами чора – тадбирлар, изчил ислоҳотлар натижасида саноат тармоқларида ижобий ўзгаришлар амалга ошиди. Хусусан, ялпи ички маҳсулот таркибида саноатнинг улуши 2000 йилда 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2019 йилга келиб эса ушбу кўрсаткич 30 фоизга етди, яъни амалга оширилган барча чора – тадбирлар натижасида 15,8 фоизли ўсишга эришилди. Ушбу ўсиш кўрсаткичига қарамай, жаҳон бозорлари конъюктураси бекарорлигининг таъсири, глобаллашув ва пандемия шароитида йирик саноат корхоналари фаолиятида рақобатнинг янада кучайиши саноат ишлаб чиқаришининг мўтадил пасайиб боришига сабаб бўлаётгани кузатилмоқда.

Иқтисодчи олимлар фикрига кўра, саноатнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 35-40 фоизни ташкил этсанда соглом ва барқарор иқтисодий ўсиш жараёнига эга ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртacha даромад даражаси мавжуд давлат мақомига эришиш мумкин. Мамлакатимизнинг саноат соҳасида эришилган ижобий натижаларга қарамай, саноат тармоғини иқтисодиётнинг барқарор ўсиш манбаси сифатида эътироф этиб бўлмайди. Чунки ижобий натижаларга хом-ашёни қайта ишлаш ва ярим

тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳисобига эришилган бўлиб, юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш жараёнини жорий этиш ҳали ҳам долзарб масала сифатида қолмоқда.

Бозор иқтисодиёти шароитида саноат корхоналарининг иқтисодий барқарорлиги катта ижтимоий аҳамиятга эга, чунки уларнинг фаолияти бандлик, иқтисодий турмуш даражаси ва ижтимоий барқарорликни таъминлайди. Ҳозирда Жаҳон иқтисодиётидаги глобал ўзгаришлар, давлатларнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлиб қолганлиги, ижтимоий-иктисодий муаммоларнинг тоборо кучайиши "иктисодий тизим барқарорлиги" категориясини қайта кўриб чиқиш заруратини келтириб чиқармокда.

Шунингдек, ишлаб чиқаришга катта ҳажмдаги материаллар ва энергиянинг талаб этилиши, ёқилғи ва хом-ашё тармоқларининг саноат ва экспорт таркибидаги улушкининг юқорилиги саноат тармоқларининг ривожланишини турли хил ташқи ҳолатлар таъсирида заифлашишига олиб келади ҳамда уларнинг рақобатбардошлигини чеклайди. Ҳозирги кунда барча саноат секторларининг умумий ўртача ҳисобланган харажатлари таркибида ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган оралиқ ресурслар, яъни хом-ашё, материаллар, ёқилғи, электр-энергияга сарфланадиган харажатларнинг улуши 50 %дан юқори.

Умумий ҳолда ҳисобланганда, ҳозирда саноат ишлаб чиқаршнинг деярли 80%ни ишлаб чиқаришнинг моддий харажатлари ташкил этмоқда ва бу кўрсаткич ўсиш тенденциясига эга. Ўзбекистон тармоқлари бўйича ўртачи ҳисобланганда эса моддий харажатларнинг умумий харажатлар миқдоридаги улуши 60-90 %ни ташкил этмоқда, бу ўз навбатида ўта юқори даражадаги кўрсаткичdir [2].

Шунингдек, жаҳонда юз бераётган молиявий-иктисодий инқироз ва пандемия шароитлари рақобатнинг кучайишига ҳамда мамлакатларлар, хусусан Ўзбекистон саноатининг иқтисодий ҳолати ва ривожланишига таъсир қўрсатмоқда. Ушбу шароитлар иқтисодий барқарорликни саноат корхоналарида таъминлаш муаммосини янада долзарб аҳамиятга эга эканлигини тасдиқламоқда.

Хусусан, иқтисодий барқарорликни Ўзбекистон шароитида бозор омиллари таъсири, яъни глобал хом-ашё бозорларида нарх шаклланиши, импортга қарамлиги, миллий ишлаб чиқариш ва истеъмол, пул ва молия бозорларининг ривожланиш даражси ва улар дастакларининг самарадорлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиш муҳим ҳисобланади [1].

Юқоридаги омилларни эътиборга олган ҳолда, "иктисодий барқарорлик" тушунчасини атрофлича илмий талқин қилишга талуқли бўлган барча замонавий ёндашувларни ўрганиш ва таҳлил қилиш зарур ҳисобланади. Чунки ушбу тушунча иқтисодий фан доирасига нисбатан янги кириб келган.

"Иқтисодий барқарорлик" тушунчasi турли иқтисодчи олимлар томонидан турлича тавсифланган. Хусусан, олим ва амалиётчилар томонидан шакллантирилган ва саноат корхоналари доирасида қўлланиладиган илмий ёндашувларни тизимлаштириш асосида "иктисодий барқарорлик" тушунчasi талқин этилган.

А.Вальд, П. Самуэльсон, Л.Вальрас, А.А.Богданов, В.С. Раппорт ва бошқа олимларнинг илмий тадқиқот ишларида [3] корхона барқарорлигининг замонавий ёндашувлари шакллантирилган. Улар томонидан “барқарорлик” тушунчаси, илк бор, иқтисодий тизим сифатида кўриб чиқилган. Хусусан, барқарорлик соҳасидаги асосий натижаларни шакллантириш учун бозор мувозанати ва унга таъсир этувчи омиллар ҳамда мувозанатга эришиш шароити ўрганилган.

А.А. Богданов, Л.И. Евенко, Т. Парсон, В.С. Рапорт ва бошқалар умумий ташкилот назариясига асос солиш билан корхона барқарорлиги атамасининг замонавий ёндашувини шакллантиришга улкан хисса қўшганлар [4]. Амалга оширилган илмий ишлар натижасига кўра:

- корхоналарнинг самарали фаолият юритиши билан барқарорлик ўртасидаги боғлиқлик асосланган;
- молиявий ва иқтисодий барқарорлик тушунчаларининг фарқлари аниқлаштирилган;
- иқтисодий тизимнинг энг асосий ва муҳим тавсифлари сифатида барқарорлик ҳамда ривожланиш тушунчалари асосланган;
- ижтимоий ва иқтисодий тизимлар мувофиқлари бўйича техник тизимлар билан баҳоланиши мумкин эмас.

Шунингдек, барқарорлик иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотларда корхоналар барқарорлигининг ўзига хос белгилари, кўрсаткичлари ва турларини эътиборга олган ҳолда бир неча бор тизимлаштирилган.

“Тизим барқарорлиги” Р.А. Попов томонидан қуйидаги турларга ажратилган [5]:

- алоҳида, асосан ташқи омиллар таъсири остидаги ҳолатни ифодаловчи омилли барқарорлик;
- ички унсурлар ҳолатини ифодаловчи таркибий барқарорлик.

Бизнинг фикримизча эса барқарорлик юқорида ифода этилган белгилар билан бир қаторда ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини, фаолият йўналишларини ифода этувчи омилларни эътиборга олган ҳолда янада кенгайтирилиши мақсадга мувофиқ. Илмий-техник тараққиёт ва инновацион ривожланиш натижасида юзага келадиган ўзгаришлар тармоқларнинг ўзига хос хусусиятларини ифодаловчи омил ҳисобланади ҳамда реал сектор корхоналарининг таркибий ўзгаришларига сабаб бўлади. Шунга кўра, ушбу омил инновацион ривожланиш йўналишларини ва таҳлил қилинаётган тармоқ учун унинг таъсири ҳамда оқибатларини тўғри баҳолаш орқали аниқлаштирилиши мумкин.

Бизга маълумки, корхона иқтисодиёти ресурслардан оқилона фойдаланиш асосида юқори иқтисодий самарага эришиш муаммосини ўз тадқиқот доирасида ўрганади. Корхона ресурслари чекланган бўлиб, унинг салоҳияти жиҳатидан эришиши мумкин бўлган самара чексиз бўлса, у ҳолда иқтисодиётни ресурслардан самарали фойдаланиш ҳақидаги фан сифатида ҳам эътироф этиш мумкин. Ушбулардан келиб чиқсан ҳолда, “корхона самарадорлиги” ва

“корхонанинг иқтисодий барқарорлиги” тушунчаларининг ўзаро бир бири билан боғлиқлигини кўриб чиқамиз. Шуни таъкидлаш жоизки, самарадорликни аниқлаш ва баҳолаш масалалари бир неча йиллар давомида тадқиқ этилган бўлиб, ушбу тушунчанинг турли хил ёндашувлари мавжуд. Хусусан:

— корхона миқёсида иқтисодий фаолият, иқтисодий дастурлар ва тадбирларнинг фойдали натижалар бериши, олинган иқтисодий самаранинг муайян қийматга эга бўлган ресурсларни қўллаган ҳолда энг юқори ишлаб чиқариш ҳажмига эришишга сабаб бўлган ишлаб чиқариш омиллари, ресурслар сарфларига нисбатини тавсифловчи мезон;

— ханузгача ягона таърифга эга бўлган энг умумий иқтисодий тушунча.

Юқорида ифодаланган таърифларни эътиборга олган ҳолда, фикримизча, саноат корхоналарининг “Иқтисодий барқарорлик” тушунчасини ифодаловчи таърифни шакллантиришда қуидагиларни ҳам инобатга олиш зарур:

- иқтисодий барқарорлик корхонанинг нафақат иқтисодий мувозанат ҳолатини ушлаб қолиши, бакли ташқи жараёнлар таъсири остида ҳам ўз ривожланишини давом эттиришини ифодалайди;

- иқтисодий барқарорлик бир вақтнинг ўзида ҳам иқтисодий мувозанат ҳолатини, ҳам турғун ривожланишини ифодалайди. Шундай экан, корхоналарнинг иқтисодий барқарорлиги шарт-шароитларнинг ўзгариши билан ўзгариади ва юз берган ўзгаришга мослашиш қобилиятини ифодалайди;

-қиймат ва сифатни ифодаловчи иқтисодий кўрсаткичларнинг миқдор ийғиндиси асосида корхонанинг иқтисодий барқарорлик даражасини аниқлаш мумкин.

Демак, фикримизча, тўқимачилик саноати корхоналарининг иқтисодий барқарорлиги дейилганда корхоналарнинг барқарор ривожлана олиши ва рентабелли фаолият юритиши учун хўжалик фаолиятига таъсир қилувчи ички ва ташқи омиллар ўзгарганда ҳам уларнинг янги таъсирига мослашиш имкониятига эга бўлган ҳолда иқтисодий кўрсаткичларнинг маълум бир даражасини саклаб қолиш қобилияти тушунилиши лозим.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Абдуллаева С.Х. Issues of ensuring economic stability in the textile industries // Journal of NX - A Multidisciplinary Peer Reviewed Journal – 2020 December Volume 6, Issue 12. 67-72 р.
2. Абдуллаева С.Х. Analysis of the current state of the textile industry of Uzbekistan // International journal on orange technologies - IJOT | Research Parks Publishing (IDEAS Lab). Volume: 03 Issue: 03. 2021 йил Март. 217-222 б.
3. Богданов А.А Текстология. Всеобщая организационная наука. – М: Финансы, 2003
4. Евенко Л.И. Эволюция концепций управления человеческими ресурсами / Стратегия развития персонала (Мат. конференции). Нижний Новгород, 1996 и др. других исследователей
5. Попов Е. В. Эволюция институтов миниэкономики / Ин-т экономики. УрОРАН. М.: Наука, 2007

**Nishonov F.M,  
Rahmonov A.**

*Fergana Polytechnic Institute Academic Lyceum*

## **PECULIARITIES OF INNOVATION IN TRADE. EFFICIENCY, MODERN PROBLEMS**

**Abstract:** This paper is a review article aimed at the most detailed and concise description of innovation in the field of trade. A special role is given to showing the classifications of innovation. The article focuses on the problems faced by enterprises in the field of trade. Ways to improve the effectiveness of innovation are given.

**Keywords:** innovation, trade, classification, problem, efficiency.

**Аннотация:** Ушбу мақола савдо соҳасидаги янгиликларни энг баталғылар ва аниқ тавсифлашга қаратилган обзор мақоласи. Иноватсиялар таснифини кўрсатишга алоҳида аҳамият берилади. Мақолада савдо соҳасида корхоналар дуچ келадиган муаммоларга эътибор қаратилган. Иноватсиялар самарадорлигини ошириши ёъллари берилган.

**Калим сўзлар:** инновация, савдо, тасниф, муаммо, самарадорлик.

Scientific and technological progress does not stand still. Today's realities require a quick and effective response to emerging problems, which sometimes cannot be solved by traditional methods. The only true way in this case is the consciousness of innovation. That is why the innovation process plays a paramount role in the development of human society. If we turn to history, the founder of the theoretical base of innovation research is Joseph Schumpeter [1]. In his works, the great economist defined the put forward term as "a non-permanent process of introducing new combinations". The minimum necessary threshold according to Schumpeter is the presence of changes and without the introduction of new equipment and technology, a new type of organization or a new product innovation will not happen. In today's world, the concept of innovation is not precisely defined. If we turn to common points of view, as a rule, there are two large groups of variations in the interpretation of innovation [2]:

- 1) as a process;
- 2) as the final result of activity.

Regardless of the point of view chosen by the specialist, innovations will be clearly associated with the development of technology and technology in relation to any field of human activity. According to Y.V. Yakovec's classification of technology development, the following types of innovations are distinguished [3]:

- 1) the largest basic innovations
- 2) improving innovations
- 3) microinnovations
- 4) pseudo-innovations

However, this classification shows only a characteristic feature, it is much more correct to consider the division of innovation on the field of application, the stage of scientific and technological progress, the degree of intensity, the pace of

implementation, the scale of innovation, their effectiveness and efficiency, as shown in the work of P.N. Zavlin and A.V. Vasilyev [4]. Or according to the classification of S.D. Ilyenkova [5], subdividing innovations by: technological parameters, novelty, place in the enterprise, the depth of changes made and the sphere of activity.

Having shown the right direction in the understanding of innovation, let us show its applicability in relation to the trade area. To do this, let us note that, depending on the technology of implementation, everything can be divided into [6]:

- Grocery, which uses new semi-finished products and ingredients to make brand new products and goods.
- Process-based, involving the use of new methods of production of goods through the introduction of new equipment.

If we consider the division according to the sources of financing innovation, the financing will come from direct and indirect sources [7]. When classifying by the type of novelty, it is possible to distinguish new for the trade industry and new for a particular enterprise operating in trade. And it is impossible not to mention that innovations concerning the trade industry as a whole are connected with the emergence of new forms and types of trade.

In other words, innovations in trade are nothing but a set of certain processes that take place within an enterprise engaged in trading activities. These processes lead to improvement of such factor as competitiveness of an enterprise, promote growth of labor productivity and gradual, sometimes significant increase in profitability.

It should be noted that for the creation of new and improvement of the used equipment at the enterprise, engaged in trading activity, when it develops new technological solutions and the gradual saturation of the consumer market with demanded goods, an inflow of finances is necessary. It is not a secret, that basis of resource supply of any activity, directed on innovation development, is investments, in absence of which the process of creation and introduction of innovations becomes impossible. It is due to lack of mastering of innovations by enterprises engaged in trade activity that the very mechanism of financial infusion into development and innovation activity as a whole is poorly developed.

Accordingly, the key to the successful introduction of innovation in the trade enterprise will be [8]:

1. Improvement of legal regulation of relations in the innovative sphere, which will increase the legal culture of participants of relations.
2. To develop a unified methodological approach to defining the concept of innovation in trade and their classification.
3. Ensuring information transparency of innovation activities through exhibitions and fairs to promote innovation in trade, release information and promotional materials, promotion of innovative projects to enterprises.
4. Consolidation of investors' financial resources, attracting potential investors to finance innovation.
5. Training of specialists to implement innovative projects. Employees should be encouraged to take an active part in projects to prepare and implement innovations.

Let us now consider the specifics of trade activities. According to the work [9], the principles of innovative development are divided into:

- Trade organizations drift between trade and process priorities
- Informatization of the stages of trade and technological processes
- The use of benchmarking (not only intra-industry) as a tool for implementing new effective ways of organizing trade
- Implementation of innovative development based on the resource-saving mechanism
- Cooperation and Relation of Trade Organizations
- Involvement of personnel in the process of development and implementation of innovations on the basis of corporate innovation culture
- Polycreational development of trading companies
- Tougher requirements for suppliers, manufacturers, and service channels

Each principle solves its own problem. The noted principles are applicable to all types of enterprises engaged in retail trade. They are based on research and practical experience of development of domestic and foreign retailers.

The development of retail trade occurs under the influence of many factors. The condition, structure and dynamics of development of the branch depend on economic, social, political, demographic, normative-legal factors. Problems and prospects of long-term development of trade are connected not only with adaptation to market factors in the short term, but also with ensuring the conformity of the technological level of the sphere of goods circulation to the requirements of innovation economy.

Having considered the basic concepts of innovation in trade, it is necessary to move on to the ways of increasing their effectiveness. There are two approaches - domestic and foreign [9]. Their main difference lies in the fact that, if trade practice was formed in most foreign countries by evolutionary way, in our country - with strict control on the part of state bodies. Accordingly, in order to increase efficiency it is necessary to analyze the state of trade and apply appropriate stimulation measures. It is at the expense of such measures that the basic directions of innovative activity of the considered area are formed, which include:

1. Increased customer loyalty
2. Increasing the sustainability of enterprises in competition
3. The use of special tools and techniques for productivity growth
4. Reducing costs, increasing efficiency in the organization of trade operations
5. Creating a high-tech trading enterprise

If we turn to specific examples, we can highlight the introduction of self-service cash desks, otherwise self-checkout [10], designed to increase the flow of customers, which have a number of advantages:

1. Reducing personnel costs (minimization of cashiers in the store)
2. Increase in the speed of service (more staff provides the sales area)
3. Self-service - an innovation that attracts attention
4. Minimizing queues
5. Reducing problems that arise between staff and customers during work

This example is just one of many approaches aimed at increasing profit efficiency. Often it may be sufficient to use classic approaches that have proven themselves over the years - promotions, discounts to regular customers, cross-selling, etc.

In conclusion it would be desirable to note, that the knowledge shown in work it is rational to apply to the experts of economic area who are engaged in introduction of innovations in trade enterprises. Certainly there are other approaches on increase of sales, on division of concept of innovations in trade, not shown in work, however, in opinion of the author the presented information - minimum necessary criterion of entering into the decision of problems of trade and potential introduction of innovations.

## **References:**

1. Antipina E.V. Schumpeter's Innovative Concept of Entrepreneurship: Theoretical Aspects // Vestnik (Herald) of Plekhanov Russian Academy of Economics. 2014. №10 (76). p.29-39
2. Agarkov S.A. Innovation management and the state innovation policy: the textbook / S.A. Agarkov, E.S. Kuznetsova, M.O. Gryaznova // Federal Agency on fishery, Murmansk state technical university. - Moscow: Acad. of Natural Sciences. 2011. p .143 .
3. Kuzin N.A. Classification of Innovations in Modern Economy // Eurasian Union of Scientists. 2015. №9-1 (18). C.56-60
4. Baranov E.V. The essence of product and process innovations // International Student Scientific Herald. 2017. №4-1. p.63-65
5. Plotnikov A.N., Nozhkin Yu. Direct and indirect methods of budget financing of innovation activity // Bulletin of Saratov State Socio-Economic University. 2007. №17. p. 131-135
6. Sharf A.A. Innovations in trade: the main problems and solutions // Problems of modern economics: Proceedings of the II International Scientific Conference. - Chelyabinsk: Dva komsomoltsa. 2012. p.31-33
7. Krasyuk I.A., Medvedeva Yu. Methodological approaches to the innovative development of retail trade // Innovations. 2017. №12 (230). p. 105-112 10. We can help introduce self-service in your restaurant.

**СЕКЦИЯ №5**  
**ИЖТИМОЙ СОҲАДА РАҶАМЛИ ТИЗИМЛАРНИ ҚЎЛЛАШ**  
**ИСТИҚБОЛЛАРИ**

Агзамов А. Т.

*ТДИУ Солиқлар ва сугурта ишикафедраси доценти,*

*PhD*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР  
ДАРОМАДЛАРИНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ ТИЗИМИ ИЖТИМОЙ  
ЖИҲАТЛАРИНИНГ КАМБАҒАЛЛИКНИ КАМАЙТИРИШДАГИ  
АҲАМИЯТИ**

Жаҳон солиқ амалиётидаги жисмоний шахсларни солиққа тортиш тизими миллий хўжалик алоқаларидағи турбулентлик ҳолатларига боғлиқ бўлмоқда. Хусусан, «ривожланган мамлакатларда кузатилаётган жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг юқори прогрессив ставкалари пасайтириш (масалан, АҚШда 2019 йилдан 39,6 фоиздан 35 фоизга тушириш) контекстида даромад турлари бўйича солиқ ставкаларини тебраниш амплитудасини текислаштириш сиёсати амалга оширилмоқда»<sup>17</sup>. Ушбу сиёсат натижасида хорижга чиқиб кетган капитални репатриация қилиш, аҳолининг юқори даромад оловчи тадбиркор қатлами зиммасидаги солиқ юкини пасайтириш орқали миллий иқтисодиётда инвестицион фаолликни оширишга фискал рағбатлар тизимини яратиш кўзда тутилмоқда.

«Ривожланаётган мамлакатларда эса (масалан, Хитой, Ҳиндистон) ҳамон аҳолининг ижтимоий қатламлари ўртасида даромадлар тақсимланишидаги тенгиззлик ва минимал яшаш стандартидан паст даражада яшовчи аҳоли қатламининг юқори салмоғи, жисмоний шахслар даромадларини солиққа тортиш тизимининг прогрессив механизмини янада такомиллаштиришни талаб этмоқда»<sup>18</sup>.

Жаҳон банки маълумотларига кўра, дунё бўйича ўртача қашшоқ аҳоли улуши камайиш тенденциясига зга. Агар 1990 йилда қашшоқ аҳоли ҳисобланган кунлик даромади 1,9 АҚШ доллариға тенг бўлган аҳоли 40 фоизни ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 10 фоизни ташкил этди (кунлик даромад ўртача даражадан юқори мамлакатлар учун киши бошига кунига 5,5 доллар, кунлик даромад ўртача даражадан паст мамлакатлар учун киши бошига кунига 3,2 доллар). 2030 йилда уни 3 фоизли даражадан ошмаслигини таъминлаш вазифаси қўйилди.

---

<sup>17</sup> Каранг: <http://www.worldwide-tax.com>.

<sup>18</sup> Global Economic Prospects Weak Investment in Uncertain Times. A World Bank Group Flagship Report. International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank 1818 H Street NW, Washington, DC 20433.- January 2017.- 17 pp.

## 1-жадвал

**2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети солиқли даромадлари ва жисмоний шахлар даромадидан солиқнинг асосий кўрсаткичлари<sup>19</sup>**

Кўрсаткичлар	2016 йил		2017 йил		2018 йил		2019 йил		2020 йил	
	млд. сўм	% да	млд. сўм	% да	млд. сўм	% да	млд. сўм	% да	млд. сўм	% да
Давлат мақсадли жамғармалар даромадларисиз - жами	40505, 8	100	44469, 6	100	62229, 5	100	102 627,6	100	128460	100
Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиги	4040,4	10, 0	4476,1	10, 1	5198,8	8,4	11 367,4	11,1	15140, 8	11, 8

1-жадвал маълумотлари кўрсатишича, жисмоний шахслар даромадидан солиқнинг давлат бюджети даромадларидағи улуши 2016 йилдаги 10,0 % дан, 2020 йилда 11,8 % га ўзгарган, яъни ўсиш тенденциясига эга бўлган.

2020 йил учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг қўйидаги ставкалари тасдиқланди ва 2021 йил солиқ сиёсатида ушбу ставкалар сақлаб қолинди:

а) Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган жисмоний шахслар: -жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигининг асосий ставкаси – 12 фоиз.

-дивидендлар ва фоизлар кўринишидаги даромадларга 5 фоиз миқдорида солиқ солинади;

б) Ўзбекистон Республикаси норезидентлари бўлган жисмоний шахслар учун:

-дивиденд ва фоизлар – 10 фоиз;

-халқаро юқ ташишдаги транспорт хизматларини кўрсатишдан олинган даромадлар (юқ ташишдан олинадиган даромадлар) – 6 фоиз;

-мехнат шартномалари ва фуқаролик-хукуқий шартномалар бўйича олинган даромадлар, бошқа даромадлар – 20 фоиз.

Бу орқали, жумладан, камбағалликни камайтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар самарадорлигини ошириш ёки маҳаллий даражадаги ижтимоий гуруҳлар муаммоларини ҳал қилиш учун маблағлар ажратилишида фойдаланиш мақсад қилинган. Ана шу таҳлиллар даромадлар тақсимланиши омилларини тушуниш ҳамда керакли чораларни аниқлаш ва ишлаб чиқишида қўлланилади. Ўзбекистоннинг аксарият худудларида қашшоқлик даражаси кунига 3,2 долларни ташкил этади. Бу Марказий Осиёнинг бошқа (Тожикистон, Кирғизистон) мамлакатларига қараганда бирмунча паст кўрсаткичdir.

<sup>19</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 22.12.2015 йилдаги ПҚ-2455, 27.12.2016 йилдаги ПҚ-2699, 29.12.2017 йилдаги ПҚ-3454, 26.12.2018 йилдаги ПҚ-4086, 30.12.2019 йилдаги ПҚ-4555 сонли Қарорлари асосида

Ўзбекистоннинг айрим худудларида даромад нотекис тақсимланган. Камбағалликнинг юқори даражаси Тошкент, Самарқанд, Сурхондарё, Андижон вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг айрим туманларида кузатиляпти. Ўрта синф аҳолининг умумий аҳоли сонидаги улушкининг энг паст даражаси ҳам Самарқанд, Сурхондарё, Андижон, Сирдарё, Тошкент, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасининг баъзи туманларига тўғри келмоқда.

Камбағаллик миллатнинг соғлиғи, меҳнатга лаёқати ва илмий салоҳиятига путур етказади. Шунингдек, унинг оқибати натижасида Давлат бюджетининг пасайиши ва сиёсий жараёнларнинг кескинлашишига сабаб бўлади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда камбағалликни камайтириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Мазкур йўналишда жаҳоннинг илғор мамлакатлари тажрибасидан унумли фойдаланишимиз керак. Давлатнинг бозор шароитида **иқтисодиётни мақсадли бошқаришнинг шаффоғ механизмларини яратиш** орқали 2021 йилдан мамлакатимизда ўрта синфи шакллантириш, мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш ҳамда истеъмол саватчаси ва тириклилик учун зарур энг кам миқдорлар жорий этилишини инобатга олиб жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқнинг янги сифат тавсифини таъминлашга қаратилган тегишли йўриқлар ва қўрсатмалар ишлаб чиқилиши лозим. Ушбу йўриқлар ва қўрсатмаларнинг ишлаб чиқилиши ва тез фурсатларда ҳаётга татбиқи даромадларни солиқقا тортишда ижтимоийadolat тамоили ижроси таъминланишига ҳамда жисмоний шахсларнинг даромадлари легаллашувидан ҳамда солиқ қонунчилигига итоаткор фуқароларнинг ўз келажаги ва муваффақиятларига бўлган ишончининг ошишини таъминлайди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль.
2. Global Economic Prospects Weak Investment in Uncertain Times. A World Bank Group Flagship Report. International Bank for Reconstruction and Development / The World Bank 1818 H Street NW, Washington, DC 20433.- January 2017.- 17 pp.

**Дадажонов Б. А.**

*Фаргона политехника институти*

*Катта ўқитувчи*

## **ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЯНГИЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИДА ИННОВАЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ**

**Аннотация.** Ушбу мақолада ишлаб чиқарни модернизациялаши, техник қайта жиҳозлаши, янги замонавий технологияларни кенг жорий қилишида инновацияларнинг муҳим жиҳатлари ёритилган.

*Шунингдек, ҳар қандай инновацияни уни олиб борадиган инновацион жараённинг хусусиятларини ҳисобга олиб ўрганиши лозимлиги, унинг илмий-техник янгилиги, ишлаб чиқаришига қўлланувчанлиги, тижорий амалга оширилувчанлиги каби хоссаларига тўхталиб ўтилган.*

**Калим сўзлар :** инновация, инновацион фаолият, инновацион жараён

**Abstract:** This article highlights the important aspects of innovation in the modernization of production, technical re-equipment, the widespread introduction of new modern technologies.

*It is also necessary to study any innovation taking into account the characteristics of the innovation process that leads to it, its properties such as scientific and technical novelty, applicability to production, commercial feasibility.*

**Keywords:** innovation, innovative activity, innovative process

Жамият тараққиётига таъсир қиласидиган омиллар орасида илм-фаннынг ўрни алоҳидадир. Зоро, жамият тараққиётининг сўнгти ўн йиллклари мобайнида содир бўлаётган жараёнлар, ривожланиш суръати ва самарадорлиги кўп жиҳатдан илмий-техника ютуқлари билан чамбарчас боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Ваҳоланки, ҳеч кимга сир эмаски, ҳар қандай моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёни технология ва бошқа инновацион фаолият маҳсулотларига олиб келувчи фундаментал илмий ғояларнинг узлуксиз оқими билан озиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси" доирасида "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили" Давлат дастурининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши ҳам худди шу омилнинг жамиятимиз тараққиётини янада жадаллаштиришга қаратилганлиги билан изоҳланади.

Охирги пайтда кундалик фаолиятимиз ва амалиётда янгиликлар, новация, янгиликларни киритиш, инновация каби тушунчалардан тобора кенгроқ қўлланилаётганлигимиз кўзга яққол ташланмоқда. Шундай экан, инновацион фаолиятни яхшироқ тушуниш учун мазкур тушунчаларнинг мазмун-моҳиятига эътиборни қаратиш жоиз.

Шундай қилиб, кейинги пайтда илмий истеъмолга шиддат билан кириб келаётган "Янгиликларни киритиш" тушунчаси инглизча innovation сўзининг таржима вариантидир. Инглиз тилидан сўзма-сўз таржима қилинганда "инновацияларни киритиш" оддий қилиб айтганда, "янгиликларни киритиш" маъносини англатади. Янгиликлар деганда эса янги тартиб, янги одат, янги кашфиёт, янги технология ёки қандайдир янги ҳодиса кўзда тутилади. "Янгиликларни киритиш" тушунчаси эса ушбу янгиликлардан ижтимоий ҳаётнинг тегишли соҳаларида фойдаланиш жараёнини англатади. Шундай қилиб, инновацион фаолият деганда янгиликлар қабул қилинган пайтдан бошлаб амалиётга кенг жорий этилиши ва бунинг оқибатида жамиятнинг янгиланишида кўзланган сифат даражасининг қўлга киритилишидан иборат жараёндир дейилса, максадга мувофик бўлади.

Инновация фан, маданият, таълим ҳамда жамиятнинг бошқа фаолият соҳаларидаги барча муносабатларни, ишлаб чиқариш фаолияти жараёнини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотлар ва ишланмалар натижаларидан фойдаланиш оқибатида вужудга келади. Бинобарин, инновациялар – бу фан ютуқлари ва илфор тажрибалардан фойдаланишга асосланган ҳолда техника, технология, меҳнатни ташкил қилиш ёки бошқариш соҳасида киритилган янгиликлардан иборат экан, мазкур маънода, инновацион фаолият жамият ҳаётини ташкил қилиш ва бошқаришда унинг ривожи ва равнақини таъминловчи муҳим омил сифатида қаралиши лозим.

Худди шу боис дунёнинг барча мамлакатлари сингари Ўзбекистонда ҳам ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник қайта жиҳозлаш, янги замонавий технологияларни кенгроқ жорий қилиш ва инновацияларни молиялаш хўжалик субъектларининг хусусий давлат бюджети ҳамда халқаро кредит линияларининг маблағлари ва тижорат банкларининг кредитлари ҳисобига жорий қилишга ҳаракат қилинаётганлиги юртимиз тараққиётини янада жадаллаштириш негизида мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги муносиб ўрнини мустаҳкамлаш мақсадида амалга оширилаётган муҳим саъй-ҳаракатлардир.

Ҳар қандай инновацион фаолият умумлаштирилганда, биринчи навбатда, бозорда сотиладиган янги ёки такомиллашган маҳсулот, иккинчидан эса, амалий фаолиятда қўлланиладиган янги ёки такомиллашган технологик жараён кўринишларида содир бўлишини англатади. Мавжуд адабиётларда унга хос бўлган тавсифловчи хусусиятлар сифатида қўйидагилар алоҳида таъкидланади:

- натижаси инновациялар бўлган фан-техника тараққиёти босқичлари ва инновацияларни қўллаш соҳалари;
- инновацияларни амалга ошириш суръатлари;
- инновацияларнинг кўлами;
- инновацияларнинг амалиётдаги натижавийлиги ва самарадорлиги.

Инновацияларни уларнинг қўлланиш соҳасидан келиб чиқиб табақалаштирганда назарий жиҳатдан ўз ичига қўйидагиларни қамраб олади:

- техник, янги ёки такомиллашган хоссаларга эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш;
- ташкилий-бошқарув, энг аввало, ишлаб чиқаришни, транспорт, сотиш ва таъминотни ташкил қилиш жараёнлари билан боғлиқлиги;
- ахборот, илмий-техник ва инновацион фаолият соҳасидаги рационал ахборот оқимларини ташкил қилиш, ахборот олишнинг тезкорлиги ва ишончлилигини ошириш вазифасини ҳал қилишга йўналтирилганлиги;
- ижтимоий, меҳнат шароитларини яхшилаш, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият муаммоларини ҳал қилишга қаратилганлиги.

Функционал мақсади ва вазифалари нуқтаи назаридан эса замонавий инновацион фаолият янгиликларининг учта асосий гуруҳидан иборат:

- 1) маҳсулотли янгиликлар, ишлаб чиқариш ёки муомала соҳасида истеъмол қилинадиган, сифат жиҳатдан янги маҳсулотларни ўз ичига олади;

2) технологик янгиликлар, эски ёки янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳамда хизматлар кўрсатишнинг тубдан янги усуслари ёки технологияларини ўз таркибида мужассамлаштиради;

3) бошқарув янгиликлари, бунда бошқарув аппарати томонидан корхоналар фаолиятини такомиллаштириш жараёнида қўлланиладиган сифат жиҳатдан янгича ишлаш усуслари тушунилади.

Гносеологик маънода инновацион жараён илмий билимларнинг инновацияга айланиши жараёни бўлиб, уни инновацион ғоялардан аниқ маҳсулот, технология ёки хизматларга қадар ўзгартириш ва амалда фойдаланишда тарқаладиган фаолият кетма-кетлиги сифатида тасаввур қилиш мумкин. Ҳар қандай инновацияни уни олиб борадиган инновацион жараённинг хусусиятларини ҳисобга олиб ўрганиш лозимлигидан келиб чиқилса, илмий-техник янгилиги, ишлаб чиқаришга қўлланувчанлиги, тижорий амалга оширилувчанлиги каби хоссалари муҳим аҳамият касб этади. Ушбу хоссалардан биронтасининг мавжуд эмаслиги инновацион фаолиятнинг пировард натижаларида салбий акс этади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда кенг қамровли ислоҳотлар авж олдирилаётган бир даврда маҳсус Давлат дастурларида инновацион фаолият ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Инновацион ва илмий фаолиятни давлат ва жамоатчилик томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари, шу жумладан, инновацион лойиҳаларни фоизсиз кредитлаш ҳамда инновацион лойиҳаларни кредитлаш учун тижорат банкларида давлат кафолатларини беришни ҳам назарда тутувчи “Инновацион фаолият тўғрисида”ги ва “Фан тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари лойиҳаларини ишлаб чиқиши ва кенг жамоатчилик муҳокамасидан кейин Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш каби тадбирлар мамлакатимизда тобора эътибор кучайтирилаётган инновацион фаолиятни авж олдиришнинг қонуний асосларини янада мустаҳкамлашга қаратилган. Шундай экан, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари ўзларининг илмий-тадқиқот фаолиятларида янги технологик жараёнларнинг самарадор усусларининг назарий масалалари тўғрисида изланишлар олиб бориши амалдаги давр талабидир.

Дадажонов Б. А.  
Фарғона политехника институти  
Катта ўқитувчи

## ЁШЛАР – ТАРАҚҚИЁТИМИЗ ТАЯНЧИ

**Аннотация.** Уибу мақолада аҳолининг энг нозик қатлами бўлган ёшларга нисбатан бўлган эътибор ҳукумат даражасигача қўтарилганлигига тўхталиб ўтилган. Шунингдек, мамлакатимизда жамият ва давлат бошқарувида ёшларга нисбатан, уларнинг ижтимоий онги ва дунёқарашини шакллантириши, айниқса, ҳуқуқий онги ва маданиятини қарор топтириши масалалари ёритилган.

**Калит сўзлар :** ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, демократик қадриялар

**Abstract:** This article points out that the focus on youth, the most vulnerable segment of the population, has risen to the level of government. Also, the issues of shaping the social consciousness and worldview of young people in society and public administration in our country, in particular, the decision of their legal consciousness and culture.

**Keywords:** Individual, taxes, income tax, tax burden, poverty reduction

Барчамизга маълумки, мустақиллик шарофати билан мамлакатимизда ижтимоий адолат ва ҳуқуқий тенглик тамойиллари тўлиқ қарор топган, юксак маънавият ва маърифатга эга бўлган жамият барпо этиш, юртдошларимизнинг асрий орзуларини рўёбга чиқариш имкони пайдо бўлди. Ушбу ниятларга эришиш эса аслида кўплаб омиллар билан бевосита боғлик бўлиб, юртимизда мустақил тараққиётнинг дастлабки даврларидан бошлабоқ бу омиллар аниқравшан белгилаб олинди ва уларга таянган ҳолда саъй-ҳаракатлар амалга оширишга киришилдики, айтиш мумкинки, булар ўтган қисқа давр мобайнида эришилган барча ижобий натижаларимизнинг гарови бўлди. Бунда ахолининг энг нозик қатлами бўлган ёшларга нисбатан ҳукуматимиз томонидан алоҳида муносабатда бўлинганлиги энг эътиборга молик жиҳати бўлди дейиш мумкин.

Шуни таъкидлаш жоизки, аслида, мустақиллик даврига келиб ёшларга нисбатан алоҳида муносабатда бўлиш зарурлигини ҳаётнинг ўзи тақозо қила бошлади. Хусусан, бу даврга келиб жамият тараққиёти янги изга кўчирилиши билан айrim муаммоларга ҳам дуч келина бошланганлигини бугун ёдга олиш ўринлидир.

Гап шундаки, муайян қадриятларга эътиқод қўйиб яшаш жамият тараққиётига хос бўлган муҳим хусусиятлардан биридир. Мустақиллик туфайли эски совет тузумига хос бўлган қадриятлардан воз кечилиши оқибатида маълум бир давр мобайнида кишилар онгидаги ғоявий бўшлиқнинг вужудга келиши туфайли айrim ёт ғояларнинг кириб келиш жараённида анча жонланиш қўзга ташлана бошлади. Бу ҳодиса жамият ахолисининг кенг қатламларини нишонга ола бошлаганлиги пировард оқибатда анчайин салбий ҳодисаларнинг юз беришига сабабчи бўлди. Афсуски, бундай мафкуравий хуружлар таъсирига тушиб қолиш оқибатида кўп ҳолларда асосан ёшлардан иборат гуруҳлар ана шуғаним кучларнинг заарли ғояларини сингдириб, уларнинг ноғорасига йўнаш, ўз юрти ва Ватанига очиқдан-очиқ хиёнат қилиш, кишиларнинг тинч-осойишта турмушини бузиш, турли экстремистик ҳатти-ҳаракатларни содир этиш йўлига ўтиб олдилар. Натижада барчамизнинг хотирамизда ўчмас из қолдирган мудҳиш воқеалар сифатидаги баъзи қўпорувчилик ҳаракатларини содир этдилар. Ҳали ҳаётий тажрибаси етарли бўлмаган, турмуш ташвишларини татиб кўрмаган, ҳаётнинг оғир-енгил синовларига дуч келмаган айrim ғўр ёшлар учун бундай маккорона қармоққа осонгина илиниш уларнинг бошига мудҳиш синовларни солди, дўст билан душманнинг, чин билан ёлғоннинг, ҳақиқат билан бўхтоннинг фарқига етиб улгурмаган содда ёшларимизнинг бу вакиллари мураккаб ҳаётий имтиҳонлар билан юзма-юз келишига тўғри келди. Рўй берган ушбу тоифадаги воқеа-ҳодисалар ҳам ўз навбатида мамлакатимизда жамият ва давлат

бошқарувида ёшларга нисбатан, уларнинг ижтимоий онги ва дунёқарашини шакллантириш, айниқса, ҳуқуқий онги ва маданиятини қарор топтириш масалаларига ўта долзарб масала сифатида қараш лозимлигини, қолаверса, бу масалага жамият бошқарувида давлат сиёсатининг устивор вазифаларидан бири сифатида муносабатда бўлиш лозимлигини кўрсатди.

Маълумки, мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 29 декабрь кунга Республикамиз Олий Мажлиси ва халқига Мурожаатномасида ҳам алоҳида таъкидланганидек, юртимиз аҳолисининг учдан икки қисми (65%) ёшлардан иборат, унинг истиқболи ҳам айнан улар қўлида. Шундай экан, юртимиз тараққиётининг эртанги куни ҳам бугунги ёшларга нисбатан қанчалик қайғуриш, уларнинг турли эҳтиёжларини атрофлича ўрганиш, меҳр-муруватт кўрсатишга боғлиқ. Бу тўғрида Мурожаатномада алоҳида қайд этилдики, эндиликда юртимизда “Бола туғилганидан бошлаб, 30 ёшгacha бўлган даврда уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлайдиган, ҳаётда муносиб ўрин топиши учун кўмак берадиган, яхлит ва узлуксиз тизим яратилади”. Худди шу боис Президентимиз ташаббуси билан 2021 йил Ўзбекистонда “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили” деб аталди.

Мурожаатномада алоҳида урғу берилганидек, янгиланаётган Ўзбекистон демократик ҳуқуқий давлат сифатида мамлакатимизда адолатли фуқаролик жамияти куриш йўлидан бормоқда. Юртимизда фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг салоҳиятини кўтариш, уларнинг ҳуқуқий савияси ва билимларини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Айтиш мумкинки, ёшларимизнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш аввало халқимизнинг ўзига хос турмуш тарзи, бой тарихи ва маданияти, ўтмиш қадриятларини ҳар томонлама чуқур ўрганиш негизида амалга ошириш учун ҳаракат қилинаётганлиги бугунги кунда ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Айни пайтда шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, халқаро миқёсдаги демократик қадриятларни пухта ўрганиш, дунё халқларининг ҳам бой прогрессив тараққиёт тажрибаларини эгаллаш ва ҳаётга тезкор тадбиқ этиш қабиларга ҳам таяниб иш тутилмоқдаки, бу ҳол Ватанимизнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашини янада тезлаштирмоқда. Бу борада демократик қадриятларни кенг қарор топтириш орқали кишилик жамиятидаги зўравонлик, адолатсизлик, эксплуатация ва тенгсизлик каби иллатларга барҳам бериш, бунинг ўрнига инсониятнинг баҳтли ва фаровон ҳаёт кечиришини таъминлаш, инсонга тегишли бўлган муқаддас ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ амалга ошириш, бунга халақит берадиган жамики иллатлардан ҳалос бўлиш ғоялари илгари сурилмоқда ва амалга оширилмоқда.

Шу ўринда шуни ҳам эслаш ўринлики, аслида, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятияга хос бўлган ғоялар ўтмиш авлодларимизнинг илмий-маънавий меросида ҳам етакчи ўрин тутади. Бугунги кунда бу борада амалга оширилаётган сайд-харакатлар ана шу ўлмас меросимиз сарчашмаларидан ўринли ва оқилона озиқланаётганлигимизнинг натижасидир, дейиш мумкин. Жумладан, ижтимоий адолат, қонун устиворлиги, жамоага хурмат, ахлоқий баркамоллик, маънавий баркамоллик, умуминсоний тенглик, инсонпарварлик,

эзгулик ва ўзаро меҳр – оқибат каби ғоялар “Авесто”, Куръони Карим, Ҳадислар, Фикҳ таълимотларида ҳам эзгу фарашлар сифатида тарғиб қилиб келинган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Мотурудий, Бурхониддин Марғилоний, Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбандий, Жалолиддин Румий, Низомулмулқ, Кайковус, Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Наср Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Аҳмад Юғнакий, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Аҳмад Дониш, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон каби алломаларимиз ва мутафаккирларимизнинг ижоди ва асарларида ҳам мазкур ғоялар марказий ўрин тутади. Бу ғояларни ёшлар онгига сингдириш ва уларни шу ғоялар руҳида тарбиялаш барча ўтмишдошларимиз маънавий меросидан муҳим жой эгаллаган. Шу боис улар ана шу эзгу ва бунёдкор ғояларнинг улкан тарғиботчилари ҳам бўлишган. Улардаги сиёсий, ҳуқуқий, гуманистик қарашлар келажакка ишонч билан интилиш, тараққиёт ва юксалиш тамойилларини таъминланишда Республикамизда амалга оширилаётган туб ислоҳотларни рўёбга чиқаришда маънавий мезон ва замин бўлиб хизмат қилиб келмоқда, юртимизда рўй берәётган туб ўзгаришларнинг назарий кўмакдоши ролини ўтамоқда. Уларни пухта эгаллаш ва ўзлаштириш мамлакатнинг эртанги куни ва келажагини барпо этиш учун барча маъсулиятни ўз зиммасига олган ёшлар учун айниқса зарурдир. Ваҳоланки, демократик, ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамияти қуриш масалаларига миллий тарихимизда биринчи бор рўбару келиб турган юрт ва унинг ёшлари учун ана шу қадриятларга таяниб иш тутиш фавқулодда аҳамият касб этади.

Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг яқинда юртимиз ёшлари билан очиқ мулоқот чоғида мамлакатимизда ёшлар муаммоларини ўрганиш, уларни ўз вақтида ҳал қилиш, ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ ҳимоя қилиш, манфаатларини кўзлаб иш тутиш, уларни бунёдкорлик ғоялари атрофида бирлаштириш ва яқдил қилиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан кўрсатилаётган алоҳида ғамхўрликлар мисолида қайд этилди. Мамлакат раҳбарининг бундай ғамхўрлиги ўз навбатида ёшларимиз томонидан шу юртга садоқат билан хизмат қилиш, унинг корига яраш, эртанги куни учун қайғуриш сингари фазилатларини намоён этишида исботини топмоғи лозим.

**СЕКЦИЯ №6**  
**РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КОРХОНАЛАРДА**  
**БОШҚАРУВ МОДЕЛЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИ**

**Kurpayanidi K.I.**

*Fergana Polytechnic Institute*

*PhD in economics, Professor of the Russian Academy of Science,*

**Mamurov D. E.**

*Fergana Polytechnic Institute*

*PhD Candidate,*

**IMPROVEMENT OF THE CONCEPT OF INNOVATIVE  
DEVELOPMENT OF AN INDUSTRIAL ENTERPRISE**

**Abstract.** *The article discusses the need to organize modern management of innovative processes in industrial enterprises. The author substantiates the General characteristics of the innovation system, and also suggests ways to improve the concept of innovative development of production at industrial enterprises.*

**Keywords:** *innovation, innovation system, industrial enterprise, factors of innovative development.*

**Аннотация.** В статье рассмотрены вопросы необходимости организации современного управления инновационными процессами на промышленных предприятиях. Автором обоснована общая характеристика инновационной системы, а также предложены направления усовершенствования концепции инновационного развития производства на промышленных предприятиях.

**Ключевые слова:** инновация, инновационная система, промышленное предприятие, факторы инновационного развития.

In the implementation of the innovation tasks of the corporation a major role plays the production structure of the corporation, which plays the role of the immediate implementation of innovative ideas into practice [1]. At present, the process of global change in the situation at industrial enterprises, which would ensure their sustainable growth in the near future, is possible only on a new innovative, economic and organizational basis based on the industrial type of reproduction. This will require, in our opinion, the formation and mobilization of all internal sources of development at enterprises and, above all, the intellectual potential available at enterprises, which is transformed into technological development.

The program "On the strategy of actions for the further development of the Republic of Uzbekistan" proposed by President Sh. Mirziyoyev defined the strategy for the transition of the Republic's economy to an innovative path of development. It is innovation and production development, forming the corresponding potential and the mechanism for its implementation, that creates the necessary objective prerequisites for increasing the pace of competitive advantages in industrial enterprises, while using potential development opportunities. Thus, enterprises have an objective need to organize the management of innovative development of industrial

enterprises and their complexes in the strategic planning of industrial and economic development of enterprises, starting from the level of small enterprises [2]. Innovation and production development of an industrial enterprise as an object of "management" is considered by the theoretical and methodological foundations of modern innovation policy of enterprise development. A number of difficulties for economic entities in Uzbekistan at the present stage are largely due to the relatively low level of innovative development of industrial enterprises, the lack of a more effective functioning system for managing innovative development of enterprises, and the lack of a state system approach to solving problems of industrial enterprises development. Even the accumulated innovation potential is often unclaimed or used at an insufficiently effective level [3]. After analyzing the activities of a number of industrial enterprises in the Fergana region, it can be noted that it is necessary to change the criteria and principles of functioning of industrial enterprises, identify priority factors and design mechanisms for innovative development of industrial enterprises in market conditions. Experience shows that the management of innovation systems is a very effective tool for innovation and production development of enterprises at all levels of innovation. The effectiveness of innovative development at an enterprise depends not only on how effective the activity of independent economic agents (enterprises, firms, scientific organizations, universities, etc.) is separately, but also on how they interact with each other as elements of the general system of creation. and the use of the latest technology, as well as with public institutions [4]. The general characteristic of the innovation system is the key role of enterprises in the innovation process, since it is the enterprises that carry out the practical application of innovative developments, bring them to consumers and form feedbacks. It is necessary to improve the concept of innovative development of production at industrial enterprises, to formulate its essence, the main tasks are the formation, use, support, development and reproduction of the potential for innovative development of enterprises. In this article, innovative development is understood as a technologically progressive, efficient at an effective level, change in production indicators at enterprises due to innovative factors.

In our opinion, the factors of innovative development at an industrial enterprise include:

- improving the scientific foundations of innovative development of production;
- improvement, development and use of innovative technologies at all types of industrial enterprises;
- improvement of education and training programs for personnel for the development of innovative production;
- improvement of the industrial safety system;
- creation, improvement and development of management systems for innovative development of the production process.

In conclusion, it should be noted that the considered combination of the listed factors determines the innovation potential of the industrial enterprise development, i.e. determines his ability to solve certain problems and tasks. The degree of use of innovative potential depends on the nature of strategic development and the effectiveness of the management system at industrial enterprises. The innovative

development of an enterprise should be interconnected with the intellectual capital of enterprises, using all scientific knowledge and their transformation into innovative science-intensive technologies and technological solutions.

Based on this, each business entity develops its own strategy for innovative and production development, while taking into account its own interests, goals and potential capabilities of the enterprise. Republican, territorial and municipal authorities should, in turn, generalize, stimulate the introduction of new innovative technologies and establish general rules for doing business at the legislative level.

## **References:**

1. Abdullaev, A., & ets. (2020). The issue of a competitive national innovative system formation in Uzbekistan. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 159, p. 04024). EDP Sciences. Doi: <https://doi.org/10.1051/e3sconf/202015904024>
2. Азарова, Л. Е., Аликулова, Н. А., Арутюнова, Г. И., Баляева, С. А., Баташев, С. А., Белов, В. В., ... & Воронова, К. М. (2019). Фундаментальные основы инновационного развития науки и образования.
3. Абдуллаев А.М., (2020). Исследование систем управления предприятием: сущность, методы и проблемы. *Бюллетень науки и практики*, 6 (2), 182-192.
4. Akhmetshin, E. M., Vasilev, V. L., Mironov, D. S., Yumashev, A. V., Puryaev, A. S., & Lvov, V. V. (2018). Innovation process and control function in management.

**Рахимова М.А.**

*Фарғона политехника институти  
магистрант*

## **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КОРХОНАЛАРДА БОШҚАРУВ МОДЕЛЛАРИ ВА МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Аннотация:** Мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида корхоналарда бошқарув фаолиятини рақамлаштириши масалалари тадбиқ қилинган. Унда Ўзбекистонда корхоналар персоналини бошқаришини рақамли стратегиясини ишилаб чиқиши ва уни амалиётга жорий этишига қаратилган турли ёндашувлар тадқиқ қилинган ва муаллифнинг илмий ва амалий хуносаси шакллантирилган.

**Калим сўзлар:** рақамли иқтисодиёт, рақамли иқтисодиётнинг ривоҷланиши, миллий рақамли иқтисодий хавфсизлик, персонал, бошқаув, технология, инновация

**Abstract:** The article examines the management of management models and mechanisms in enterprises in the digital economy. It examines various approaches to the development and implementation of a digital strategy for human resource management in Uzbekistan, and forms a scientific and practical conclusion of the author.

**Keywords:** digital economy, development of digital economy, national digital economic security, personnel, management, technology, innovation

Иқтисодиёт ва жамиятнинг "рақамлаштириш" жараёни (инглиз тилида – digitization яъни, рақамлаштириш, баъзан эса digitalization яъни рақамлаштирилиши маъносини билдиради.) ҳақида гапирганда, биринчи навбатда, терминологияга аниқлик киритиш керак. Энг кенг маънода "рақамлаштириш" жараёни одатда рақамли технологияларни кенг қўллаш ва ассимиляция қилиш ташаббуси билан бошланган ижтимоий-иктисодий ўзгаришни англатади. ахборотни яратиш, қайта ишлаш, алмасиш ва узатиш технологияларидир [1].

Бугун жадаллик билан кечеётган рақамлашув жараёни "янги иқтисодиёт"ни вужудга келтирди. Кам ўрганилган ва кун сайин чукур томир отиб бораётган бу бозор сегменти ишлаб чиқарувчиларга бизнесда самарали маркетинг компаниялари уюштириш, минимал харажат қилиб, максимал фойда олиш, товар ва хизматларни муваффақиятли сотишнинг оптимал усулларини тақдим этади. Истемолчи, харидор ва мижозларга сифатли хизмат, қулайлик яратилади. Бу вақтингиз тифиз пайтида Интернет орқали тушликка буюртма бериш, мобил илова орқали такси чақириш, узоқдаги яқинингизга пул жўнатишдан кўра кенгроқ имкониятлар бўлиб, трансчегаравий бизнес ҳамкорлик, электрон тижорий майдон, масофавий офис кабиларни ҳам қамраб олади. **Рақамли иқтисодиёт рақамли технологияларга асосланган, электрон бизнес, электрон тижорат билан боғланган, рақамли товар ва хизматлар ишлаб чиқараётган ва тақдим этаётган иқтисодий фаолиятдир.** Бунда иқтисодий хизмат ва товарлар учун ҳисоб-китоблар электрон пул орқали амалга оширилади.

Рақамли иқтисодиёт шароитида корхоналарнинг бошқарув моделлари ва механизmlари илмий мунозаралар учун яна бир мухим мавзу ҳисобланади. Турли адабиётларда бошқарув моделларига нисбатан қарашлар хилма-хил бўлишига қарамасдан, бошқарувнинг Континентал Европа ва англо-саксон моделлари икки базавий моделлар ҳисобланиб, қолган моделлар маълум маънода шу икки моделдан келиб чиқкан деган қарашлар мавжуд. Масалан, бошқарувнинг исломий модели (Islamic model) стейкхолдер (Континентал Европа) моделига мослаштирилган бўлиб, англо-саксон моделининг энг яхши амалиётларини ўзида мужассамлаштирган ҳамда асосийси шариат тамойиллариага асосланган модель ҳисобланади. Шунингдек, айrim тадқиқотчилар томонидан бошқарувнинг япон моделини Континентал Европа модели сифатида кўрсатиш ҳолатлари ҳам учраб туради[3]. Амалий жиҳатдан қаралганда ҳам кўплаб мамлакатлар ўзларининг бошқарув тизимларини (моделлари) англо-саксон (shareholder) ёки Континентал Европа (stakeholder) модели сифатида, ёхуд гибрид модель сифатида қайд этадилар.

Бугунги кунда кўплаб мамлакатлар сингари Ўзбекистонда ҳам барча саноат тармоқларини фаол равишда рақамлаштириш жараёнлари йўлга қўйилган. Жорий йилга келиб Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ахборот хизмати берган маълумотларга кўра, мамлакатда интернетдан фойдаланувчилар сони 22 миллионга, шу жумладан, мобиль интернет фойдаланувчилари 19 миллион нафарга етган[2]. Рақамлаштиришнинг аҳамияти ва таъсири қанчалик ортиб

бораётганлигини баҳолаш учун бир нечта йирик технологик компаниялар ва рақамли платформаларнинг сўнгги йилларда жаҳон бозоридаги капиталлари улушкига назар ташлаш кифоя. Хусусан, БМТнинг савдо ва ривожланиш конференцияси маълумотларида қайд этилишича, бу кўрсаткич 2009 йилда 16 фойизни ташкил этган бўлса, 2018 йил охирига келиб, 56 фойизга етган[4]. Шундай қилиб, рақамли иқтисодиёт янги иқтисодий муҳит бўлиб, у бизнес учун янги ва жуда катта имкониятлар яратади. Рақамли иқтисодиёт шароитларида рақобат тузилиши ва характери ҳам, рақамли иқтисодиёт ва электрон тижоратнинг янги технологиялари таъсирида бизнес-моделлар ҳам батамом ўзгаради. Масалан, йўловчилар ташиш бозоридаги агрегаторкомпаниялар (GetTaxi, Яндекс.Taxi кабилар) транспорт компанияларининг иш фаолиятига кўпгина ўзгаришлар киритиб, уларни истеъмолчиларга анча яқинлаштиришга муваффақ бўлдилар. Озиқ-овқат етказиб бериш компаниялари ҳам сотувчиларни истеъмолчиларга яқинлаштириб, рақобатли бозорда катта муваффақиятларга эришдилар. Натижада анъанавий офф-лайн компаниялар ўз бизнесларини трансформация қилишга ёхуд он-лайнга ўтишга мажбур бўладилар. Бу ҳолат эса тадбиркорларни интернетда ўз бизнесларини ташкил қилишга ундейди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Алексеев И.В. Информационное обеспечение системы управления франчайзинговыми предприятиями / И.В. Алексеев, Е.В. Рибокене// экономические и гуманитарные науки. – 2015. – №1 (276). – С. 105–110..
2. Мустафақулов Ш. Рақамли иқтисодиёт–янги Ўзбекистон тараққиётининг янги даври. “Рақамли иқтисодиёт: янги Ўзбекистонни янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари орқали ривожлантиришнинг янги босқичи” мавзусидаги халқаро илмий-амалий конференциянинг материаллари. 1-қисм. – Т.: 26.02.2020 й. [www.tadqiqot.uz](http://www.tadqiqot.uz).
3. Аюпов Р.Х., Балтабаева Г.Р. Рақамли валюталар бозори: инновациялар ва ривожланиш истиқболлари. –Т.: Фан ва технология, 2018. – 172 б.
4. [https://ru.wikipedia.org/wiki/- Vikipediadagi sahifa](https://ru.wikipedia.org/wiki/-_Vikipediadagi_sahifa).

**Усманова З.М.**

*Ферганский политехнический институт  
старший преподаватель*

## **К ВОПРОСАМ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЦИФРОВЫХ МОДЕЛЕЙ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ ЛЁГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**Аннотация:** В статье рассматриваются вопросы внедрения цифровых технологий на предприятиях лёгкой промышленности с целью увеличения эффективности производства. Освещены положительные аспекты возможностей цифровизации в ходе использования современных методов управления.

**Ключевые слова:** цифровая экономика, цифровые технологии, бизнес-модели, информационные технологии, предприятия

**Abstract:** The article discusses the issues of introducing digital technologies at light industry enterprises in order to increase production efficiency. The positive aspects of digitalization opportunities in the course of using modern management methods are highlighted.

**Keywords:** digital economy, digital technologies, business models, information technologies, enterprises

В условиях современности и проводимых преобразований в обществе коренным образом произошла смена роли человеческого фактора и цифровых технологий в производстве.

Степень развития информационных технологий предопределяет уровень развития предприятия в целом.

С развитием цифровизации происходит постоянная трансформация бизнес-моделей предприятия. Именно поэтому многие авторы по-разному трактуют определение цифровизации. Например, Александр Куцман определяет цифровую экономику как «современный тип экономики, характеризующийся преобладающей ролью информации и знаний как определяющих ресурсов в сфере производства материальных продуктов и услуг, а также активным использованием цифровых технологий хранения, обработки и передачи информации» [2,60-с].

Возникает вопрос – с чем же связано внедрение новых моделей управления предприятием в условиях внедрения цифровых технологий?

И неминуем ответ – прежде всего это связано с социально-экономическими отношениями между участниками производственного процесса, к выгодам, к которым ведёт сама цифровизация производственного процесса.

Можно сконцентрировать внимание на возможностях, которые даёт внедрение цифровых моделей в управлении предприятий лёгкой промышленности.

В результате развития информационных систем во многих отраслях лидирующее место занимает не только использование интернета, но и развитие возможностей в сфере маркетинга, появляются новые возможности во взаимодействии с контрагентами, а также упрощение всевозможных финансовых операций. [2,2-с].

Применение цифровых технологий на предприятиях может кардинальным образом изменить саму структуру управления.

Люди могут рассматриваться не просто как кадры, а как человеческие ресурсы, преимущество компании в конкурентной борьбе на рынке, главный фактор её успеха, а в конечном счёте источник прибыли [1].

В контексте вышесказанного можно привести доводы специалистов в этой области, которые утверждают о том, что затраты, связанные с внедрением цифровых технологий, могут быть полностью окуплены в ходе трансформации предприятий в цифровую реальность и их дальнейшей деятельностью. А издержки, связанные с цифровизацией могут быть представлены в качестве инвестиций в будущее предприятия.

Они могут быть направлены на установление соответствующих коммуникаций для трансформации предприятий в цифровое пространство. В этой связи можно рассмотреть и вопросы мотивации, побуждающие к внедрению современных достижений науки и техники.

С этой точки зрения может быть осуществлён прорыв, в управлении, основанном на новейших технологиях.

В своём исследовании мы пришли к выводу о необходимости внедрения соответствующих моделей управления, учитывающих достоинства цифровой реальности, которые могут привести к совершенствованию механизма управления персоналом на предприятиях лёгкой промышленности Ферганской области.

Заслуживает внимания тот факт, что текстильная и швейно-трикотажная промышленность нашей страны является одной из динамично развивающихся и ведущих отраслей, которая играет значимую роль в решении государственных задач и учитывает жизненно важные интересы многих регионов, содействуя гармоничному развитию территорий, решению проблем занятости, обеспечению занятости населения и как следствие улучшению его благосостояния, оказывая помощь в становлении и развития малого и частного бизнеса.

В заключении необходимо отметить то, что если сконцентрировать внимание на вопросах применения достижений цифровизации в контексте маркетинговой деятельности предприятий, в этом случае можно достичь следующего:

во-первых – налаживание индивидуального подхода к потребителю. Это может быть разделение на сегменты потребителей и переработке большого объема данных с помощью технологии big data;

во-вторых - ценообразование формируется с учётом временного интервала покупки, сезонного фактора; существенна система накопительных баллов, при помощи которых потребитель может оплатить продукцию или услуги. Технологии цифровизации могут отслеживать историю потребителя и, наряду с этим, подбирать для него скидки;

в-третьих - логистика может быть основана на интеграции каналов связи в целостную систему;

в-четвёртых – автоматизированное управление большинства бизнес процессов на предприятиях.

### **Использованная литература:**

1. Когдин А. А. Мотивация и стимулирование трудовой деятельности в управлении персоналом [Электронный ресурс] // Основы экономики, управления и права. - 2012.
2. Попов И. В., Киселева М. М., Яковлева Е. А. Цифровые модели управления предприятием //УЭПС: управление, экономика, политика, социология. – 2019. – №. 3.

3. Курпаяниди К. И., Муминова Э. А. К проблеме активизации инновационных процессов в Узбекистане //Известия Ошского технологического университета. – 2019. – №. 3. – С. 261-265.
4. Абдуллаев А. М. и др. Исследование систем управления предприятием: сущность, методы и проблемы //Бюллетень науки и практики. – 2020. – Т. 6. – №. 2.
5. Tuychieva O. Questions of increasing economic efficiency of production //Scientific Bulletin of Namangan State University. – 2019. – Т. 1. – №. 8. – С. 105-108.
6. Шатохина С. Ю. Система мониторинга устойчивого развития как основа принятия управленческих решений на региональном уровне //Economics. – 2019. – №. 2 (40).

**Рахмоназаров П. Й.**

*Фарғона политехника институти  
катта ўқитувчи*

## **ХУДУДЛАРДА ИҚТИСОДИЙ-ЭКОЛОГИК ТИЗИМЛАРНИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

**Аннотация.** Уибу мақолада ҳудудларда экологик-иктисодий тизимлар ва уларни барқарор ривожлантириш ҳамда уларни самарали бошқариши йўналишилари ёритилган. Мақолада ҳудудлардаги экологик муаммоларга эътибор қаратилган ва аниқланган муаммоларни ҳал этиши учун зарур таклифлар келтирилган.

**Калим сўзлар:** экология, иқтисодий-экологик тизим, барқарор ривожланиши, экологик менежмент, инновация.

**Annotation.** The article describes the ecological and economic systems of the regions and the directions of their sustainable development and effective management. The article examines the ecological problems of the regions and gives the necessary recommendations for solving the identified problems.

**Key words:** ecology, economic and ecological system, sustainable development, environmental management, innovation.

Жаҳон амалиётида ҳудудларнинг барқарор ривожлантириш, уларнинг иқтисодий ҳамда экологик тизимларининг ўзаро самарали уйғунлигига қаралмоқда. Хусусан, мамлакатлар ривожланиши бевосита ҳудудлар барқарорлигига боғлиқ бўлиб, мазкур масаланинг ижобий жиҳатлари инновацион иқтисодиётни кенгайтириш асосида ресурслардан оқилона ҳамда самарали фойдаланишини ўз ичига олмоқда. Жумладан, иқтисодиётда ишлаб чиқариш фаолиятини тўғри ташкил қилиш, соҳа давомийлиги ва ўсишини таъминлаш ресурслар мавжудлигига боғлиқ. Бу эса, ҳудудларнинг барқарорлигини таъминлашда иқтисодий ва экологик тизимларнинг

уйғунлигини таъминлашга қаратилган бошқарув қарорларининг самарали амал қилиши билан боғлиқдир.


Худуднинг иқтисодий-экологик тизимларининг барқарор ривожланиш даражаси худуднинг ички ва ташқи омилларини ижобий ёки салбий таъсири натижасида белгиланади. Тащқи омилларига сиёсий-хуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, технологик масалалар киради. Ички омилларига эса, табиий ресурслар, жамият тузилиши, бошқарув-ташқилий тузилма, бозор ҳолати кабилар киради ҳамда ички омиллар икки гурухга бўлинади. Биринчи гурух худудлар салоҳиятини белгиловчи ресурсларни ўз ичига олса, иккинчи гурух эса, тартибга солувчи, яъни худудларнинг бошқариш жараёнини ўз ичига олади [1].

Иқтисодий-экологик тизимни барқарор ривожлантиришни бошқариш бу бошқарувнинг янги концепцияси бўлиб, ижтимоий, иқтисодий ва экологик тавсифдаги муаммоларни ҳал этишга қаратилганлиги билан тавсифланади[2].

Иқтисодий-экологик тизимларни бошқариш биринчи навбатда, аниқ минтақа хусусиятларига ва қўйилган мақсадга боғлиқ жараёндир. Табиий ресурслардан фойдаланиш хусусиятига таъсир этади ва табиий ресурслардан фойдаланишни бошқариш тизимини ташкиллаштиришга турли ёндашувлар мавжуд[3].

Экологик муаммоларни ҳал этишда менежментнинг ўрни долзарб ҳисобланади. Экологик менежмент атроф-муҳитга энг кам таъсир кўрсатадиган ва унинг динамикасини ҳисобга оладиган лойиҳаларни ҳамда мумкин бўлган ҳалокатли вазиятларнинг олдини олиш ва тугатиш бўйича стратегик режаларни ишлаб чиқишини ўз ичига олиши зарур. Бунда риск-менежменти ва суғурта ҳимояси услубиятидан фойдаланиш лозим. Хўжалик фаолиятида атроф-муҳитга таъсирни нафақат пасайтириш имконини берадиган, балки ҳалокатлар риски ва улардан мумкин бўлган заарларни энг камига келтириш имкониятини ҳам яратадиган экологик менежментнинг бир бутун тизими ташкил қилинган бўлиши зарур (1-расм).

Шунингдек, худудларда иқтисодий-экологик тизимларни бошқаришнинг яна бир йирик йўналиши - инновацион фаолиятни бошқариш ҳисобланди. Бизга маълумки, иқтисодий-экологик тизим мураккаб бўлиб, унинг элементлари сифатида корхоналар ҳам алоҳида ўрин тутади.



Манба: муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

### 1-расм. Экологик менежментни қўллаш усул ва услублари

Айниқса, саноати ривожланган Фарғона шаҳрининг иқтисодий-экологик тизимининг асосини хўжалик субъектлари ташкил этади. Бу ҳол, худуд корхоналарининг технологик ривожланишининг концептуал ва ташкилий жиҳатларини ўз ичига олиб, мазкур жараён функционал вазифаларини менежмент асосида амалга оширади.

Жорий вақтда Фарғона иқтисодий-экологик тизимларида инновацияларни қўллаш, техник ва технологик янгилаш жараёнларини бошқариш билан боғлиқ қатор қўйидаги муаммолар юзага келмоқда:

- соҳа ва тармоқларда иқтисодий-экологик тизимларни бошқаришда етарлича тажрибанинг мавжуд эмаслиги;
- соҳа ва тармоқларнинг аксарият корхоналарида ҳам маънавий, ҳам жисмоний экирган асосий воситалар салмоғининг юқорилиги;
- иқтисодий-экологик барқарорликни таъминлаш бўйича тажрибали мутахассисларнинг етишмаслиги;
- иқтисодий-экологик тизим барқарорлигини таъминловчи хўжалик субъектлар учун имтиёзлар, тамойиллар ва тартиб – қоидаларни ўз ичига олган бир бутун тизимнинг мавжуд эмаслиги.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш учун қўйидагиларни таклиф қиласиз:

- иқтисодий-экологик фаолиятни бошқариш билан боғлиқ миллий тизим яратиш;
- соҳа ва тармоқлардаги бошқарув кадрларига бўлган эҳтиёжни ўрганиш асосида, жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб мутахассислар тайёрлашни йўлга қўйиш;
- иқтисодий-экологик тизим самарадолигини мониторингини яратиш ва маҳаллий корхоналарга қўллаш, натижларга қараб имтиёзлар жорий қилиш;

- асосий воситаларни янгилаш билан боғлиқ бошқарувнинг иқтисодий усуулларни татбиқ этиши.

Умумий ҳолда фикримизча, иқтисодий-экологик тизимларни бошқариш, уларнинг ўзаро мутаносиблигини таъминлаш, ҳудудларда ишлаб чиқариш кучларини жойлаштиришни тартибга солиш минтақа иқтисодиётини барқарор ривожланишини, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга олиб келади.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.Шедько Ю.Н. Факторы и условия устойчивости развития региона: синергетика взаимодействия // Вестник МГОУ. 2014. №4. С. 44-55.
- 2.Евдокимов В.В., Грицишен Д.А. Управление безопасным функционированием социально-эколого-экономической системы предприятия // Национальные интересы: приоритеты и безопасность. – М.: №25(214), 2013. С. 42-52.
- 3.Сыромятникова О.П. совершенствование механизма регионального управления локальными эколого-экономическими системами.

**Тўхтасинова М. М.**

*Фаргона политехника институти  
катта ўқитувчи*

## **ЕНГИЛ САНОАТ СОҲАСИНИ КЛАСТЕРЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА БОШҚАРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**Аннотация:** Мақолада мамлакатимизда енгил саноат корхоналири фаолиятини кластерлаш асосида бошқарув механизмини такомиллаштириши масалалари ўрганилган. Енгил саноатда рақобат муҳити шаклланишининг SEM модели асосида кластерлаш имкониятларини баҳолаш механизми асосланган.

**Калим сўзлар:** саноат, енгил саноат соҳаси, кластер, инвестиция, инновация, рақобатбардошлик, бошқарув, бошқарув стратегияси.

**Abstract:** The article deals with the issues of improving management, taking into account the clusterization of the activities of light industry enterprises in our country. On the basis of the SEM model of the formation of a competitive environment in light industry, the mechanism for assessing the possibility of clustering is based.

**Keywords:** industry, light industry, cluster, investment, innovation, competitiveness, management, management strategy

Ўзбекистонда енгил саноат иқтисодиётнинг муҳим тармоғи ҳисобланиб, унинг бозорида ўзига хос бошқарув муҳити шаклланган. Республикада тўқимачилик, ип йигириш, тикувчилик, трикотаж, пойабзал ва ипакчилик соҳаларида 10 мингга яқин йирик ва кичик корхоналар, шунингдек, 400 дан ортиқ қўшма корхоналар самарали фаолият юритмоқда. Тармоқда 150 минг киши иш билан банд. Бироқ, Ўзбекистонинг жаҳон тўқимачилик ва кийим экспортидаги улуши эса атиги 0,3 фоизни ташкил этмоқда. Енгил саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва экспорт қилишнинг барқарор устунлик қилиши, юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва

жаҳон бозорларида муносиб рақобатлаша оладиган миллий брендларни шакллантириш етарли даражада эмаслиги корхоналар рақобатбардошлигини ошириш имконини бермаяпти. Ушбу ҳолатлар соҳада фаолият юритаётган корхоналар рақобатбардошлигини ошириш ҳамда бошқарув механизмларини такомиллаштириш заруратини келтириб чиқармоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «принципial жиҳатдан янги маҳсулот ва технология турларини ўзлаштириш, шу асосда ички ва ташқи бозорларда миллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган [1, 3 б.]. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини ошириш ва бошқарув механизмларини такомиллаштириш борасидаги ишларни жадаллаштиришни талаб этади.

Бугунги кунда мамлакатимизда тўқимачилик ва тиқувчилик саноати ривожланашида инсон омилиниң ўрни юқоридир. Мамлакатимиз ҳудудларида аҳоли зичлиги, қишлоқ хўжалиги учун унумдор ерларнинг нисбатан камлиги, бошқа саноат тармоқлари учун ресурс заҳиралари имкониятининг чекланганлиги енгил саноатга ихтисослашувини келтириб чиқарган.


Тармоқ кластерларини шакллантириш ва уларни ташкил этиш имкониятларини баҳолаш бўйича бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, уларда асосий эътибор ҳудудларда саноат кластерларини ташкил этиш ва имкониятларини баҳолашга қаратилган. Кўплаб тадқиқотларда тармоқ корхоналарининг ўзаро интеграциялашуви, маҳаллийлаштириш даражаси, географик яқинлиги, иқтисодий ҳолати, концентрациялашуви, йириклишув даражаларига кўра баҳоланган [2, 1 б.]. Баҳолаш усусларидан эса, асосан, статистик таҳлил, интеграл баҳолаш, эксперт баҳолаш, SWOT ва PEST таҳлил усуслари ва анкеталаштириш кабилардан кенг фойдаланилган. Юқоридаги усусларда асосий эътибор кластерлаш имкониятларини баҳолаш бўйича миқдорий усусларга таянилган бўлиб, корхоналарнинг кластерга бирлаштирувчи мотивация омиллари етарлича эътиборга олинмаган.

Масалан, Э. Фезер томонидан бандлик кўрсаткичларига кўра, саноат тармоғида кластерлаш имкониятларини баҳолашда асосан қўшилган қиймат занжирини шаклланганлигига эътибор қаратган [3, 2 б.]. Л. Бертинерли эса тармоқ корхоналарнинг географик агломерациясига кўра баҳолаган. Шунингдек, амалиётда кластерлаш имкониятларини корхоналарнинг рақобат муҳитига мослашувчанлигини белгиловчи омилларга асосланиш усуслари кенг қўлланилади.

Кластерлаш имкониятларини баҳолаш бўйича қўйидаги шартлар асосида текшириш мураккаб тенгламалар тизимини ҳосил қиласди ва уни алоҳида мустақил тенглама сифатида кўриб чиқиш мумкин эмас. Шунга кўра, енгил саноатда рақобатни шакллантирувчи омиллар ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва корреляцион боғланиш зичлигини аниқлаш учун SPSS AMOS 23 дастури асосида тизимли тенгламалар моделидан (Structural Equation Modelling-SEM) фойдаланиш тавсия этилади. SEMнинг асосий хусусияти – яширин

ўзгарувчиларнинг хусусиятларини аниқлаш ва уларнинг ўзаро боғланиши ҳамда бошқа алоҳида аҳамиятли кўрсаткичларга таъсирини ўрганишда фойдаланилади. Мазкур тенгламалар тизимида яширин ўзгарувчига таъсир этувчи икки хил ўзгарувчилар мавжуд бўлиб, булар эндоғен ўзгарувчилардир.

Танланган омиллар гуруҳи бўйича ноль даражали гипотеза (estimate means and intercepts) асосида ишлаб чиқариш омиллари ( $F_1$ ) ва талаб ҳолатини ифодаловчи омиллар ( $F_2$ ) бўйича яширинган натижавий қийматлар корреляциясини максимал эҳтимоллик билан (maximum likelihood estimation (MLE)) аниқлаймиз (1-расм).



**Chi-square=108,350; df=34; CFI=.771; RMSEA=.148**

$e_n$  - экзоген ўзгарувчи ҳатолиги.

ИЧ – енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш.

**Талабни шаклланиши бўйича танланган омиллар:**

ЧС-Енгил саноат маҳсулотлари

**Ишлаб чиқариш омиллар:**

ИС-Енгил саноатда ишловчилар сони.

КС-Енгил саноат корхоналари сони (17000 – фаолият коди бўйича).

ИН-Енгил саноатга жалб этилган инвестициялар.

ОМИ-Енгил саноатда ишловчи олий маълумотли мутахассислар сони.

ИНО-Корхоналар томонидан яратилган инновацион маҳсулотлар хажми.

### 1-расм. Енгил саноатда рақобат муҳити шаклланишининг SEM модели

Мамлакат енгил саноатининг умумий макроиктисодий кўрсаткичлари таҳлили, рақобатбардошлик омиллари белгиланиши, товарлар бозорининг ривожланиши динамикасини таҳлил қилиш асосида аниқланган омилларнинг корхоналар миқёсидаги таъсир кучи таҳлили натижалари соҳада бошқарув механизмларини такомиллаштириш имкониятларини белгилашга хизмат қиласи.

- Енгил саноатда фаолият юритаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорларнинг рақобатбардошлигини баҳолашнинг З даражада: операцион

фаолияти, инновацион фаолияти ва уларни корхонани бозорга мослаштиришдаги таъсирини белгилаш орқали баҳолаш методикасидан амалиётда фойдаланишни бошқарув стратегияларини шакллантиришдаги мақсадли услубиёт сифатида кўриб чиқиш лозим.

- Енгил саноат корхоналари учун ички бозорда ассортимент бўйича рақобатни баҳолаб бориш, маркетинг тадқиқотларини самарали ташкил этиш ва истиқболли бошқарув стратегияларидан фойдаланиш, уларнинг ички бозорга мослашиш, ҳимояланиш, бозор улушкини сақлаб қолиш ва ташқи бозорларга ҳаракатланиш имконини беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Feser E., Renski H., Koo J. Regional Cluster Analysis with Interindustry Benchmarks. URL: <http://www.urban.uiuc.edu/feser/Pubs/TRED,%20FRK.pdf> (дата обращения: 13.06.2011).
2. Bertinelli L., Decrop J. Geographical agglomeration: the case of Belgian manufacturing industry // Federal planning bureau. Economic analyses and forecasts. 2002. November. 45 p.
3. Papadopoulou E. Applying Shift–Share analysis (SSA) on LEADER. Initiative local action groups in Greece. URL: [http://www.rudieurope.net/uploads/media/Case\\_study\\_Greece\\_2\\_01.pdf](http://www.rudieurope.net/uploads/media/Case_study_Greece_2_01.pdf). 2011.

**Муминова Э.А.**

*Фарғона политехника институти  
мустақил тадқиқотчи*

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ТЎҚИМАЧИЛИК ТАРМОҒИ КОРХОНАЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ИННОВАЦИОН УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ**

**Аннотация.** Мазкур мақолада иқтисодий фаолият тури бўйича саноат ишилаб чиқаршининг ўсиши суръати таҳлил қилинган. Корпоратив бошқарув асосидаги корхоналарнинг бошқарув самарадорлигини баҳолаши усуллари ёритилган бўлиб, корпоратив бошқарув мақсадлари учун инновациялар самарадорлигини баҳолашнинг мезонларини кўрсатиб ўтилган.

**Калим сўзлар:** S&P GAMMA рейтинги, GMI рейтинг тизими, TCL нинг Board Analyst рейтинги, Deminor рейтинги, «РИД-Эксперт РА» миллий рейтинги, ИКПУ CORE-рейтинги, инновация, бошқарув мезонлари, корпоратив бошқарув.

**Abstract.** This article analyzes the growth rate of industrial production by type of economic activity. The methods of assessing the management effectiveness of enterprises based on corporate governance are described, and the criteria for evaluating the effectiveness of innovations for corporate governance purposes are outlined.

**Keywords:** S&P GAMMA rating, GMI rating system, TCL's Board Analyst rating, Deminor rating, RID-Expert RA national rating, IKPU CORE rating, innovation, management criteria, corporate governance.

Мамлакатимиз иқтисодиёти жадал суръатларда ривожланиб бораётган бир пайтда саноат тармоғининг ўрни бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади. Саноат соҳасини инновацион ривожлантириш, жаҳон талаблариға мос келадиган даражада техника ва технологиялар билан таъминлаш, ушбу соҳада экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш замон талабларидан биридир.

Саноат корхоналарида маҳсулот рақобатбардошлигини оширишнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффақият гарови ҳисобланади. Мамлакатимизда олиб борилаётган жадал ислоҳотлар натижасида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича бир қатор ижобий натижаларга эришди. Фикримизни далили сифатида бир қатор статистик маълумотларни келтириш мумкин.

Саноат корхоналарида маҳсулот рақобатбардошлигини оширишнинг изчил ва барқарор ривожланишини таъминлашда келгуси давр учун пухта ва ҳар томонлама асосланган чора-тадбирлар, муҳим вазифа ва йўналишлар, турли даражалардаги иқтисодий тараққиёт дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва аниқ белгилаб олиниши муваффақият гарови ҳисобланади. Республикада олиб борилаётган жадал ислоҳотлар натижасида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича бир қатор ижобий натижаларга эришилган (1-жадвл).

### 1-жадвал

#### Иқтисодий фаолият тури бўйича саноат ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати

йиллар	Саноат маҳсулоти ҳажми, млрд.сўм	Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати (ўтган йилга нисбатан %да)	шундан,
			тўқимачилик маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати (ўтган йилга нисбатан %да)
2012	57552,5	107,8	109,6
2013	70634,8	109,5	113,2
2014	84011,6	108,3	104,1
2015	97598,2	107,9	115,8
2016	111869,4	106,2	108,8
2017	148816	108,0	102,1
2018	235340,7	116,6	113,3

<b>2019</b>	322535,8	105,0	105,3
<b>2020</b>	367078,9	100,7	115,4

Таҳлил қилинаётган 2012-2020 йилларда саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш таркибида тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 109,6-115,5 фоизни ташкил этди. Мазкур ҳолат тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноати ривожланишининг ҳар томонлама таҳлили, рақобатнинг кучайиши шароитида жаҳон бозорининг ўзгарувчан конъюнктурасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, жадал ривожланиш механизмини ишлаб чиқиш ҳамда корхоналарда самарали корпоратив бошқарув тизимида замонавий услубларни кенг жорий этиш ҳисобига юз берган.

Жаҳон амалиётида компанияларнинг корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашда қўйидаги бир қанча модел ҳамда усуллардан фойдаланилади: S&P GAMMA рейтинги, GMI рейтинг тизими, TCL нинг Board Analyst рейтинги, Deminor рейтинги, «РИД-Эксперт РА» миллий рейтинги, ИКПУ CORE-рейтинг ва бошқалар [1].

**GAMMA.** Standard & Poor's рейтинг агентлигининг корпоратив бошқарувни баҳолаш услубиётининг (GAMMA)<sup>20</sup> муҳим таркибий қисмлари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади: 1) акциядорларнинг таъсири; 2) акциядорларнинг хуқуки; 3) шаффоффлик, аудит ва рискларни бошқаришнинг корпоратив тизими; 4) директорлар кенгашининг фаолияти, стратегик жараёнлар ва мукофотлаш тизимининг самарадорлиги.

**GMI.** Корпоратив бошқарувни баҳолашнинг GMI (Governance Metrics International) услубиётида эса асосий элементлар таркибидан директорлар кенгаши таркиби тўғрисидаги қонунчилик, молиявий шаффоффлик ва ташқи назорат, акциядорлар хуқуқлари, мулкчилик тузилмасини бозор орқали назорат қилиш имконияти, ижроия органларининг ваколатлари ва корпоратив хулқ кодексининг мавжудлиги кабилар ўрин олган.

Корпоратив бошқариш самарадорлигини баҳолаш бўйича олиб борилаётган тадқиқот ишларини назарий жиҳатдан ўрганиш сифат ҳам миқдор каби усулларга ажратилишига имкон беради. Сифат гурӯҳига асосан солиштирма (таққослаш) ва корпоратив бошқарувни хавф-хатарини баҳолаш усуллари киритилади. Миқдор гурӯҳлари эса асосан корпорация хўжалик фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилишда қўлланиладиган усуллар киритилади.

Тўқимачилик тармоғи корхоналарида инновацияларни асослаш, ишлаб чиқаришга жорий этиш, ва шу асосда бошқарув қарорларини қабул қилиш корпоратив бошқарувнинг энг муҳим йўналиши, шу билан бирга унинг сифати ва самарадорлигини баҳолаш мезони бўлиб қолади[2].

Муаллиф фикрича, корпоратив бошқарув мақсадлари учун инновациялар самарадорлигини баҳолашнинг қўйидаги мезонларини қўллаш мақсадга мувофиқ: - камайтирилган харажатларнинг минимал қийматларини таъминлаш

<sup>20</sup> GAMMA (Governance, Accountability, Management Metrics & Analysis – бошқарув, ҳисобдорлик, менежмент ўлчови ва таҳлили) 2007 йилдан 2011 йилгача кенг қўлланилган.

мезонлари; - инновация сифатининг интеграл кўрсаткичидан фойдаланишга асосланган мезон.

Инновация даражаси ва инновацион фаолият кўлами, бошқа кўрсаткичлар қаторида корпорация томонидан инновацияларга сарфланган харажатлар миқдори билан тавсифланади. Чекланган ресурсларнинг мавжуд шароитлари инновацион фаолиятга йўналтирилган самарали корпоратив бошқарув тизимини шакллантириш муаммосини долзарблаштиради[3]. Корпорация инновацион фаолиятини жонлантириш, инновацион ишбилармонлик алоқаларини кенг татбиқ этадиган яхлит инновацион тизимни шакллантириш орқали унинг рақобатбардошлигини таъминлаш, устунликларини сақлаш ва янада ривожлантириш имкони пайдо бўлади. Корпоратив бошқарувнинг инновацияларга йўналтирилган стратегик йўналиши самарали технологияларни жорий этишга, бизнеснинг турли соҳаларида замонавий механизмлардан фойдаланишга ёрдам беради. Шу билан бирга янгиликларни жорий этиш мавжуд ресурслардан янада оқилона фойдаланишга, лозим бўлганда, уларни янгилашга имкон яратади.

Корпорация молиявий-хўжалик фаолиятининг инвесторлар учун жозибадор бўлган бундай кўрсаткичларига эришиш учун ички назорат тизими самарадорлигини (молия, қонунчилик меъёrlарига риоя қилиш, бошқарув ходимларининг касбий маҳорати) оширувчи ҳамда тижорат хулосаларини кучайтирувчи механизмларни яратиш зарур.

### **Фойдаланилган адбиётлар:**

1. Муминова, Э. А. (2020). Корпоратив бошқарув тизимини халқаро стандартлар асосида ривожлантириш йуналишлари. *Экономика и финансы (Узбекистан)*, (4 (136)).
2. Муминова, Е.А. (2021). Направления совершенствования организационно-экономического механизма корпоративного управления в текстильной отрасли. *Экономика и предпринимательство*, (2), 779-784.
3. Abdukarimovna, M. E. (2020). The effectiveness of the use of blockchain technologies in sectors of the national economy. *South Asian Journal of Marketing & Management Research*, 10(6), 53-62.

**Хасанов Т. А.,**

*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви  
академияси, PhD, доцент*

## **ЎЗБЕКИСТОНДА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИНИ РАҚАМЛАШТИРИШ: МУАММОЛАР ВА АФЗАЛЛИКЛАРИ DIGITALIZATION OF HOUSING AND COMMUNAL SPHERE IN UZBEKISTAN: CHALLENGES AND ADVANTAGES**

**Аннотация:** Мақолада бугунги кунда дунё мамлакатлари уй-жой коммунал хўжалигига ахборот коммуникация технологияларини жорий этишининг долзарблиги, унинг ижсобий аҳамияти, яратиладиган янги турдаги рақамли

хизматларнинг аҳоли учун қулайлиги ва афзалиги ёритилган. Шунингдек, Ўзбекистонда уй-жой коммунал хўжалигини рақамлаштиришдаги мавжуд муаммолар таҳлил қилинган ва улар ечимининг соҳани ривожлантиришдаги аҳамияти асослантирилган.

**Калим сўзлар:** уй-жой коммунал хўжалиги, ахборот коммуникация технологиялари, рақамли бошқарув, рақамли хизматлар, стратегик режалаштириш, шаффоффлик, рақобат.

**Annotation:** In this article, the author studied the relevance of the information and communication technologies in housing and communal sphere in the world, its positive value, convenience and advantages of a new type of digital services for the population. He also analyzed the existing problems of digitalization and substantiated the importance of their solution for the development of the housing and communal sphere in Uzbekistan.

**Keywords:** housing and communal sphere, information and communication technologies, digital management, digital services, strategic planning, transparency, competition.

Бугунги кунда барча мамлакатлар уй-жой коммунал хўжалигига ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш жуда долзарб масалага айланган. Табиийки, бунинг иқтисодий фойдаси мавжуд: улар таркибига шаҳарларни бошқариш сифатини ошириш, саноат корхоналари фаолиятини яхшилаш ва харажатларни камайтириш киради. Шу билан бирга, бу фуқаролар учун ҳам осон ва тезкор хизматларни кўрсатишни ўзида ифода этади.

Рақамлаштиришга қаратилган умумий тенденция кўп ёки оз даражада иқтисодиётнинг барча соҳаларига таъсир қиласди, шунинг учун уй-жой коммунал соҳаси ҳам бундан мустасно эмас. Ахборот технологиялари юқори хавфсизликни, барча шаҳар хизматларининг узлуксиз ишлашини таъминлай олади ва энг муҳими, ИТ-ечимлар харажатларни камайтиришга ёрдам беради. Умуман олганда, ахборот технологияларига бўлган талаб ҳақида эмас, балки уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантиришни стратегик режалаштиришнинг бир қисми сифатида рақамлаштириш мантиқан муҳим ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан ҳам, айнан уй-жой коммунал соҳаси рақамлаштириш, яъни иш самарадорлигини, қабул қилинган қарорлар сифатини ошириш учун илгари мавжуд бўлмаган инновацион технологиялардан фойдаланиш, шу жумладан илгари амалга оширилган автоматлаштириш самарадорлигини ошириш тенденцияси ҳисобланади.

Уй-жой коммунал хўжалигини рақамлаштиришнинг бир неча муҳим вазифалари мавжуд. Бу [1], биринчи навбатда, бошқарув жараёнлари самарадорлигини ошириш – йўқотишларни камайтириш, тарифлардаги билвосита ва ортиқча харажатларни камайтириш ва бошқалар;

Иккинчидан, соҳадаги дебиторлик қарзлари ҳажмининг қисқартириш ва натижада бизнесга қўшимча молиявий юкни камайтириш;

Учинчидан, жамоат назорати ва тартибга солиш учун соҳанинг шаффоффигини таъминлаш;

Түртінчидан, соҳада бозор рақобати элементларини яратиш ва натижада тарифларни пасайтириш орқали тақдим этилаётган уй-жой коммунал хизматлари сифатини оширишдан иборат.

Умумий жиҳатдан эса, бу соҳани ривожлантиришга хусусий сармояларни жалб қилиш учун шарт-шароитлар яратиш, шунингдек уй-жой коммунал хизматлари соҳасида – уй-жой ҳолати тұғрисида, аксиялар, тақдим этилаётган хизматларнинг ҳажми ва сифати ва энергия сарфи бўйича, уй-жой коммунал хизматлари истеъмолчилари учун тўлиқ, ишончли ва тегишли маълумотлар базасини шакллантириш имконини беради.

Бугунги кунга қадар уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш соҳасидаги ташкилотлар фаолиятининг сифати ва самарадорлигини ошириш соҳасида кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилди. Шунингдек, суб-саноат сегментларида рақамли фойдаланувчиларга хизмат кўрсатишнинг кўплаб турлари бошқарув компаниялари, ҳисоб-китоб марказлари томонидан яратилган, уларнинг аксарияти ўзларининг IT-платформалари ва хизматларини фаол равища ривожлантираётган бозорнинг асосий иштирокчилари, яъни мижозлар учун дастурий таъминот ва бошқалар. Шу билан бирга, ҳозирги вақтда ушбу соҳада дуч келаётган асосий муаммолар уй-жой коммунал хизматлари соҳасидаги маълумотларнинг камлиги, сифатининг пастлиги ва тарқоқлиги, шу жумладан маълумотнома таърифи ва манбаларининг аниқ йўқлигидир [2].

Глобал миқёсда қарайдиган бўлсак, рақамли платформалар асосида уй-жой коммунал хизматларининг рақамли тизимининг яхлит архитектурасини яратиш мумкин. Махсус қўлланиладиган технологиялар турли функцияларни автоматлаштириш учун ишлатилади, яъни прогнозлаш ва моделлаштириш, сарфланган ресурсларни ҳисобга олиш, хизматлар учун тўловлар ва тўловларни қабул қилиш, ҳужжатлар айланиши ва бошқалар. Умуман олганда, уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида жуда кенг технологик имкониятлар мавжуд. Масалан, ахборотни узатиш каналлари орқали мониторинг тизимларига уланган “ақлли ўлчаш мосламалари” кўрсаткичларини автоматик равища қабул қилиши ва уларни қабул қилган маълумотлар асосида коммунал хизматлар учун тўловлар ва тўловларни қабул қилинадиган ахборот тизимларига ўтказиши мумкин. Жараёнларни автоматлаштириш рақамли дастурий таъминотлар ёрдамида тўловларни қабул қилиш жараёнини – мобил илова ёки онлайн касса орқали автоматлаштиришга имкон беради.

Сунъий интеллект технологиялари инфратузилма объектларини мониторинг қилиш ва бошқариш самарадорлигини ошириш учун жорий этилмоқда. Сунъий интеллект коммунал ресурсларнинг мослашувчан таъминотига ўтишга имкон беради, яъни фойдаланувчи сценарийларини ҳисобга олган ҳолда турли хил ўзгарувчан омилларга боғлиқ ҳолда уларни етказиб беришни бошқаришни автоматлаштиради.

Яна бир технология – бу коммунал инфратузилма объектларининг “рақамли эгизакларини” яратиш, тарихий маълумотлар бўйича “ўргатилган” ва объектларнинг ўзида ўрнатилган ақлли сенсорларга уланган. Янги рақамли тизим авария ва фавқулодда вазиятларни тез фурсатда аниқлашга, қайси

инфратузилма объектларини таъмирлашни талаб қилишини аниқлашга имкон беради. Бу иссиқлик таъминоти тармоқларини таъмирлаш ва алмаштиришни ҳисобга олиш ва прогнозлашни, инвестиция ва ишлаб чиқариш дастурларини режалаштиришни осонлаштиради.

Шу билан бирга, худудий ва шаҳар миқёсида уй-жой коммунал хизматлари соҳасида “Ақлли шаҳар” стандарти талабларини амалга оширадиган, шу жумладан уй-жой объектларининг ҳаётий циклини сертификатлаш ва назорат қилиш, ресурсларни сарфлаш ва инфратузилма объектларининг ҳолатини кузатиш, уй-жой бошқаруви бошқарувчи компаниялар фаолиятини автоматлаштириш ва бошқариш, диспетчерлик функциясини марказлаштириш, капитал таъмирлашни бошқаришни автоматлаштириш, тўловларни ҳисоблаш ва истеъмолчилар билан ишлаш функцияларини марказлаштириш кабилар самарадорлигини таъминлайди [3].

Давлат ҳокимияти органлари рақамли технологияларни жорий этиш орқали самарадорликни оширишдан манфаатдорлар, чунки уй-жой коммунал соҳасидаги маълумотларнинг шаффоффлиги ва ишончлилигини ошириш, ҳар хил асосларда тизимлаштирилган маълумотларни олиш имконияти барча даражаларда бошқарув қарорларини қабул қилишга ёрдам беради.

Уй-жой коммунал хўжалиги корхоналари уй-жой коммунал хизматларини рақамлаштириш деганда менежмент ҳисботини осонлаштириш ва бир қатор жараёнларни автоматлаштириш орқали мажбурий ҳисботларни қисқартириш тушунилади. Бундан ташқари, рақамли технологиялар – мурожаатларнинг электрон шакллари пайдо бўлиши, онлайн овоз бериш – фуқаролар ва уй-жой мулкдорлари ширкатларининг ўзаро алоқаларини соддалаштиради, уй-жой коммунал хизматлар сифатини яхшилашда аҳолининг иштирок этиш даражасини оширади [4].

Профессионал бошқарув компаниялар учун рақамли технологиялардан фойдаланиш рақобатдош устунлик ҳисбланади. Эндиликда кўп хонадонли уйларни бошқариш бозорини бирлаштириш тенденцияси мавжуд. Кичик бошқарув компаниялари бозорни тарқ этмоқда ва тобора ортиб бораётган улушни бир нечта худудларда битта бренд остида ишлайдиган йирик компаниялар эгаллайди. Улар нафақат коммунал тўловларни йиғиш ва транзаксия хизмати билан шуғулланадилар, балки аҳоли учун кенг кўламли қўшимча хизматларни таклиф қилишади. Рақамли бошқарув компаниялари менежмент ва технологик ечимларни кенгайтириш орқали операцион самарадорлик ва рентабелликни оширади ва жараёнларни оптималлаштиради. Замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш туфайли уй-жой коммунал хизматлар бозори аста-секин аҳоли учун шаффоф ва тушунарли бўлиб бормоқда. Шаффоффлик, ўз навбатида, қулай интерфаол интерфейслари орқали давлатга бўлган ишончнинг ўсишига ёрдам беради. Рақамли платформалар фуқароларни баҳолаш ва бошқариш тартиб-таомилларига жалб қилишларига имкон беради. Уй-жой коммунал хўжалигини рақамлаштириш, масалан, кўп қаватли уйларда бино эгаларининг умумий йиғилишларини шахсан

эмас, балки электрон овоз бериш орқали ўтказиш имкониятини жорий этишни кўзда тутади.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, илғор тажрибаларни тез фурсатда амалга ошириш баъзи муаммоларни келтириб чиқаради. Бунга технологик стандартларнинг этишмаслиги, уй-жой коммунал хизматларининг ҳудудий ва шаҳар миқёсидаги ИТ-тизимларини ишлаб чиқилмаганлиги, соҳадаги меъёрий-ҳуқуқий базанинг тез-тез ўзгариб туриши, рақамлаштириш соҳасида тартибга солиш механизмларининг йўқлиги кабиларни мисол қилиш мумкин.

Шунингдек, молиялаштириш масаласи ҳам соҳа учун долзарб ҳисобланади, масалан уй-жой коммунал хизматларини рақамлаштириш соҳасига, шу жумладан бозор субъектларидан инвестицияларни жалб қилиш механизмлари мавжуд эмас.

Мазкур муаммоларни ҳал қилиш, соҳада турли хил тизимлар тўпламини самарали бошқариш имкониятларини янада оширади, тизимли равища маълумотларни тўплаш, бирлаштириш ва таҳлил қилишга шароит яратади. Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги ахборот тизимларини ривожлантиришнинг ҳаётий цикли жараёнларини тизимлаштириш, маълумотларни бирлаштириш учун воситаларни яратиш, ягона ҳуқуқий майдон атрофида лойиҳаларни мувофиқлаштириш заруриятини туғдиради.

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

5. Ларионова А.А. Цифровизация ЖКХ как стратегическое планирование его развития. М.: ЭКОНОМИКА, № 9, 2019.
6. Nurimbetov R.I., Khasanov T.A. Housing fund programs generate quality service for householders in Uzbekistan. Solid State Technology. Volume-63, Issue-4, 2019. Pages 427-435.
7. Toshmatov Sh.A., Khasanov T.A. Formation of the private homeowners company' budget and analysis of its financial and economic activities. International Scientific Journal Theoretical & Applied Science. p-ISSN: 2308-4944 (print) e-ISSN: 2409-0085. 2019. Issue: 09. Volume: 77. - P. 217-221. USA.
8. Khasanov T.A. Improvement of the Housing Fund Management in Uzbekistan. International Journal of Advance Study and Research Work. Published by ALBOREAD (OPC) PVT/ LTD. 2020. - P. 144-147.



## **ДИҚҚАТ ЭЪЛОН!**

**Хурматли ҳамкасабалар “Al-Ferganus” нашриёти ва “Xalqaro nazariy va amaliy tadqiqotlar jurnali” электрон журнали Ўзбекистон таълим хизматлари бозорида ўзининг фаолиятини бошлаганлигини маълум қиласиз.**

Ажойиб имкониятдан сиз биринчилар қаторида фойдаланиб илмий нашрларингизни чоп этишингиз мумкин.

“Al-Ferganus” нашриётимиз томонидан Сиз тақдим этган дарслик, ўкув қўлланма, монография ва илмий рисолаларга ISBN, Doi ҳалқаро рақамли иденфикаторларни бириктириш, уларнинг электрон замонавий андозадаги муқовалар ва ишланмаларнинг электрон макетини яратиш, нашриётда эълон қилинган ишларни электрон ахборот нашрларида жойлаштириш хизматлари кўрсатилади.

Бизнинг нашриётимизнинг бошқа нашриётлардан фарқи шундаки, тезкор ва сифатли хизмат кўрсатамиз ҳамда энг асосийси биз Сизнинг ишларингизни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ва Россия Миллий кутубхонаси фондларига бепул жойлашга шунингдек, Россия илмий иқтибослик индекси (РИНЦ ва E - library) платформасига, CrossRef базаларига шартнома асосида жойлаштиришга кўмаклашамиз.

“Xalqaro nazariy va amaliy tadqiqotlar jurnali” электрон журнали ҳам ўз фаолиятини бошламоқда. Бизнинг журналда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг қуидаги ихтисосликлари физика-математика, кимё, биология, геология-минералогия, техника, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, фалсафа, филология, география, юридик, педагогика, тиббиёт санъатшунослик, архитектура, психология, социология фанлари бўйича миллий ва хорижий муаллифларнинг фанлардан эришган ютуқлари ва истиқболлари борасидаги илмий мақолалари, илмий тадқиқотлар олиб бораётган олимларнинг илмий изланишлари натижалари эълон қилинади. Электрон журнал ҳар ойда бир марта эълон қилинади.

Журналларда эълон қилинадиган ҳар бир мақолага шартнома асосида DOI (Crossref) рақами берилади.

Шунингдек, таҳририят томонидан:

- мақолаларни сифатли таржима қилиш;
- мақолаларни таҳрирлаш ва журналлар талабига мослаш;
- мақолаларга ишлов бериш;
- мақолаларни плагиатга текшириш;

- хориждаги нуфузли (Scopus, Web of sciences ва юқори импакт факторли) журналларда мақолларни сифатли ва ишончли чоп этишга кўмаклашиш хизматларини ҳам кўрсатади.

**Имкониятни бой бериб қўйманг!**

**Қуидаги манзилларга мурожаат қилинг: [www.alferganus.uz](http://www.alferganus.uz)**

**Электрон почта манзили: Alferganus. ltd@gmail.com**

**Телеграмм манзилимиз : @Alferganus\_ltd**

**Телефонлар: (93) 100-38-88**

**(91) 109 - 05 - 38**

## **ВНИМАНИЕ ОБЪЯВЛЕНИЕ!**

Уважаемые коллеги! Сообщаем вам, что изательский дом «AL-FARGANUS» и “**Xalqaro nazariy va amaliy tadqiqotlar jurnali**”-“Международный журнал теоретических и прикладных исследований” начали свою деятельность на рынке образовательных услуг Узбекистана.

Это прекрасная возможность одним из первых опубликовать свои научные публикации.

Наше изательство «AL-FARGANUS» предоставляет услуги по прикреплению международных цифровых идентификаторов ISBN, Doi к учебникам, учебным пособиям, монографиям и научным брошюрам, созданию электронных макетов их обложек и дизайнов в современной электронной форме, размещению опубликованных работ в электронные публикации.

Отличие нашего изательства от других изательств в том, что мы предоставляем быстрые и качественные услуги, а главное, бесплатно размещаем ваши работы в Национальной библиотеке Узбекистана им. Алишера Навои и оказываем помошь в размещении вашей работы в Российской национальной библиотеке, а также на платформе Российского индекса научного цитирования (РИНЦ, e-library) облегчить размещение.

Совместно с Ферганским политехническим институтом запущен проект электронного научного журнала «**Xalqaro nazariy va amaliy tadqiqotlar jurnali** - International Journal of Theoretical and Practical Research. Международный журнал теоретических и прикладных исследований».

Миссия научного электронного журнала направлена на развитие национальной и зарубежной науки, обеспечение общедоступности теоретических позиций и практических результатов прикладных исследований. В журнале представлены следующие специальности Высшей аттестационной комиссии Республики Узбекистан по физике и математике, химии, биологии, геологии и минералогии, технике, сельскому хозяйству, истории, экономике, философии, филологии, географии, праву, педагогике, медицине, архитектуре, психологии, социологии. Журнал публикует научные статьи отечественных и зарубежных авторов о достижениях и перспективах науки, результатах научных исследований ученых, проводящих исследования. Электронный журнал издается один раз в месяц.

Каждой статье, опубликованной в журнале, на контрактной основе присваивается номер DOI (Crossref).

Также изательство оказывает услуги по:

- качественный перевод статей;

- редактирование статей и адаптация к требованиям журнала;
- обработка статей;
- проверка научных работ (статей, учебных пособий, монографий, диссертаций и др.) на плагиат статей;
- оказывает информационное обеспечение публикаций статей в престижных зарубежных журналах (Scopus, Web of Sciences и журналах с высоким импакт-фактором).

Не упускайте возможность!

Пожалуйста, свяжитесь с нами: [www.alferganus.uz](http://www.alferganus.uz)

Электронный адрес: [Alferganus.ltd@gmail.com](mailto:Alferganus.ltd@gmail.com)

Наш адрес в телеграмм: @Alferganus\_ltd

Телефоны: **(97) 100-38-88**

**(91) 109 - 05 - 38**

# **ИҚТИСОДИЁТНИ РАҶАМЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ИҚТИСОДИЁТДАГИ ТАРКИБИЙ ЎЗГАРИШЛАР: МУАММОЛАР, ЕЧИМЛАР ВА ИСТИҚБОЛЛАР**

Республика илмий-амалий онлайн конференция  
**МАТЕРИАЛЛАРИ**  
(2021-йил 28-май)

**Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи:**

Турғунов М.М.

Худойберганова Д.А.

**Саҳифаловчи:**

Қодиров С.И.

**“Al – Ferganus” nashriyoti**

Farg‘ona sh., Aeroport ko’chasi

[alferganus.ltd@gmail.com](mailto:alferganus.ltd@gmail.com)

ISBN 978-9943-7189-3-7




Нашриёт Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги рўйхатидан 2021 й. 23 марта куни ўтган № 4446-5760-5988-7507-е628-4252-5710.

Босмахонага 15.06.2021 йилда берилди. Бичими 60x84 /, Шартли б.т. 12.5. Нашр т. 12.5. Адади 100 нусха. Буюртма № 144. Баҳоси шартнома асосида.



ISBN 978-9943-7189-3-7



9 789943 718937 >

